

БУРИБОЙ АҲМЕДОВ

АМИР ТЕМУР
ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Тошкент
«Ҷаувчи» нашриёти

63.3(5Y)

A 98

Аҳмедов Бўрибой.

Амир Темур ҳақида ҳикоялар.—Т.: Ёзувчи, 1998.—
96 б.

Буюк бобомиз Амир Темурнинг ҳаёти: айниқса, давлатчилик
шёспати ва саркардалик фаолияти пайтида амалга оширган улуг
ишларини ўрганишта мамлакатимиз томонидан катта эътибор
берилмоқда. Ҳалқимиз босиб ўтган йўлни, маънавиятимиз, адабиётимиз
тарихига олтин саҳифалар битиб кетган ўша XIV—XV
асрларда яшаган барҳаёт сиймоларни тушунишда ҳам буюк бо-
бокалонимизнинг ҳаёти ва амалга оширган ишларини ўрганиш,
ҳаётига, шахсиятига сипчков пазар солиш алоҳида аҳамиятга
эга. Тарихчиг олим академик Бўрибой Аҳмедов ушбу китобда
ана шундай эзгу ниятни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

63.3(5Y)

A 4702620201—70
M 362 (04) — 98 режага қўшимча — 1998 й.

ISBN 5—8255—0495—8

С: Б. Аҳмедов, 1998 йил.
«Ёзувчи» наприёти, 1998 йил

МУАЛЛИФДАН

Улуглардан бир нақл қолган, «Иқтисодиёт жамиятнинг танаси бўлса, илм-маърифат унинг боши, қалби ва рӯҳидир», деган эканлар улар. Дарҳақиқат, шундай. Қорин тўқ, ўст-бош бутун бўлиши мумкин. Лекин илм-маърифатли бўлмасак, камол топган одам бўлмаймиз. Улуғ халқлар қаторидан ўрин эгаллай олмаймиз. Юртимизни Америка, Олмония, Япония ва Англиё сингари илғор мамлакатлар даражасига кўтармаймиз. Бунинг учун тарихимизни, улуғ аждодларимизни, илмий меросимизни, маънавият ва қадриятларимизни билишимиз зарур. Шу ўринда ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг бир гапини эсингизга солмоқчиман. У бундай деган эди: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, дейдиганлар ҳақ бўлмаса керак. Маънавият инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч — қудратидир. У йўқ жойда ҳеч қачон баҳт-саодат бўлмайди¹. Маънавиятимизни билиб олишимиз учун эса бугун барча шарт-шароит мавжуд.

Биринчидан, бой тарихимиз, илмий, маданий меросимиз бор. Халқимиз орасидан илм-фанинг барча соҳаларини эгаллаган йирик олимлар етишиб чиққан. Масалан, Мұхаммад ибн Мусо ал-Хоразмий арифметика билан алгебрани, Аҳмад ал-Фарғоний фалакиёт (астрономия)ни, Ибн Сино тиббиёт (медицина)ни, Абу Райҳон Беруний астрономия, жуғрофия билан маъданшунослик (минералогия)ни, Абу Носир Форобий фалсафани жаҳонга кашф этганлар. Ўзларидан бой илмий мерос қолдирган олимларимиз жуда кўп. Уларнинг ёзган асар-

¹ И. А. Каримов. Узбекистон: иқтисод, сиёсат, мағкура. «Узбекистон» нашриёти. Тошкент, 1993. 79-саҳифа.

лари ва қилган кашfiётларй ҳозир ҳам илмий қиммәтини йўқотмаган. Уларни бутун дунё билади.

Иккинчидан, республикамиз кутубхоналарида улуғ аждодларимиз ёзиб қолдирган асарлардан 200 мингга яқини сақланган. Улар илм-фанинг барча муҳим соҳаларига бағишиланган. Булар тарихни чуқур ўрганишимиз, маънавий қадриятларимизни тиклаб олишимиз учун хизмат қилиши мумкин. Лекин афсуски, уларнинг мингдан биро ҳам ўрганилмаган. Энди уларни ўрганиш пайти келди.

Учинчидан, Миллий мустақилликка эришганимиздан кейин бунга кенг йўл очилди. Ҳукуматимиз бунинг учун керак шаронтни яратиб бермоқда. Фақат астойдил меҳнат қилишимиз зарур.

Тарихда ўтган улуғ даҳолар орасида улуғ бобомиз Амир Темур ҳам бор. У Искандар Зулқарнайн, Юлий Цезарь, Хорун ар-Рашид ва Маъмун сингари тарихда ўчмас из қолдирган. Иирик давлат арбоби, моҳир саркарда, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида машҳур. Лекин шу вақтгача уни яхши ўрганимадик. Аксинча, ёвуз, қонхўр, босқинчи деб атадик. Истаганча қораладик.

Яратгауга шукрки, миллий истиқлол Амир Темурнинг ҳаёти ва фаолиятини атрофлича ўрганиш имконини берди. Миллий мустақилликка эришганимиздан бери ўтган қисқа бир вақт ичиди бу йўлда катта ишлар қилинди. Амир Темур ва авлоди замонида ёзилган асарлар нашр этилмоқда, муҳим илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, бадиий китоблар, кино ва саҳна асарлари яратилмоқда.

Қўлингиздаги «Амир Темур ҳақида ҳикоялар» китоби шулар жумласидан. Ўсмирларга мўлжалланган ушбу тўпламдаги кичик ҳикояларда соҳибқирон бобомизнинг оғир, хавф-хатарлар билан тўлиб-тошған ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятидан айрим лавҳалар берилади. Рисола ўша замонлардан қолган қўлёзма асарлар, расмий ёзишмалар ва бошқа манбалар асосида ёзилди.

СҮЮНЧИ

Ҳижрий 736 йил (милодий 1336)нинг баҳори ёғин-сочинли келди. Қундузлари қуруқ, ҳатто, аҳён-аҳёнда қўёш булут нарчаларини ёриб чиқиб, еру кўкка чарақ-лаб нур сочиб туришига қарамай, кечга бориб осмону фалакни қора булут қоплаб олар, кечаси билан ёмғир ёғиб чиқарди! Ёққанда ҳам еру заминнинг устихонини эзиб ёғарди.

Лекин, ўша куни унинг ёғадиган афти-ангори йўқ эди. Хуфтон намозигача тинчлик бўлди. Буни кўриб Қо-зонхоннинг кўнгли бир оз ёришгандай бўлди. «Ҳайрият,— деди у суюниб,— белгилаб қўйғон режамизни бу кеча амалга оширурмиз». Эрталабки кенгашдан кейин бугун тунда бир тўда йигитларни олиб, Чакчак дарага бормоқчи эди у. Бир ҳафтадан бери ўша ерга бориб, тўп-лангаётган лашкарни кўздан кечирмоқчи ва сипоҳийлар билан амирларнинг кайфиятини билмоқчи эди. Ахир яқин орада у рақиби амир Қазағанга қарши Соли сарой устига лашкар тортмоқ ниятида эди-да. Чунки, амир ул-умаро ҳам қўл қовуштириб ўлтирмаётган эди. Тожтахт даъвосини қилиб, хонга қарши теварак-атрофнинг лашкарини тўплайлётган эди у. «Илонни уясида босғон дуруст»,— деди хон ичидаги шу тоңдаёқ Тарағой баҳодирни ҳузурига чорлади. У келиб ўлтириши ҳамоно, гапни чўзиб ўлтирмасдан, айни муддаога ўтиб қўяқолди.

— Бек, эшитдингизму-йўқму, амир Қазаған фитнаю нифоқдин дам үриб, Соли саройга лашкар жамлаётган эрмиш.

— Эшитдик, аълоҳазрат. Бундин хабаримиз бор,— Тарағой баҳодир қўлинини кўксига қўйиб, хонга таъзим қилди.

Хон бош ирғаб, унинг сўзларини тасдиқлаган бўлди, сўнгра сўзида давом этди:

— Ул бадбахт нон-туз ҳақини унитиб, тожу таҳт даъвосини қиласып, чамаси.

Хон сұхбатдоши не фикрда эканлигини билib олмоқчи бўлиб, унинг юзига тик боқди. Тарагой баҳодир хоннинг муддаосини англади. Хон бу оғир курашга уни ҳам тортмоқчи. Балки бу мушкул ва хатарли ишни унинг зиммасига юкламоқчидир. Тарагой баҳодир Ҳожи барлос билан ясовурйлар тарафдан хавф-хатар борлигини баҳона қилиб, бошда Соли сарой устига юришдан бош тортмоқчи бўлди. Лекин кейинини ўйлаб, бу фикридан қайтди.

— Биз сизга бандамиз, аълоҳазрат. Нени буюрсалар, итбоят этурмиз, — деди у қўй қовуштириб.

— Боракалло, бек, сиздан айни шундай жавоб кутғон эрдик.

Хон беҳад суюнди ва Тарагой баҳодирга миннатдор-чилик билдириди, кейин қўшиб қўйди:

— Иккимизнинг бир фикрда бўлишимиз зафар гарови эрур, бек. Қолғон гапни эртаминен, нонуштадин кейин, қолғон бекларни ҳам йиғиб, бафуржга гаплашурмиз, иншоолло.

Хон қўлларини фотиҳага очиб, Тарагой баҳодирга ижозат берди.

Тарагой баҳодир чодирига қайтгандан кейин бир ош нишар вақт ўтиб, яна ёмғир қуя бошлади...

Шу кечада Тарагой баҳодир мижжа қоқмай тонг оттирди. У қўп нарсаларни ўйлади ўша кечада. Эл-юрт яна уруш-талош оғушида қолишини ўйлаб, юраги ларзага келди. Бекларни, ўшалар қатори унинг ўзини ҳам жин урмайди. Лекин раиятга қийин бўлади. Бечора халқ! Яна ўша ур-йиқитлар, талон-тарожлар... Қўпчиликнинг ёстиғи қурийди. Норғил йигитлар ва бўйига етган қизларни асир олиб, ҳайдаб кетадилар. Бунинг устига ясовурйлар. Улар Тарагой баҳодир йўқлигига қишлоқ ва ўтовини босадилар. Ҳожи барлос-чи? Улусни инисидан тортиб олгани етмай, уни маҳв этиш пайинга тушган. Чунки, уни қўролмайди. Тарагой баҳодир кечаси билан чуларни кўнглидан кечирди. Бунинг устига хотини ҳомиладор. Ой-куни яқин. Йўқлигига ясовурйлар ёки бошқаси Ҳўжасинорни босиб, уни асир қилиб олиб кетган бўлса-чи? Шуни ўйлаб, Тарагой баҳодирнинг юраги орқасига тортди. Худо кўрсатмасин...

Эртаси куни нонуштадан кейин хон амирлари ва вазирларини кенгашга тўплади.

— Хўш, жаноблар, қандай фикрга келиб тўхтадилар? Кечаси билан обдон ўйлаб олғондурсизлар?

Бу билан у кенгашни чўзиб ўлтирмаслик ва масала-ни шу тобдаёқ ҳал қилиб, ишга киришиш лозимлигига ишора қилди. Масала тез ҳал бўлади, деб ўйлади у. Лекин, хон ўйлагандай бўлмади. Амирлар орасида аввалгидаи якдиллик йўқ эди. Масалан, Жоку барлос, Тубак баҳодир ва Мингли Буғо сулдусга ўхшаганлар хоннинг режасини хатарли деб топдилар ва амир Қазаған билан муросаю мадора йўлини тутишни маслаҳат бердилар. Бошқалар бўлса оғзига талқон солиб, ер чи-зиб ўлтирдилар. Бошда хонга тарафдор бўлган амир Жалолиддин ҳам пировардида муросаю мадорачилар тарафига ўтиб кетди.

— Жоку оғам ҳақ гапни айтдилар, аълоҳазрат. Ях-шинси, амир ул-умарони адлу инсофга чақирайлик,— деди у.

— «Сулҳ — яхши», деб айтилғон Қуръони каримда, аълоҳазрат. Яхшинси, амир ул-умаро билан ярашайлик,— деди Жоку барлос тавозеъ ва вазминлик билан.

Хон индамади. Лекин яна бир-иikki амир сулҳ ту-зишни ёқлаб гапга аралашгандан кейин хуну бийрони чиқди:

— Йўқ! — деди у қатъият билан. Сўнг Жоку барлос-га қараб гапирди. — Чамаси, жаноб амир ҳориб-чарчаб қолғонга ўхшайдур. Ундан ташқари, ёши ҳам бир ерга бориб қолғон.

Орага сукунат чўқди. Хоннинг қатъият билан айтган гапидан кейин бошқа ҳеч ким сўзлашга журъат этол-мади. Масала равшан. Жоку барлос мансабидан чет-латилади, энди. Барибир уруш бўлади. Кон тўкилади.

Бир-иikki дақиқа давом этган сукунатдан кейин хон жиддий бир тусда деди.

— Ҳа, ҳақиқатан ҳам амир Жоку барлос ҳориб-чар-чаб қолғон. Лашкар етаклашдек оғир юмуш энди унга оғирлик қилиб қолғонга ўхшайдур.

Хон шу ерга келганда амирлар бир-бирларига ўғри қараш қилиб олишди. Жоку барлоснинг эса рангу-қути ўчиб, аъзори баданини титроқ босди. Наҳотки бу энди истеъфо бўлса. Охири шундай бўлиб чиқди ҳам.

— Ул жанобни бундан буён лашкар юмушлари бир-лан банд қилиш инсофдин бўлмас!

Хон шу ерда тўхтаб, мажлис аҳлини бир-бир назар-

дан ўтказди. Уларнинг юзларида ҳаяжон ва паришонлик аломатлари... Сўнг эълон қилди-қўйди:

— Жоку барлос фақат туманбоши бўлиб қолур, бекларбегилик лавозимини эса Тарағой баҳодирға топширумиз.

Тарағой баҳодир ўрнидан туриб, хонга чуқур таъзим қилди. Кейин бир нима демоқчи бўлди. Лекин уни чор атрофдан кўтарилган табрик ва муборакболлар оғиз очишига имкон бермади. Мажлис ҳам тез тарқалди. Тарагой баҳодир қолиб, хонга гапини айтмоқчи бўлди, лекин бунинг ҳам иложи бўлмади. Хон «Сизга ҳам ижозат!», дегандай бош иргаб унга жавоб берди. «Жоку оғамнинг дилини оғритиб, унинг мартабасини эгаллаш инсофдин бўлармикин? Йўқ, инсофдин бўлмас бу. Ҳа, майли. Худо ўзи бир йўлга бошлар», — деди у ичидা.

Тарағой баҳодир чодирига қайтгач, бир пайтларгача нима қиларини билмай, хаёл суриб ўлтириди. Лекин мушкулини худонинг ўзи онсон қилди. Намози асирида мулозим кириб, Хўжа илғордан чопар борлигини маълум қилди.

— Дарҳол чақиринг, кирсун, — деди Тарагой баҳодир мулозимга шоша-пиша.

Чопар қоровулхонада экан, мулозим уни топиб келгунча Тарагой баҳодирнинг бўлари бўлди. «Чопар не хабар олиб келган экан? Тинчликму, ўзи? Такина бегимга бир нима бўлмадиму эркан?» У кўпроқ ўша маъсума хотинини ўйлади. «Ғанимлар бир нима қилмадимикин унга?» Тарагой баҳодир бошини қўйи солганча хаёллар уммонига чўмди. У ҳатто, эшик очилиб, чопар билан мулозим кириб келганини ҳам сезмади.

— Ассалому алайкум, бек оға!

Чопарнинг йўғон овозидан Тарагой баҳодир чўчиб тушди. Кейин ўзини қўлга олди ва бошини кўтариб, саломга алик олди.

— Ваалайкум ассалом. Секинроқ гапирсанг бўлмасму эрди ўғлон! Қар эмасмиз, худога шукр!

Чопар хижолат чекди ва хожасидан узр сўради.

— Авф этинг, бек оға!

Тарағой баҳодир унга астойдил разм солиб, хизматкорнинг ҳаяжон ва ҳалиқ оғушида турганини пайқади. Уни қаттироқ ваҳима босди. «Бир нима бўлғонга ўхшайдур, ўзи», — деди у ичидা. Лекин бир илож қилиб ўзини қўлга олди.

— Хўш, Шер Баҳром, не хабар олиб келдинг?

Шер Баҳром бир лаҳза энтикишини босолмай турди. Сўнг ўзини қўлга олди:

— Суюн...чи бе..ринг, бек о...фа! Су...юн..чи!

Энтикиш навбати энди Тарағой баҳодирга келди. «Суюнчи»ни эшишиб, аҳвол хайрли эканлигини англа-ди. Лекин, барибир, қўксини чулғаб олган ваҳимадан халос бўлмади.

— Хўш-хўш, гапир, Шер Баҳром!

Шер Баҳром ўзини қўлга олишга қанчалик ҳаракат қилмасин, келтирган хушхабарини бирдан айтиб берол-мади. Барибир дудуқланди, лекин муддаони маълум қилди:

— У...ғил му...бо...рак, бек о...фа! У...ғил!

Тарағой баҳодир суюниб кетди, хурсандликдан юра-ги ёрилай деди. Даст ўрнидан турди ва әгнидаги фахр-ли чопонни ечиб, Шер Баҳромнинг елкасига ёпди ва узоқ вақт уни бағрига босиб турди. Ҳақиқатан ҳам унинг қувончи чексиз эди. Ниҳоят, ўғиллик бўлди. Худога шукр! У мана шу кунни кўп йиллардан бери орзиқиб кутарди. Шу топдаёқ қанот боғлаб, Хўжа илғорга уч-моқчи бўлди, лекин хондан ижозат олмай туриб, бу иш-ни қилолмасди. У кечгача кутди. Шундай пайтларда вақт ўтиши қийин бўларкан. Худди бутун мавжудот ҳаракатдан тўхтаб қолганга ўхшарди. Тарағой баҳодир ўша кунни не азоб ва изтироб билан ўтказди. Кечқурун Қозонхондан ижозат олиб, эртаси куни намози бомдод-дан кейин мулозимларини олиб йўлга чиқди.

БАШОРАТ

Тарағой баҳодир мўмин-мусулмон, тақводор киши эди. Солиҳлар ва аҳли тариқатни дўст тутар, мажлис-лари уларсиз ўтмасди. Ўзи ҳам уларни тез-тез йўқлаб турар ва суҳбатларидан баҳраманд бўларди. У айниқса, Нақшбандия тариқатининг кўзга кўринган намоёнда-ларидан саййид Амир Кулол билан яқин эди. Тўғриси, шу одамга мурид эди. Шу боис у қишлоғига етиб кел-ганининг эртасига Сухорга бориб, пирини Хўжа илғорга олиб келиш тараддуғига тушиб турган пайтда унинг ўзи келиб қолди. Пирини кўриб, Тарағой баҳодирнинг боши осмонга етди. У чопиб бориб, отининг жиловидан тутди ва саййид Амир Кулолни қўлтиғидан олиб, отдан туширди.

— Хайрият! Хайрият! Йўлимизни қисқа қилдингиз, пиrim, Худога шукр!

Пир ва мурид бир-бирларини оғушига олдилар. Сўнг Тарагой баҳодир уни меҳмонхонага бошлади. Дуои-фотиҳадан кейин ташқарига чиқди ва бир неча дақиқадан кейин чақалоқни олиб кириб, унинг қўлига тутди.

— Ўғлонимни сизга назр-ниёз қилдим, пиrim. Уни ўғиллик ва муридликка қабул қилсангиз.

Пир болани аввал пешинга ётқизди, кейин қўлига олди. Тарагой баҳодир пирига тўла ишонч, меҳр ва эътиқод билан тикилди ва чуқур таъзим қилди.

— Балли, бек, ўтинчингни қабул қилдик. Бу кундин эътиборан ўғлонингиз бизга ҳам ўғил, ҳам мурид бўлғай, иншоолло.

— Қуллуқ, тақсир. Бошимизни осмон қадар кўтардингиз.

Тарагой баҳодир иккала қўлини кўксига қўйиб, пирга чуқур таъзим қилди.

Амир Кулол боланинг юзига ташланган ипак ёпғични аста-секин кўтарди, гўдакнинг юзига бир зум тикилиб турди, сўнг бошини кўтариб, Тарагой баҳодирга мурожаат қилди:

— Ўғлонингнинг пешонасидин баҳту иқбол, соҳиби давлатлик ва жаҳонгирилик нурлари порлаб турубдур, бек. Иншоолло, у келгусида етти иқлимға подшоҳ бўлғай!

Кейин боланинг юзини ёпиб қўйди.

— Илоҳим айтганингиз келсун, пиrim!

Тарагой баҳодир пирига илгаригидан ҳам чуқурроқ қуллуқ қилди.

Амир Кулол боланинг юзини очиб яна бир бор, бу сафар узоқроқ тикилиб турди. Сўнг уни отасига қайтариб берди. Қўйнидан аллақандай чизиқлар ва рақамлар битилган, қуёш, ой ва юлдузлар тасвири туширилган тахтачани олиб, олдига қўйди. Тарагой баҳодир бу тахтачани пирининг қўлида илгари ҳам кўрган. Унинг илми нужумдан хабари борлигини биларди. Тахтacha зоижадеб аталарди. Шунинг учун бунга таажжубланмади. Пир юлдуз ва сайдераларнинг ҳаракатига қараб, чақалоқнинг толеини аниқлаб бермоқчи эди. У тахтачани бир зум бошдан-оёқ қўздан кечиргандан кейин сўз бошлади:

— Қочувли баҳодир пуштидан пайдо бўлғон ушбу ёруғ юлдуз, — деди у Ҳамал буржида турган ёруғ бир

юлдузни қўли билан кўрсатиб, — фатҳу зафар машриқидин кўтарилимиш. Унинг салтанати нурлари машриқу мағрибни мунаввар қилғай! Ўзидин кейин болалари ҳам, адлу инсоф бирлан тутғон ишлари туфайли, шу йўсинда келажаги порлоқ бўлурлар, иншоолло!

Шу ерда пир бошини зоижка тахтасидан кўтарди. Бир оз нафасини ростлаб олгандан кейин муридига яна бир қараб қўйди ва ишончу қатъият билан сўзида давом этди:

— Мана, худо хоҳласа, кўурмиз, бек, Бахтли толеъининг белгилари бор ўғлонингнинг пешонасида. Иншоолло, етти иқлим салтанатига соҳиб бўлур. Оламнинг паришонлик туни тез фурсат ичида, унинг давлат тонги ёришишидин, наврўзи олам кунларидин ёруғ ва хуррамроқ бир кунга айлангусидур. Бу — субҳи содикдек аниқ ва равшандур, бек.

Шу ерга келганда пир қунт билан зоижка тахтасини яна бир бор кўздан кечирди, сўнг сўзида давом этди:

— Уadolатли салтанат тартиб — қоидаларини жорий этгай! Халифалик устунларини мустаҳкамлагай! У бунёд этган салтанат сўнгги салтанатларга ҳам асос бўлғай, иншоолло!

Сўнг Тарагой баҳодирнинг диққат-эътиборини зоижадаги бир нуқтага жалб қилди:

— Мана, қара, бек, улуғворлик ва қудрат юлдузи бўлмиш қуёш тўртинчи мақомда, ўзининг Аторуд билан қўшилғон шараф мақомида турибдур. Алар худди иккита қуёш бўлиб, Ҳамалнинг йигирма иккинчи даражасида фатҳу зафар байроғини тикиб ва бахту иқбол ёрлиғини саодат муҳри билан тасдиқлаб турибдилар.

Сўнгра пир соҳиби хонанинг диққатини зоижка тахтасидаги яна бошқа бир нуқтага тортди:

— Саодат манбаи бўлмиш Муштарий, улуғлик ва қудрат сайёраси Миррих бирлан биргаликда саодатманд ва шавкатли фарзандлар кўплигидан мангаликка туташ давлат асосини ёқлаб турибдурлар.

Шундан кейин пир зоижка тахтасини буқлаб, қўйнига солди ва хурсандчилик ҳамда мамнунлик билан Тарагой баҳодирга мурожаат қилди:

— Кўрдингму, бек, ўғлонинг муборак бир айёмда, икки саодатли сайёра: Муштарий бирлан Миррих ўз буржиди бир-бирларига яқинлашғон бир пайтда таваллуд топмиш. Бундай ҳол, маълумки, олий мартаба, шон-шавкат ва куч-қудратга ишоратдур. Мунажжимлар яхши

билиадурларки, Муштарий — бахт-саодат, Миррих эрса куч-қудрат манбай эрурлар. Мундин маълумки, Тангри таоло ўғлонингға бахт-саодат ва куч-қудрат ато этмиш. Қодири эгам айтибдурлар: «Биз ушбу улуғ неъматни фақат ўзимиз танлаган кишиларгагина ато этурмиз». Бу муқаддас сўзлар сенинг ўғлонингга ҳам тегишлидур, бек. Илоҳим баҳту-саодат ва юксак шон-шавкат ушбу гўдакка ато этсун! — Сўнг қўлларини дуога очди ва Қуръони каримнинг «Оли имрон» сурасидан мана бу оятни ўқиди: «Эй мулку давлат эгаси бўлғон Тангри, сен истаган одамингга мулк ато қилурсен. Истаган кишинингни азиз этурсен. Ҳамма яхшилик ёлғиз сенинг қўлингдадур. Албатта, сен ҳамма нарсага қодирдурсен». Тариқатнинг бўлғуси шу ихлосмандини ўз ҳимоянингға ол, онинг ризқу рўзини улуғ қил, шон-шавкат ва салтанатга шерик қил, омин!...»

Шундан кейин пир Тарагой баҳодирни «яқинроқ ўлтири!», деб ёнига чорлади ва чақалоқнинг қулоғига аzon айтиб, унга «Темур» деб от қўйди.

ИРИМ-СИРИМ

Хожи барлоснинг хон саройида айғоқчиси бор эди. У Тарагой баҳодир билан-олдин-кетин Қаршидан чиқди ва қош қорайганда Кешга кириб борди. Шунинг учун ҳам бекнинг қароргоҳига боришга ийманди. Яқин қолганда Азим полвоннинг чойхонаси ёнида отини жиловлади ва уни қозиқлаб, чойхонага кирди. Пайшанба куни бўлишига қарамай, қўйилган икки-уч қорачироғ уни зўр-базўр ёритиб туради. Шу сабабдан чойхўрларни бирдан таниб бўлмасди. Азим полвон бедана юриш қилиб унинг олдига келди ва у билан хўшлашди:

— Қелсинлар, жаноб, келсинлар! Қадамларига ҳасанот! Қайси шамол учирди?

Чойхоначи уни танирди. Бир ойдан ортиқ кўрмаган бўлса ҳам уни нима билан бандлигини яхши биларди. Бек уни бирон тарафга юмуш билан жўнатган, албатта. Шунинг учун «шамол» сўзига алоҳида урғу берди.

— Хизматчилик, полвон ака, хизматчилик. Ўзингиздан қолар гап йўқ, — деди айғоқчи икки қўлини кўксига қўйиб.

Азим полвон ўнг елкасидаги дастўрмолни олиб, қўлидаги бир жуфт пиёлани артган бўлди, сўнг айғоқчига

бўш ўриндиқни кўрсатди. Ўлтиргандан кейин эса олдига патнисда иккита нон, бир сиқим майиз ва бир чойнак чой келтириб қўйди.

— Бемалол ўлтириңг, жаноб. Тортинмасдан еб-ичиб ўлтирсинлар, марҳамат!

Чойхоначи қўлини кўксига қўйиб, айғоқчига таъзим қилди ва самовар олдига қайтди. Лекин айғоқчига ҳеч нима татимади. Фақат ўйлади. Бекнинг олдига шу кеча боргани яхшими, ёки эртага нонуштадан кейин боргани маъқулми? Аммо, бирор қарорга келолмади. Ахир, олиб келаётган хабари ўта муҳим-ку! Улус тақдирини ҳал қилиши мумкин бўлган хабар! Агар Тарагой баҳодир бугун-эртага бекларбегилик лавозимига минатурғон бўлса, Ҳожи барлоснинг ҳоли не кечади? У хавф-хатар остида қолмайдими? Тарагой баҳодир бундан бир неча йил муқаддам улусни зўрлик билан тортиб олгани учун ке-чиармикин уни? Шуларни ўйлаб, айғоқчини қўрқув босди. «Албатта, ҳозироқ бекнинг ҳузурига боришим керак», — деди у ўз-ўзинга. Лекин, масаланинг бошқа томони ҳам бор. Ҳожи барлос одати бўйича кечқурунлари битта-яримта мулоzим, маҳрами асрори, мунажжим ёки фолбиндан бошқа ҳеч кимни қабул қилмас эди. Бемаврид келганларни эса жинидан баттар ёмон кўради. Хусусан, айғоқчиларни. «Бугун уйимга бориб, болачақамнинг олдида турай, эртага барвақт бориб бекка учрашарман», — деган қарорга келди у охири. Лекин яна ўйлаб кўриб, фикридан қайтди. «Йўқ, ҳозироқ бораман, эртага кеч бўлиши мумкин», — деди у ва апнитапил чойини ичиб, патнисга уч пул ташлади-ю, чойхонадан чиқди...

Дарвозабон бекнинг уйига уни қийинчилик билан киритди. «Бек оғамга муҳим хабар олиб келғанмен», деб оёқ тираб туриб олгандан кейин зўрға дарвозани очди. Дарвозабон киритди-ю, лекин қоравулбеки оёқ тираб туриб олди.

— Бек ҳазратларининг олдида жаноби қушбеги бор, — деди у.

Хайрият, қушбеги хиёл ўтмай чиқиб кетди. Шундан кейин қоравулбеки эшик оғани чақиртирди. У айғоқчини обдон сўраб-суриштирди. Қейин, бекнинг олдига кириб чиққач, айғоқчига киришга ижозат берди.

Айғоқчи оstonадан қадам қўйиши билан тўрда, иккি қават қилиб тўшалган зангори кимхоб кўрпачага устида,

лўлаболишга ёнбошлаб ётган Ҳожи барлосга икки букилиб таъзим қилди:

— Ассалому алайкум, бек ота!

Ҳожи барлос хиёл бош иргаб алик олди ва қўли билан айғоқчига қаршисидан жой кўрсатди:

— Утири, Қепакбий. Не тоза хабар келтурдинг? Гапир!

— Тарафой баҳодирга баҳт бир эмас, икки тарафдин кулиб боқмиш, ҳазратим.

Ҳожи барлос бошда бунга аҳамият бермади. Ҳатто айғоқчини мазах қилди:

— Нима, эчкиси эгизак туғибдурму? Ё...

Айғоқчи бўш келмади:

— Бундин хабарим йўқ, бек ота.

— Унда гапир! Аниқ қилиб гапир! Тарафой баҳодирга насиб этғон ўша қўшалоқ баҳт қандай баҳт эркан, ўзи?

Ҳожи барлос ҳамон айғоқчининг хабарига беэътибор эди. Буни фаҳмлаб, айғоқчи қувлик қилди. Гапни чўзди:

— Шундай, бек ота. Тангри таоло унга қўшалоқ баҳт берибдур.

— Тушунмадим. Аниқ қилиб гапир! Чўзма! Мунча ҳам эзма бўлмасанг?

Ҳожи барлос бу сафар айғоқчининг юзига жиддий бир тусда тикилди. Лекин бек унинг юзида ташвиш ва ҳаяжон аломатларини кўриб, бир қадар ўйланиб қолди. Тарафой баҳодирга мұяссар бўлган қўшалоқ баҳт қандай баҳт бўлди, ўзи? Бирон олий мартабага етишдиму у? Хон унга Кеш ҳокимлигини берган бўлса-чи? Шу ерда Ҳожи барлосни ваҳима босди. Агар шундай бўлган бўлса, унда урди худо! «Яқиндан бери у бўзчининг мокисидай Кеш бирлан Қарши ўртасида қатнаб қолғонидин ҳам сезувдим», — деди у ичида. Энди уни чиннакамига ваҳима босди, жаҳли чиқиб, айғоқчига ўшқирди:

— Ҳой, бадбаҳт! Гапирсанг-чи! Ўзи нима гап?!

— Аввалғи куни хон ҳазратлари Тарафой баҳодирни бекларбегилик мансабиға тайинладилар. Ва яна унга худойим қўчқордек ўғил...

Шу ерга келганда бек айғоқчининг гапини шартта кесди:

— Буниси бизга маълум.

Кейин истеҳзо билан қўшиб қўйди:

— Кўчқордайлигини сен ҳаердан билдинг, занғар!
Мушукдай де, мушукдай!

Айғоқчи унинг гапин тасдиқлаб қутилди. Бекнинг
ғазабидан қўрқди.

— Шундай, ҳазрати олийлари. Мушукдай. Аммо...

Ҳожи барлос яна унинг гапини кесди:

— Нима, аммо?!

— Кичиклигига мушук-мушукка ўхшайдур, лекин
улғайғач, шерга айланиши мумкин, дейдилар кексалар.

— Нафасингни ел урсун сени, занғар. Йўқол!

Кепакбий чиқиб кетгандан кейин Ҳожи барлос ёл-
ғиз қолиб, ваҳимаси ортди. Ўша кеча у мижжа қоқмай
тонг оттирди. Ўй-сано еб-ичди уни. Тарагой баҳо-
дир Қешни ундан тортиб олса-я! Унда ҳоли не кечади?
Аслида-ку у мулоҳазали ва кечиримлик одам. Лекин, у
еткизган ёмонликларни орқасига ташлай олармикин?
Уни кечиравмикин? Ҳали-ҳануз кек сақлаб юрган бўл-
са-чи? Унда нима бўлади? Ҳолига маймунлар йиғламай-
дими? Ҳа, «алқасосу мин ал-ҳақ», — деб бекорга айтмай-
дилар. Ҳожи барлос вақти саломни ҳам кутмай, мунаж-
жим билан фолбинни чақиртириди. Афсуски, улар ҳам
бекни ҳеч бўлмаганда хотиржам қиласидиган гап айтоль-
мадилар. Мунажжимнинг гаплари эса ўлганнинг устига
тепган бўлди. У, масалан, бундай деди: «Донг таратгон
ўша бахтиёр амирнинг, хон ҳазратлариға садоқати ва
нияти холислиғи сабабдин, онинг ҳаёт экинзорида, пар-
вардигори эгамнинг инояти бирлан, бир яхши ниҳол кў-
кармиш. Умид саҳросининг бепоён кенглиги давлату
иқбол ҳирмониға айлануб, фазилатлар маҳсули бир-
лан тўлиб-тошар эрмиш. Ва бу ниҳол охир-оқибат етти
иқлимин обод қиласиди».

— Кўкариб бўпти ўша ниҳол! — деди ичидаги Ҳожи
барлос.

Энди у фолбинга мурожаат қилди:

— Хўш, сиз нима дейсиз, тақсир?

Фолбин қўйинидаги халтани олди ва ундан қўйининг
уч-тўртта қабирғасини олиб, дастурхон четига қаторла-
тиб тизди. Кейин уларни битта-биттадан қўлига олиб ва
нималарни дир пичирлаб, у ёқ-бу ёғини кўздан кечир-
ди. Сўнг, қўрқа-писа таъбирини бекка айтди:

— Банданинг фикри ожизига қарағанда, Жадий бур-
жи кўзға инқилобға мойил бўлуб кўринадур. Кун ботар
тарафдин кўтарилиғон бўрон Қеш сари келаётғонға ўх-
шайдур...

Шу ерга келганда Ҳожи барлос унинг гапини шартта кесди:

— Бас, етар!

Шундан кейин мунахжим билан фолбинга «кетинглар бу ердин!», — деб қўли билан ишора қилди. Кейин қушбегини чақиртирди.

— Яна ўша Тарагой баҳодир! Бошга бало бўлди у!

«Хўш, нима қилдик, энди?» деган маънода бек унинг кўзларига тикилди.

— Яна широр ўюштирасакмикин? — деди қушбеги шоша-пиша..

— Билмадим! Билмадим!

Ҳожи барлос кўзини қушбегидан олиб қочди. Уртага узоқ сукунат чўқди. Сукунатни қушбеги бузди:

— Бу сафар хатоға йўл қўймайдурмиз, бек оға. Мерган йигитлардин зўрини топиб қўйғонмен. У зим-зиё тунда ҳам чумолининг кўзини бехато нишонга оладур, бек оға.

— Йўқ, бундин иш чиқмайдур. Тарагой баҳодир энди ҳушёр тортиб қолғон. Балким бу сафар широрга келмас.

— Ундаи бўлса, азайимхонга мурожаат қилсакмикин? Ирим-сиримда ҳам гап кўп, дейдилар, салэфлар.

Қушбегининг бу маслаҳати Ҳожи барлосга маъқул тушди. Бек қушбеги чиқиб кетгандан кейин азайимхонни чақиртириб, унга кўнглидагини айтди.

— Қора ҳўқизнинг ўт пуфаги менман деган баҳодирнинг ҳам оёғидан олади. У охир-оқибатда саратонга мубтало бўлиб, қирқ кун деганда қуриб битармиш.

Азайимхон бекнинг гапларини тасдиқлади.

Ҳожи барлос ўша куниёқ қассоб чақиртириб, боқувдаги ҳўқизларидан бирини, қорасини сўйдирди. Азайимхон унинг ўт пуфагини ювиб-тараттириб, пуфлаб иширди ва қандайдир дуолар ўқиб, бўғзидан маҳкам қилиб боғлади ва ҳуфёна Тарагой баҳодирнинг уйига олиб бориб, айвон устунига осиб қўйди...

— Аввал ўзи бирёқлик бўлсин, — деди Ҳожа барлос эшитилар-эшитилмас азайимхон чиқиб кетгандан кейин, — итваччаси қочиб қутулолмайдур.

ҚИССАХОН

Темурбек зийрак, ҳамма нарсани билишга итилувчи, серғайрат, жасур бола бўлиб ўсди. Тўрт ёшга тўлганда отаси уни Хўжа илғорлик кекса қиссаҳоннинг ўғли Ортиққа қўшиб қўйди. У Темурбекдан олти-етти ёш катта бўлиб, отасидан эшитган бирталай қиссаларни ёд биларди. Айниқса, Ҳазрат Али ва Абу Муслим қиссаларини суйиб айтарди. Улар, Темурбек билан Ортиқ, бўш пайтларида Чилла булоқ бўйига боришар, унинг шифобахш сувидан тўйиб-тўйиб ичишардилар. Шу пайт Темурбек ундан қисса айтиб беришини илтимос қиласади. Ортиқ қиссаҳон эса эшитган-нетгандарини унга сўзлаб берарди. Бир куни қиссаҳон унга Ҳазрат Али қиссаларидан сўзлаб берди.

— Утган сафар Абу Муслим қиссаларидин эшитган эрдик. Энди Ҳазрат Али қиссаларидин эшитсақ, Ортиқ ака. Йўқ деманг, илтимос.

Ортиқ йўқ демади. Темурбекка Ҳайбар жанги қиссанни сўзлаб берди: «Бир кун саййиди олам пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам, — деб бошлади у, — масжидда ўлтиргон эрканлар, бирдан қулогларига Жаброил алайҳиссаломнинг овози эшитилди. Саййиди олам бошлариға парда тортиб, юзларини ундин яширдилар. Жаброил алайҳиссалом дедилар: «Худойинг сенга салом айтди. Саломдин сўнг фармон қилдиким, Ҳайбарға борсин. Кимки имон келтирса, омонолиғ бер. Имон келтирмаса бошини танидин жудо қил! Ҳайбарнинг бутхоналарини бузиб, уни исломобод қил!». Пайғамбар алайҳиссалом ваҳийдин фориғ бўлғондин кейин дедилар: «Эй ёронлар, худодин фармон бўлдиким, Ҳайбарға бормоқ зарур». Ушбу фармон худотарафидин бўлғон, деб ҳамма лашкар жам бўлди ва жаноби саййиди оламга мунтазир бўлиб турди. Бирдан ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам тўла қуролланған ҳолда отланиб чиқдилар. Атрофифа уч минг саҳоба жам бўлғон эрдилар. Ҳаммалари салом қилдилар. Ҳазрати Муҳаммад Мустафо саллаллоҳу алайҳи васаллам алик олдилар. Андин сўнг ҳазрат пайғамбаримиз ишорат қилдилар. Саҳобалар мисли ситора бўлиб равона бўлдилар. Неча манзилни босиб ўтиб, Ҳайбар қалъасига яқинлашдилар. Йўлда ҳазрати амир Алиниңг кўзлари оғриб қолғон эрдилар аттарга яқинлашондан сўнг, саф тортиб такбир айтдилар. Такбир осмо-

Ну фалакка етди. Қоровул қалъа буржидин тушиб, Ҳайбар подшосиға лашкар келгонидин хабар берди. Бу хабарни эшигач, қалъа дарвозаларини ёпдилар. Ислом лашкари ўша куни дам олди. Иккиси куни, бомдод намозидин кейин, отланиб, ҳандақ атрофиға келдилар. Ҳандақ чуқур ва кенг эркан. Кейнлиги қирқ газ эрди. Саййиди олам девор устиға қарағон эрдилар күзлари лашкари исломни тамошю қилиб турған бир қизга тушди. У ниҳоятда гүзал, жамоли жаҳон оро эрди. Үл соҳибжамол Ҳайбар подшосининг қизи эркан. Үнинг ҳам нигоҳи саййиди оламға тушуб, ошиғу беқарор бўлди. Саййиди олам дарвозаға қараб эрдилар, нигоҳлари тахминан уч минг ботмон келатурғон бир паҳлавонға тушди. Нима қилишини билмай, бир фурсат ўйланиб турдилар. Лекин тадбирини топмадилар. Ва қайтиб кетдилар. Учинчи куни намози бомдодни ўқиб, ҳамма лашкар савора бўлди. Ўша куни икки ўртада қаттиқ уруш бўлди. Ислом лашкарларидин баъзилари шаҳид, бир қисми заҳмдор бўлди. Жанг майдонини яна ташлаб чиқдилар.

Шу ерга келганда қиссаҳон ҳикоясини тўхтатди ва «кайтаверайми, ё бўлдими?», — деган маънода Темурбекка тикилди.

— Давом этингиз, жуда қизиқ эркан қиссангиз, — деб жавоб берди Темурбек.

Қиссаҳон ҳикоясини давом эттириди.

— Саййиди олам маъюс бўлдилар. Намози шомдин кейин Ҳайбар хусусида саҳобаларига кенгаш очдилар. Саййиди олам дедилар: «Бирон киши борму эркан, ислом байробини Ҳайбар устиға олиб борса?» Ёронларидин Абубакр Сиддиқ деди: «Ё саййиди олам, мен борайин». Эртаси куни намози бомдодни ўқигонларидин кейин, ислом лашкари яна отланиб, Ҳайбар сари юзландилар. Ислом байробини Абубакр Сиддиқ кўтариб бордилар. Ўша куни шундай урушдиларки, таърифга сиғмас эрди. Ислом лашкарларидин кўп киши заҳмдор бўлди. Яна орқаға қайтилар. Саййиди олам хафа бўлдилар.

Шу ерда қиссаҳон ҳикояни тўхтатмоқчи бўлиб, Темурбекка хиёл қараб қўйди. У «Тўхтатманг, давом эттиринг», дегандай ишора қилди. Қиссаҳон давом этди. «Саҳобаларидин Солмон деди: «Ёй, Саййиди олам, кўп кишимиз заҳмдор бўлдилар. Урушни тўхтатайлик». Саййиди олам жавоб қилдилар: «Эй, Солмон, тинчлан. Мен бу ерга Худованди каримнинг амри бирлан келғонмен. Үнинг амрини бажаришим лозим». Ёронлар бу сўзни

Эшитиб, тинчландилар. Шу тариқа кўп кун уруш бўлді. Ислом байроғини ҳар куни бир киши кўтариб борур эрди. Йигирма кунча уруш қилдилар. Лашкар беҳад чарчади ва тушкун бўлди. Йигирма биринчи куни Саййиди олам одамларға мурожаат қилди: «Энди ислом байроғини кўтариб бориша жанобларидин ким жонбозлиқ кўрсатгай?» Ҳеч кимдин садо чиқмади. Шундан сўнг Саййиди олам дедилар: «Қўрқасизлар. Шу важждин жавоб бермайсизлар. Энди ислом байроғини шундай бир марднинг қўлига берайликки, биз Тангри таолонинг амри бирлан, зафар қучфаймиз».

Шу пайт Жаброил алайҳиссалом келиб қолдилар ва дедилар: «Ё, Мұхаммад, Худойинг сенга салом айтди ва фармон бердиким, ислом байроғини менинг шерим қўлиға берсунлар ва қудратимни тамошо қўлсунлар». Саййиди олам дедилар: «Ҳазрат Алиниң кўзи оғриб қолибдур. Қўзлари ҳеч нарсани кўролмайдур». Жаброил алайҳиссалом жавоб қилдилар: «Қўзлари оғриғон бўлса, давоси муборак оғзингизнинг сувидир».

— Саййиди олам ваҳийдин фориғ бўлгач, Салмонни чақиритиб дедилар: «Эй, Салмон, бориб Алини айтиб кел!» Ҳазрат Салмон бориб дарҳол ҳазрат Алини айтиб келдилар. Ҳамма ёронлар шод бўлдилар. Саййиди олам ҳазрат Алиниң бошини тифи муборак устиға қўйдилар ва оғизларининг сувини унинг кўзларига суртдилар. Шундан кейин у дарҳол дарддан фориғ бўлди. Саййиди олам ва ҳамма шод бўлдилар. Ёронлари ҳазрат Алига салоҳларини кийгиздилар. Ҳазрат Али зулфиқорини белига боғлаб, дулдул отига миндилар ва барча ёронлариға «Сизларни худоға топширдим!» — деб улардин фотиҳа олиб, байроқни бир ўзлари қўлларига олдилар ва қалъя сари равона бўлдилар. Бадбаҳт жуҳудлар буни кўриб ҳайрон бўлдилар. Бу қандай одамки, байроқни бир ўзи кўтариб келадур? Ҳазрат Али байроқни ҳандақ лабиға тикдилар ва Сурайи фотиҳани ўқиб, этагини белига қистирдилар. Сўнг худоға таваккал қилиб, сакраб ҳандақдин ўтдилар. Жуҳудлар хурушға келдилар. Саййиди олам ёронлар билан такбиҳ айтиб турдилар. Ҳазрат Али ҳайбарликларининг Умар ва Антар деган паҳлавонларини жангга чорлади. Паҳлавон Антар дарвозадин чиқиб, деди: «Эй, мард, исминг недурким, шу қадар чуқур ва кенг ҳандақдин сакраб ўтдинг?» «Эй, коғир, билгинким, ўзум арабзода, исмим Алидир. Туронда мени Илёс деб атайдилар». Паҳлавон Антар деди: «Ях-

Шисий, орқангга қайт! Чунки мен отлиқмен, сен эса пиёда келибсен. Бошингни кесиб ташлардим, лекин раҳмим келди».

Ҳазрат Алиниң дулдулы ҳандақиниг нариги бетида қолгон эрди. Ҳазрат Али дулдулға ишорат қўлдилар. Дулдул дарҳол ҳандақдин сакраб ўтди. Ҳазрат Али дулдулға миндилар. Кофир Антар унга найза ўқталди. Ҳазрат Али найзани унинг қўлидан тортиб олиб улоқтиридилар. Сўнг зулфиқорни филофидин суғуриб, дедилар: «Дегилким ҳудо яккаю ягонадур. Мұҳаммад расуллӯлдоҳ барҳақдурлар». Кофир Антар қабул қилмади. Амир Али уни зулфиқор бирлан урдилар. У икки пора бўлди.

Темурбек бирдан қичқириб юборди:

— Ўҳ-ҳо... Қойил! Зўр қилич эркан Ҳазрат Алиниң зулфиқори. Менман деган паҳлавонни бир зарб бирлан икки пора қилиб юборибдур.

— Ҳа, шундай бек, — деди тўхтаб қиссан, — бу қилич бутун оламға донғи кетгон.

Темурбек белидаги қиличга қараб қўйди. Сўнг қиссанга ҳикоясини давом эттиришга ижозат берди.

Қиссану давом этди:

— Шундин кейин, Ҳайбар қалъаси хурушига келди. Ислом лашкари тақбир ўқиди. Дарвоза очилиб, яна бир киши чиқди. Исми Умар эрди ва Ҳазрат Алиниң олдига келди. Кўрдикни, биродарни Антар ўлиб ётибдур. Наъра тортди ва ҳазрат Алиға найза ҳавола қилди. Амир қўл узатиб найзани тортиб олди ва улоқтириди. Сўнг «мусулмон бўл!» дедилар. Умар қабул қилмади. Ҳазрат Али уни зулфиқор бирлан андағ урдиларки, Умар ҳам икки тақсим бўлди. Шундан кейин қалъа девори ёнига келдилар. Қалъа девори тепасидин тош ва сопол отдилар. Ҳазрат Али қалқон бирлан бошини тўсди. Сўнг дарвоза ёнига келдилар ва икки халқосидан тутиб тортидилар. Дарвоза устидан туриб уни тошбўрон қилдилар. Буни Сайиди оламдин бошқа одам кўрмади. Сайиди олам дедилар: «Ё, Али, жорал ҳужёр», яъни «Тош келди. Ҳушёр бўл!» Ҳазрат Али зулфиқор бирлан дарвозани урдилар. У икки бўлак бўлиб, думалаб бориб ҳандақقا тушди. Шундай қилиб амир ўттиз уч ботмонлик дарвозани узиб олиб ташладилар. Дарвоза ҳам ҳандаққа юмалаб тушди. Шундин кейин ислом лашкарига ишорат қилдилар. Сайиди олам тамом саҳобалари бирдан келиб, ҳандақдин ўтдилар ва Ҳазрат Али бирлан қўшилиб, қалъа ичига кириб, жуҳудларни ўлдирдилар. Баъ-

зилари эрса, мусулмон бўлдилар. Сўнг жуҳудларнинг қурол-аслаҳасини олдилар.

Салмон Ҳайбар подшосининг саройиға кириб, унинг бир қизини кўтариб олиб чиқди. Қизнинг бошида чодири бор эрди. Сайиди олам сўрадилар: «Исминг недур? Ўзингни ким очди?» Қиз жавоб қилиди: «Отим Сафиядур. Ҳайбар подшосининг қизидурмен. Тахт устида ўлтириб эрдим, ногоҳ ер қимирлади. Мен таҳтдин йиқилдим. Юзим тошга тегди...

Шу ерда Темурбек қиссанинг яна бўлди:

— Ўҳ-ҳў... Ҳазрат Али паҳлавонларнинг паҳлавони эркан. Қиличи зарбидин зилзила бўлибдур.

— Ҳа, шундай, бекзода. Қиличида ҳам ҳикмат бўлғон.

Сўнг қиссаны ҳикоясида давом этди:

«Ернинг жўнбушга келишига сабаб нима?», деб Сайиди олам таажжубландилар. Шу пайт Жаброил алайхиссалом келиб қолди ва деди: «Ул замонки, Ҳазрат Али дарвозаларни қўпориб ташладилар, ерга ларза тушибди. Унинг зарби ер остидаги балиқнинг думига тегди ва у қимирлаб кетиб, ерни тебратди».

Сўнг Жаброил алайхиссаломнинг гапи билан сайди олам ўша қизни ўзига никоҳлаб олди. Ҳайбарда масжиду минбар бино қилдилар. Кейин кўп ўлжалик бўлуб, Мадина тарафга равона бўлдилар. Мўминлар шод, мунофиқлар ғамгин бўлдилар.

— Раҳмат, тақсир, — деди Темурбек икки қўлини кўксига қўйиб, — буниси Имлоқ ва Аждар қиссанасидин қизиқроқ эркан. Темурбек бу қиссани бир умрга эслаб қолди. Пайғамбаримиз ва Ҳазрат Алининг исломни ёйишдаги бу жасоратини бир умрга эсдан чиқармади.

МАКТАБ

Темурбек ёш пайтида онасидан ажралиб қолди. Тақина бегим қўрқаниданми, ёки бошқа сабаби бўлдими, кўз ёргандан кейин дардга ҷалиниб қолди. Тарафой баҳодир уни кўп табибларга кўрсатди, лекин нағи бўлмади. Кўпин кўрган кампирлар уни «ҳомила пайтида бирон нарсадан қаттиқ қўрқиб кетган», — деб айтишди. Бу гапда жон бўйса керак, албатта. Уша кезлари Тарафой баҳодир кўп вақт уйнда бўлмади. Хон уни тиндиргани йўқ. Бир сафар уни Қошгарга элчи қилиб юбор-

ди. Ўшандада у сафардан уч ой деганда қайтди. Лекин, келганинга бир ҳафта ҳам бўлмай, қаҳратон қиши кунларининг бирида, хон уни Занжир саройга чақиртирди. Унинг кўзи пишган овчи эканлигини биларди-да. Шу боис уни ўша ерда бир ойдан ортиқ тутиб қолди. Хотинининг ой-куни яқинлашиб қолганда эса, уни Қаршига кенгашга чақиртириб, яна узоқ муддат тутиб қолди...

Эри йўқ кунлари Такина бегим қўрқиб-писиб кун кечирди. Чунки Қадақ хотун кундошлиги тутиб, ундан деярлик хабар олмай қўйди. Хизматкорларини ҳам яқин йўлатмади. Такина бегим эса катта ҳовлининг нариги четига солинган алоҳида иморатда хизматкор аёл Хадича билан ёлғиз кун кечирди. Лекин Хадича ҳам унга чин маҳрам эмасди. Ёш бўлишига қарамай, уй юмушидан ҳориганиданми, ёки ўзи шунақами, боши ёстиққа тегиши билан донг қотиб ухлаб қоларди. Такина бегим кечалари бир пайтларгача ухлолмай ўлтириб чиқар, эшикдан сал шарпа келса, ё бўлмаса ит ҳурганда жуда қўрқар эди. Кўнглига нималар келмасди унинг ўшандай пайтларда...

Такина бегим оламдан ўтди. Лекин болага кўп ҳам оғир бўлмади. Болани Тарагой баҳодирнинг катта хотини Қадаҳ хотун тарбиясига олди. Табиатан тунд ва қаттиқ-қўл бўлган бу аёл нимагадир биринчи кунданоқ гўдакка меҳр қўйди. Ва болада ҳам меҳр пайдо бўлсин деб, йиғлаганда қуруқ кўкрагини сўрдирди...

Темурбек зийрак, ҳамма нарсани билишга интилувчи бўлиб ўсади. Тўрт ёшга чиққанда отаси уни қишлоқ мактабига олиб бориб, домла Ибодулла эшоннинг қўлига топширди:

— Гўшти сизники, тақсир. Бизга устихони қолса бас, — деди Тарагой баҳодир қўл қовуштириб, — боламни саводини чиқариб берасиз.

Ибодулла домла соддадил ва хушфеъл бу одамни яхши биларди. Ҳарбий киши бўлатуриб, кўча-кўйда салла ўраб юргани учун яхши кўрарди. Шунинг учун ҳам уни очиқ чеҳра билан кутиб олди ва қўлидан тугунини олиб, боласини мактабига қабул қилди.

Тарагой баҳодир чиқиб кетгандан кейин домла унинг ўғлини олдинги қаторда ёлғиз ўлтирган Дўстимбий саводогарнинг боласи Акромхўжанинг ёнига ўтқизди. Кейин талабаларга мурожаат қилди:

— Эсим қурсин. янги талабани сизларга таништи-

ришни унитибмиз-ку! Қани, ўғлон, тур ўрнингдан. Исламнинг не?

Янги талаба даст ўрнидан турди ва «Темур» деб жавоб берди.

Синфда шивир-шивир бошланди. Болалар бир-бirlарига қараб «Оти Темур эркан», «Темур», деб шивирлашишди.

Домла талабаларни тинчтди, кейин янги талабага мурожаат қилди:

— Боракалло, Темурбек, мактабимизга келиб яхши иш қилибсен, яхши ўқисанг, муллойи забардаст бўлурсан. Шўхлик қилиб, камҳафсала бўлсанг, ўзингдан кўр!

Темур бошини қутийи солганича қўл қовуштириб индамай турарди.

— Ултири, Темурбек.

Темурбек жойига ўлтиргандан кейин Ибодулла домла талабаларга мурожаат қилди:

— Бугун уч нафар ҳарф «алеф», «бо» ва «то» ҳарфларини ўрганамиз. Тахтачаларингизни олингиз.

Сўнг деворга осиб қўйилган тахта ёнига борди ва ўша учта ҳарфни катта қилиб ёзиб қўйди. Болалар ҳарфларни ҳафсала билан тахтачаларига кўчириб ёзиб олишгач, уч-тўрт марта талабаларга такрорлатди: «алеф», «бо», «то»... Шундан кейин талабалар ҳарфларни ёзишини машқ қилдилар. Кейин домла билан қўшилиб, овоз чиқариб, кўп бор такрорлашиди. Дарс охирида домла бу ҳарфларнинг хосияти ва сир-асорини тушунтириди.

— Уларнинг ҳар бирида сирларнинг нури ва нурларнинг сирлари яширинган. Масалан, «Алеф» — аҳволларнинг бошланишида иқбол тожига ишоратдур. «Бо» — боргоҳ бисотини ёзишга башорат эрур. «То» — тожу тахт, меҳр ҳамда сабр-тоқат рамзи эрур...

Хулласи калом, Темурбек тўрт йил Ибодулла домланинг қўлида ўқиб, хат-саводини чиқарди. Қуръони каримнинг баъзи оятларини ёд олди, хат турларини ўрганди, ҳусниҳат машқ қилди.

Хат-саводи чиққандан кейин, Тарагой баҳодир ўғлини Шаҳрисабздаги мадрасага берди. У мактабдаги сингари мадрасада ҳам яхши ўқиди. Бу ерда диний ва дунёвий илмларни яхши ўрганди. Қуръони каримни хатм қилди ва қироат билан ўқийдиган бўлди. Айниқса, фиқҳ, мантиқ, тарих, фалсафа ва риёзиётни пухта ўрганди.

Ёзги таътил пайтида эса отасининг яқин мулозимларидан бири, ўнбоши Усмон дароздан ҳарб илмини

ўрганди. Масалац, сувдай тиниқ ханжар ва зарбидан олов сочувчи қилич чопишини касб этди. Найзабозлик ва тир андоғлиларини санъатини ўрганди. Шамолдай елувчи қорабайрни миниб, чавондоғликинин касб этди. Улоқ чопиши ва чавгон ўйинини ўрганди. Отаси билан овда бўлиб, ўзини чиниқтириди. Қуш ва ёзвойи ҳайвонларни овлаш сир-асорини ўрганди.

Мамлакатдорлик илмини эса отасидан ўрганди. Буни отаси кечқурунлари, турмуш ташвишларидан холи бўлган пайтларда ўргатди.

— Шуни ёдда тутки, — деди у машқ ва таълим охирлаб қолгандага бир куни ўғлига, — салтанатнинг тўрт устуни бордур. Бири — дини ислом, шариат ва тузуклар эзур. Иккинчиси — хазина. Учинчиси — сипоҳ. Тўртинчиси эрса — раиятдур. Агар шуларнинг барчасига таянилмаса, ундан салтанат тез фурсатда заволга учрайдур.

Тарағой баҳодир бу устунлар ва уларнинг сир-асорини ўғлига тушунтириди.

Ота яна бир куни ўғлига давлат ва салтанатни бошқариш хусусида иккита-учта муҳим гапни айтди.

— Давлат идора қилишда вазирлар, амирлар ва катта-кичик мансабдорларнинг хизмати каттадур. Шу боис бу лавозимларга таглик-туглик, ақл-ҳушлик, вафодор, ҳаракатчан ва ташаббускор кишиларни тайинламоқ лозим.

Бир оз сукунатдан кейин Тарағой баҳодир сўзида давом этди:

— Яна ушбуларни ҳам ҳамма вақт хотирда тутмоқ лозим, ўғлим, — биринчиси — раият ва сипоҳ аҳволидин доимо боҳабар бўлиб турмоқ; иккинчиси — адлу инсоф бирлан ҳукм юритмоқ; учинчиси — азму қарорида қатъий турмоқ; тўртинчиси — дўсту душман бирлан муросаю-мадора мақомида бўлмоқ лозим.

Темурбек отасининг бу ва бошқа панд-насиҳатларини бутн вужуди билан қулоққа айланиб тингларди. Кейин буларга бир умр риоя қилди.

Кейинча мамлакатдорлик илмини «Сулук ул — мулук», «Сиёсатнома», «Сирож ул — мулук» каби китоблардан ўрганди.

ЯСОВУРИЙЛАР БОСҚИНИ

Хижрий 750 йил жумоди ус-соний ойининг ўрталари (милодий 1349 йил июл ойи боши). Ёз чилласи айни авжига чиқкан палла. Одамлар ҳам, чорполар ҳам жазира маисиқдан тинкаси қуриган. Лекин илож қанча? Экин-текин пишган пайт. Уни вақтида йиғишириб олинмаса исроф бўлади. Қишлоқлари ва баҳорда тирикчиликдан қийналиб қолишади. Шу сабаб ҳамма эркак далада. Қишлоқ билан овулда эса болалару хотин-халаж қолган, холос.

Чошгоҳ пайти. Ҳамма: даладагилар ҳам, қишлоқда қолганлар ҳам ўзини соя-салқинга олган. Кўчалар бўмбўш.

Темурбек ҳам ҳарбий машқлар ва чавгон ўйнашдан чарчаб, овунчиқ «қўшини» билан қишлоқнинг кун чиқиши тарафида, ундан тахминан бир фарсан нарида, кўл бўйидаги дарахтлар тагида ҳордиқ чиқариб ётиби. Кўпчиликнинг кўзи илинган. Фақат Темурбек уйғоқ. У бугунги машқларни ўзича таҳлил қилиб ўлтирибди. Хатолар ва ютуқларнинг ҳисоб-китобини қиляпти...

Дарвоқе, Темурбекнинг овунчиқ «қўшини» ҳақида икки оғиз сўз. У йигирма бир нафар ўзининг тенгқурларидан, асосан, кечаги синфдошларидан тузилган. Ханжар ёки пичноқ, қилич ва ўқ-ёй билан қуролланган. Бўлмагандан кунда бир марта икки гуруҳга, бири «дўст», иккинчиси «душман»га бўлиниб олиб, «уруш-уруш» ўйнашади. Буни бир Темурбек эмас, балки бошқа қишлоқларнинг болалари ҳам ўйнашади. Овунчиқ «қўшин»ларни бўлса кўпроқ сипоҳийларнинг болалари ўйнашади. Бундай ўйинлар болани ёшлиқдан чиниқтиради, хавфхатардан қўрқмайдиган жасур йигит қилиб тарбиялайди. Муҳими, болада ҳарбий малака ҳосил бўлади. Шуни ҳам айтиш керакки, «уруш-уруш» ўйинини бир турк эмас, балки бошқа миллат болалари ҳам ўйнашган ўша замонларда. Масалан, рус императори Петр I ҳам ўйнаган бу ўйинни. Болалигига унинг овунчиқ пиёда «қўшин»дан бошқа яна овунчиқ «флоти» (у потешныйй флот деб аталган) ҳам бўлган. Улар «уруш-уруш» ўйини пайтида кичик-кичик, қўриқчиси кам карвонларни ҳам талашган, теварак-атрофдаги қишлоқларни босишган...

Темурбек ўша кўл бўйида; офтобнинг тифи ва жазира маисиқдан жон сақлаб ётганида, нима учун бугун «душман» тарафнинг қўли баланд келиб, ўзи мағлубият-

га учраганининг сабаблари хусусида ўйлади. Бугун у жувозкашнинг боласи Норбойнинг аскаридан енгилиб қолди. Шу пайтгача кураги ерга тегмаган Темурбек бугун мағбулият аламини тортиб ўлтирибди. Темурбек ўйлаб-ўйлаб «душман» уни боплаб алдаганини, яъни чалғитганини англади.

Шу ерда у ўтган йили ҳайит куни отаси билан Занжир саройга, хонсаломга боргандада бўлган йифинда хоннинг қиссаҳони айтиб берган Искандар Зулқарнайи—Испитамен қиссасини эслади. Воқеа бундай бўлган экан: Искандар Зулқарнайи Самарқандни олгандан кейин қўшинининг асосий қисмини олиб, массагетларга қарши юриш бошлади. Шу пайт Испитамен аскари билан келиб, Самарқандни қайтариб олди. Искандар Зулқарнайи бундан хабар топиб, қўшинни орқага бурди. Испитамен у билан яккана-якка чиқиб курашишга ожиз эди. Чунки юнонлар ундан икки-уч баробар кўп ва яхши қуролланган эдилар. Испитамен Самарқандга кираверишда аскарининг бир қисмини пистирмага қўйди. Қолган аскари ва яқинда унга келиб қўшилган 600 массагет билан Самарқанддан тахминан ярим фарсах нарига, йўлнинг икки тарафидаги ўрмонга чекинди. Искандар ҳеч қандай қаршиликка дуч келмай, тез фурсатда Самарқанд остоналарида пайдо бўлди. Пистирмадагилар Искандар ва юнонларнинг бир қисм аскарини қўл кўтармай шаҳарга ўтказиб юбордилар. Сўнг шаҳар дарвозаларини эгалладилар. Ўрмонда турган аскарлар эса, Испитамен бошлигига йўлда бамайлихотир орқадан келаётган кўп сонлик юонон аскарларига уч тарафдан: икки ёнбошдан ва орқадан ташландилар ва улардан кўп кишини қириб ташладилар. Юнонларнинг кўпчилиги асир олинди. Искандар Зулқарнайи шаҳардан чиқиб, оғир аҳволда қолган аскарига ёрдам бермоқчи бўлди. Лекин Испитаменning йигитлари уни шаҳардан чиқармадилар. Уч кеча-кундуз қаттиқ уруш бўлди. Испитаменning йигитлари охири томчи қони қолгунча жанг қилдилар. Шу вақт ичida Испитамен йигитлари билан Самарқанддан йироқлашиб, чўл ичida яширинишга муваффақ бўлдилар.

Бу қиссани Темурбекнинг ўзи яқинда йигитларига айтиб берган эди.

— Ҳа, тулки Норбой! Мен берган сабоқни ўзимга қайтарибсан-да! — деди Темурбек эшитилар-эшитилмас.

Темурбек бирмунча вақт ўша мағлубият аламини

тортиб ўлтирди. Илож қанча? «Душман»нинг бугун устун келганини тан олишга мажбур бўлди. Лекин аламини юрагининг бир учига тушиб қўйди.

— Ҳа, майли, — деди у охира ида ўзига-ўзи, — бу сафар «душман»нинг қўли баланд келди. Худди Испитаменга ўхшаб, бизни чалғитиби айёр Норбой. Ёсол тузилган ерда битта-иккита тирик жон бирлан ёғоч одамларни қолдириб, ўзи асосий куч билан орқамизга ўтиб олғон эркан. Чалғитиш нималигин эрта-индин кўрсатиб қўйман, сенга!

У ёнгинасида донг қотиб ухлаб ётган Норбойга гоз қараш қилиб қўйди.

Темурбек қўл-оёғини ёзмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Бир-икки марта керишиб олиб, теварак-атрофга назар ташлади. Бирдан кўзлари Хўжа илғорга олиб борадиган йўлдан кўтарилигган чанг-тўзонга тушди. «Ясовурийлар яна Хўжа илғорга босқин қилмоқчи шекилли», деди у ичидা.

Ҳамма эркак далада. Қишлоқда эса хотин-халаж, майдага болалар, чоллар қолган. Айни босқин қиласидиган пайт. Кечалари туртилиб-суртилиб юргандан кўра шу пайт чопғунга бориш қулайроқ. Ясовурийлар шуни ҳисобга олган бўлсалар керак.

Темурбек бир неча дақиқа нима қиласини билмай турди. Йигитларини уйғотиб босқинчилар устига от сурсамикин? Иўқ, бундай қилиб бўлмайди. Ясовурийлар кўпчилик. Бир ҳамлада янчидан ташлашади уни. Йигитларни юбориб, даладагиларни огоҳлантирсамикин? Иўқ, кеч бўлади. Унда нима қилиш керак? Ахир, ҳаял ўтмай, қишлоқ талонга қолади-ку?

— Топдим, — деди у ниҳоят тиззаларига муштлаб,— чорасини топдим.

Темурбек шошмасдан йигитларини уйғотди. Уйғотди-ю, лекин содир бўлган воқеани уларга айтмади. Ваҳима қилиб нима қилди? Уйқуси бўлинган одамга бунақа гапларни айтиб бўлмайди. Ваҳима ортади. Мўлжалланган жойга етиб боргандан кейин айтади.

— Бошқа ерга кўчамиз, дўстлар, — деди у хотиржамлик билан йигитларига.

— Ҳали иссиқ қайтганча иўқ: Кечки салқинда борсак бўлмайдими? — деган эди кимдир, Темурбек қисқа қилиб, — вазият шуни тақозо қиласиди, — деб жавоб қилди. Бошлиқнинг гапини икки қилиб бўлмайди. Шунинг учун бошқа эътиroz билдирувчилар бўлмади. Болалар

бўйруққа кўра тезда отландилар ва Темурбек уларни
Хўжа илгор тарафга қараб етаклаб кетди.

Темурбек аскарини Хожа амалдор қабристонида тўх-
татди. Лекин режасини шу ерда ҳам ҳеч кимга айтмади.
Чунки, ўнбоши Усмон ва отасининг бир пайтлар айтган
гаплари эсида, унинг. «Оғир пайтларда сирингни иложи
бўлса маҳрамларингга ҳам айтма! Уз ақлинг, тадбир
ва эҳтиёткорлик билан иш тут!» — деб тақрор-тақрор
айтган эдилар улар. Фақат бир гапни айтди Темурбек
силоҳийларига. «Шу ерда, йўлнинг икки четига, — деди
у одамларига, — пистирмалар қурамиз». Ўнбошилардан
Норбой бирлан Ҳайитни четга тортиб, уларга қабристон
ичига одамлар қўйиб, гулханлар ҳозирлашни буюрди.

Хуллас калом, Темурбек тадбирининг асл мақсадини
ҳеч ким, ҳатто ўнбоши Норбой билан Ҳайит ҳам би-
лолмадилар. Шунчаки «уруш-уруш» ўйини бўлса керак,
деб ўйлади ҳамма...

Ясовурийлар қишлоққа қош қораймасдан сал бурун
кириб бордилар. Талон-тарож ва зўравонлик бошланди.
Аёллар ва болаларнинг дод-фарёди осмону фалакни
тутди. Босқинчилар ўша куни Хўжа илгорни ярим кечагча
таладилар, Базму сафо қилдилар. Фақат шундан
кейингина Темурбекнинг бу тадбири сабаблари аскар-
ларига аён бўлди. Вазифа кенгашсиз ҳам ҳаммага мъ-
лум эди энди.

Темурбек қисқа вақт ичидаги йўл атрофидаги тўрт ёрга
бир-биридан 10—15 метр масофада пистирма қўйди.
Қабристондаги одамлар гулханлар ҳозирлашди. Дала-
дан қайтб келаётганлар қўшилиб, Темурбекнинг одами
олтмиш кишидан ортди.

Ясовурийлар асиirlарни ҳайдаб ва мўмай ўлжаларни
араваларга ортиб, тун ярмидан оғганда йўлга чиқишиди.
Олдинда машъала кўтарган ясовуллар. Уларнинг кетидан
бир-бирига арқон боғланиб, судраб олинган асиру
асиralар, орқада ўлжа ортилган аравалар бораради.
Уларни теварак-атрофдан соқчилар қуршаб олишган.
Аскарлар эса, икки тўп бўлишиб, асиrlар ва аравалар-
нинг кетидан бораар эдилар. Уларнинг кўпчилиги маст.
Отида зўрға ўлтирадилар. Ахир, Хўжа илфорда май-
шат катта бўлган эди-да...

Пистирмадагилар Темурбек айтгандай иш тутдилар.
Асиrlарни қабристондан ўтказиб юбордилар.
Талончилар ўртага келганда қабристоннинг у ер-бу ери-
да тасодифан олов пайдо бўлди. Алангалари худди ку-

юнга ўхшаб, борган сари кенгайиб ва баландлаб борарди. Тез фурсатда бутун қабристонни олов чулғаб олди. Одамларнинг кўзи олдида кафанини бўйнига чулғаб олган мурдалар пайдо бўлди. «Мурдалар» баланд овоз билан такбир ўқиб машъала кўтариб борардилар: Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар! Бирдан йўлда қий-чув, дод-фарёд кўтарилиди. Билган ярим-ёрти калима келтира кетди. Мудраб бораётган талончилар ҳам сергак тортиб қолишиди. Лекин уларни ҳам ваҳима ва қўрқув босди. Кафанини бўйнига чулғаб, гўридан чиқиб машъала кўтариб бораётган мурдаларни биринчи кўришлари. Гўр ёнганини ҳатто эшитишмаган ҳам. Хуллас, йўл шу ерда қиёмат қойимга айланди. Ясовурийлар тўғри келган тарафга қараб қоча бошладилар. Лекин, қочиб қутилолмадилар. Йўлнинг икки тарафидан отилган ажал ўқига кўндаланг бўлдилар. Талончилардан йигирма-ўттиз киши ўлдирилди, ўттиз иккитаси асир олинди. Уларнинг орасида ясовурий қавми йўлбошчисининг ўғли Тойлоқ баҳодир ҳам бор эди.

Ясовурийларнинг қўлига тушган асир ва асиralар озод қилиндилар. Ўлжалар эса қишлоққа боргандага эгаларига қайтарилиди.

— Буларни нима қиласми? — деб қолишиди, ўнбошлилар асир олинган ясовурийларни қўрсатиб.

— Ялонғоч қилиб қўйиб юборинглар, — деб буюрди Темурбек.

БИРЛАШГАН ЎЗАР, БИРЛАШМАГАН ТЎЗАР

Амир ул-умаро Қазаган ўлгудай қув одам эди. У аста-секин хоннинг пинжига кириб олди. Унинг ишончи ни қозонди. Хон бўлса унинг югуриб-елиб қилаётган хизматини кўриб ва ширин сўзларига учиб, салтанатнинг муҳим ишларини увинг қўлига топшириб қўйди. Вақтини эса шикор ва сайру саёҳатларга сарфлади. Ўйин-кулги ва маишатга муккасидан кетди. Салтанат ва мамлакатнинг ташвишларидан ўзини фориф қилиб, беш кунлик ҳаётни роҳату фароғатда кечиришга қарор қилди. Амир ул-умаро эса бундан усталик билан фойдаланди: атрофига тарафдорлар йиғди. Сарой аҳли ўртасида таъсир-эътиборини оширди.

Аҳвол шу даражага бориб етдики, Қозонхон амир

Қазаған билан кенгашмай туриб, бир иш қилмайдиган бўлиб қолди. Йиғинлар ва жамоа олдида амир ул-умаро ўзини шундай тутардики, одамлар ким хону, ким амир ул-умаролигини ажратолмай қолдилар.

Шикор мўл-кўл бўлган кунлардан бири зиёфат катта бўлди. Ўша куни кечқурун хўп еб-ичишдилар. Хон ҳаддан ортиқ еди, ичди ва зиёфат поёнига етмай ўлтирган жойида учиб қолди. Хос мулоғимлари уни сябтирашиб, саропарда орқасига ўтиши. Шундан кейин амирлар ҳам бирин-кетин тарқалиши. «Яна беш-олти ой керак. Агар аҳвол шу тариқа давом этса муддао ушалгай ва бу қора кийикни бир ёқлик қилурмиз, албатта!», — деди амир ул-умаро чодирига қайтгач. Ўшандан бошлаб амир Қазаған ўзини тахт устида фараз қилябошлади ва ширин хаёллар билан бир пайтгача ухломай ётди. Ниҳоят, тож-тахт уники бўлади. Ўша кун яқин. Жуда яқин...

Лекин, саройда яхши одамлар ҳам кўп эди. Улар хонни яқинлашиб келаётган фожеадан огоҳлантиридилар. Бошда хон ишонгиси келмади. Лекин кўп ўтмай, буни ўзи ҳам фаҳмлаб, бироз ҳушёр тортиб қолди. «Қўзингни каттароқ оч, Қозон! Бу кетишда бир кунмас-бир кун тож-тахтдин ажralиб қоласен!», — деди у ўзига-ўзи бир куни кечқурун ёлғиз қолганда. Қазағанни ўша топдаёқ йўқ қилиб юборса бўларди. Бунга кучи ҳам, имкони ҳам бор. Лекин бундай қилмади. Ахир ўнинг шериклари ва тарафдорларини ҳали яхши билмайди-ку. Бусиз фитнани бартараф қилиб бўлмайди. Шунинг учун арқонни узун ташлашга қарор қилди. «Ҳаммаларини билib олайлик, сўнг сиртмоқ ипини бирдан тортамиз!», — деди у ўзига-ўзи. Шунинг учун ҳам у ўзини ҳеч нарсани билмагангага солиб юрди. Қазаған билан муносбатини ўзгартирмади. Ва ҳатто эртаси куни нонуштадан кейин амирлар ва сарой аҳли саломга кирғанларида уларга илгаригидан ҳам ортиқ илтифот кўрсатди. Аммо бундан кейин ҳушёр бўлиш ва амир ул-умарони маҳв этишга қатъий қарор қилиб қўйди...

Хон билан амир ул-умаро ўртасидаги яхши муносабатлар узоқча бормади. Орадан бир-икки ой ўтиб, хон амир Қазағанинг бир-икки одамини йўқ қилгандан кейин, у ҳам ҳушёр тортиб қолди. Хон эса унинг одамларини йўқ қилишда давом этди. Бирини вилоятга юборса, бошқасини шу ернинг ўзида ўлдирди. Амир ул-умаро чўчиб қолди ва эл-юрт тинчлигини баҳона қилиб,

бир куни мерос юрти Соли саройга кетиб қолди. Одамлари ҳам бирин-кетин Қозонхон саройини тарк этдилар. Хондан норози бўлган амирлар ҳам уларнинг кетидан жўнаб қолдилар.

Хуллас калом, чигатой улусининг амирлари икки гуруҳга бўлиниб кетдилар. Уларнинг бир гуруҳи амир Қазаған билан бирикдилар, бошқа бир гуруҳ хоннинг ёнида қолди. Ҳар иккала тараф бир-бирини маҳв қилиш учун куч йиға бошлади. Пайт пойлади.

Гуруҳбозлик охири яхшиликка олиб келмади. Кўп ўтмай ўртада ўт чиқди. Темур қопуғнинг нариги тарафида жойлашган Дарайи занг деган ерда бўлган урушда хон ғалаба қилди. Лекин иккинчи сафар Қарши ёнида бўлган урушда амир Қазағанинг қўли баланд келди. Хон ўлдирилиб, лашкари тарқаб кетди. Шундан кейин улуснинг инон-ихтиёри амир ул-умаро Қазағанинг қўлига ўтиб қолди.

Амир Қазаған Чигатой улуси тепасида 11 йил турди. Лекин, улусни тўла-тўқис тасарруфига киритолмади. 1358 йили бир гуруҳ фитначилар уни шикор пайтида ўлдиридилар.

Шундан кейин улус майда-майдага қисмларга парчаланиб кетди. Шаҳрисабзда Ҳожи барлос, Хўжанд вилотида Боязид жалойир, Тошкент билан Сарипулда Хизр ясовурий, Балхда Ўлжой Буқо сулдус, Шибирғонда Мұхаммадхўжа Аперди, Арҳанг саройда Ўлжойту Аперди, Ҳутталонда амир Кайхусрав, Ҳиротда амир Ҳусайн ўзларини мустақил ҳукмдор деб эълон қилдилар. Улар бир-бирлари билан келишмас, аксинча, бир-бирининг устига босқин уюштирадилар ва бир-бирларини талардилар. 1369 йили мамлакатга яна мӯғуллар бостириб кирганда эса тум-тарақай бўлиб қочдилар.

Бўлинганинг оқибати шунаقا бўларкан, ўзи. Мовароуннаҳр ҳалқи қайтадан мӯғуллар истибододига тушиб қолди.

Уша кунлар Тарагай баҳодир оғриб ётган эди. Темурбек эса бир йилдан бери Шаҳрисабзда, Ҳожи барлос хизматида юрганди. У отасининг қўшинига бошчи эди. Бир куни у отасини кўргани Ҳўжа илфорга келди. Мамлакатда юз берган аҳволни унга батафсил сўзлаб берди. Суҳбат охирида отасидан сўради:

— Нима қилай, ота? Амакимнинг хизматида бўлмоғим яхшими, ёки...

Шу ерда Тарағой баҳодир ўғлининг сўзини бўлди:
— Буни ўзинг ҳал қил, бек. Лекин нима бўлгандан
ҳам виждан амри билан иш тут.

«ЛҰЛИНИНГ ОТИНИ СУФОРИБ, АҚЧАСИНИ ОЛ!»

1360 йил феврал ойининг охирларида мўғулнинг ил-
фор қисми амир Ҳожибек, амир Бекчик ва Улуғ Туқтеге-
мур бошчилигига Хузорга келиб тушди. Улар йўлда би-
рор жиддий қаршиликка дучор бўлмадилар. Чунки қар-
шилик қиласидаган беклар аллақачон теварак-атрофга
тум-тарақай бўлиб, қочиб кетишган эдилар.

Ҳожи барлос бошда мўғул билан курашмоқчи бўл-
ди. Шу мақсадда бошқа улус бекларига қуийдаги маз-
мунда хат билан чопар жўнатди: «Ўлусни ёғий босди.
Мамлакат қайтадин мўғул истибоди хавфи остида.
Шундай оғир пайтда эл-юрга шаънини, хотинларимиз ва
қизларимизнинг номусини ҳимоя қилмоқ ҳаммамизнинг
бурчимиздур. Шунинг учун ўнбеш ёшдин етмиш ёшфоча
бўлғон ҳамма эркак от-улови, қурол-аслаҳаси ва бир
ойға етгулик озуқасини олиб, тез фурсатда Қўзи мун-
доққа йифилсун!». Лекин чақириқ жавобсиз қолди. Қў-
зи мундоққа ҳам, Хузорга ҳам ҳеч ким йифилмади. Шун-
дан кейин Ҳожи барлоснинг ҳафсаласи пир бўлди. У
ҳам аҳлу оиласи, яқин хизматкорлари билан Мовароун-
нахрдан бош олиб кетишга қарор қилди.

— Сиз ҳам кетинг, бек, — деди у рўбарўсида ўлтирган
Темурбекка қараб. Лекин унинг юзу, кўзларидан
таажжуб ва қатиълик алломатларини сезиб, қўшиб қўй-
ди:

— Вақтинча, бек. Вақтинча. Куни келиб мўғулдин
озод бўлурмиз, ахир.

Темурбекнинг ўзидан каттага гап қайтарадиган ода-
ти йўқ эди. Лекин бу сафар чидаб туролмади. Ҳамма
қочиб кетса раиятни ким халос қиласди, ўзи? Уша кун
қачон келади? У амакисига тик боқиб деди:

— Ким бизни халос қиласди, ўзи? Ким? Боязид жа-
лоирми? У аллақачон мўғулга таслим бўлган. Ё Ҳизр
ясовурийми? У мўғулнинг қораси кўриниши билан жуфтакни
ростлаб қолди. Бошқалар эса келишмади. Чопар-
ларингиз бўш қайтиб келишди-ку!

Ҳожи барлос бетга чопар жиянидан дарғазаб бўл-

ди. Лекин аччиққа ҳай берди. «Ҳали ёш. Қони суюқ,— деди у ичиди ва ўнг тарафида ўлтирган саййид Шамсиддин Кулолга ўгирилиб қаради. Уни тарафгузар бўлади, деб умид қилди. Лекин бу сафар ҳазрат бир нима демади. Мажлисда ўлтирган амирлардан ҳам садо чиқмади. Шундан кейин Ҳожи барлос яна жиянига мурожаат қилди:

— Ҳуш, унда не қил дейсиз, бек? Бор одамимиз бирлан мӯғулнинг сон-саноқсиз лашкарига қарши борайликму?

— Үндай демоқчи эрмасмиз, — деди Темурбек вазминлик билан.

Бу гал Ҳожи барлоснинг чинакамига жаҳали чиқди:

— Биз ҳам боруб Туғлуқ Темурга таслим бўлайликму?

— Үндай ҳам, бундай ҳам демоқчи эмасмен, амаки. Қўлнимиздағи лашкар бирлан Туғлуқ Темурга бас келолмаймиз. Мӯғул Мовароуниҳарни тамом босиб олмай туриб, у бирлан сулҳ тузгонимиз дуруст, деб ўйлаймен.

— Йўқ, — деди Ҳожи барлос зарда билан. — Борингки, сиз айтғондек қилдик ҳам, бек. Лекин, мӯғул сулҳга рози бўлармикин? Мовароуниҳрдай катта ва бой мамлакат таслим бўлиб турған бир пайтда. — Аҳли мажлисни яна бир-бир кўздин кечириб чиқиб, қўшиб қўйди: — Йўқ, жаноблар, мӯғул ўлганда ҳам кўнмайдур сулҳга.

Ҳожи барлос яна Шамсиддин Кулолга қаради ватик мурожаат қилди:

— Темурбекнинг сулҳ борасидаги таклифига, пирим, Сиз нима дейсиз? Шундай қилсак тўғри бўладиму?

— Темурбекнинг гапида жон бор, бек. Айни пайтда сулҳдин бошқа чорамиз йўқ, — деди пир.

Шу срда ҳазрат Шамсиддин Кулол бир ҳукмдорга, бир Темурбекка қараб қўйди.

Ҳожи барлос унга ҳам эътиroz билдириб, аввалги аҳдида туриб олди:

— Йўқ, ҳазратим, мӯғул сулҳга кўнмайдур. Урушмоқға эрса кучимиз кам.

Сўнг яна амирларга мурожаат қилди:

— Бирдан-бир тўғри йўл, молу жонимизни сақлаб қолиш. Аҳлу аёлимиз ва мулозимларимизни олуб, Хурросон тарафларға кетғонимиз маъқул. Кейин кўурмиз, яратган эгам бирон йўлға бошлар, ўзи.

Мажлис аҳлидан ҳеч ким индамади. Темурбек ҳам.

Чунки бу одам билан ортиқча тортисиб ўлтириш бефойда эди.

Шамсиддин Кулол бироз қизиши:

— Жон омонлигини кўзлаб, ошу нон берган халқини ўз ҳолига, ҳимоясиз қолдириб кетиш инсофдин бўлмас, бек. Ёйи бирлан сулҳ тузиб, халқни ва мамлакатни таҳқирига горатдин ҳимоя қилмоқ зарур. «Лўлининг отини сүғориб, ақчасини ол!», деганлар ақли расо одамлар. Сулҳ тузилса, биринчидан, мўғул келгон ерида тўхтайдур. Мамлакатнинг бошқа вилоятлари омон қолур. Сониян, буёғига Худо раззоқ. Ахир, қўл қовуштириб, бекор ўлтурмасмиз, бек!

Ҳазрат Ҳожи барлосга жиддий тусда қараб қўйди ва сўзида давом этди:

— «Дил ба ёру, даст ба кор!» (қўлинг юмуш билану, дилинг Тангри таоло бирлан бўлсун!) деган эканлар азиз-авлиёлар. Ахир Темурбек ҳам, сиз ҳам мўғулнинг қўлига қараб, бекор ўлтирмассизлар?!

Бошқа ҳеч ким сўз қотмади. Ҳожи барлос ҳам. Лекин у, барибир, аҳдида қолди. У эртаси куни кўч-кўронини араваларга ортиб, бола-чақаси, мулозимлари ва хизматкорларини олиб, Жайхун тарафга қараб равона бўлди.

Темурбек ҳам сўзида қолди. Ундан бир кун кейин илк саҳарда отланиб, Туғлуқ Темурхон ҳузурига жўнаб кетди...

Темурбек Қаршига ўн кун деганда етиб борди. Агар йўлда, Хузорда уни амир Ҳожибек уч-тўрт кун тутиб қолмаганда, барвақт етиб борган бўларди. Шу вақт ичида мўғул Қаршини ҳам олибди. Туғлуқ Темурхон ҳам шу ерда экан.

Темурбек шаҳарга қош қорайганда кириб борди. Мулозимлари билан карвонсаройда ўринлашди ва шу ерда тунаб қолди. Чунки олий ҳукмдор кечқурун қабул қиласми эди. Туғлуқ Темурхон уни эртаси куни хонсаломдан кейин қабул қилди. Темурбек турк ва мўғулларнинг урфига кўра, тиз чўкиб хонга чуқур таъзим қилди. Сўнг иккى мулозим уни етаклаб олиб бориб, хоннинг қаршисига ўтқизиши. Бир неча фурсат ўртага сукунат чўқди. Охири уни хоннинг ўзи бузди:

— Кимнинг боласи эрурсен, ўғлон?

— Барлослардин Тарафой баҳодирнинг ўғли эрурмен, ҳазрати олийлари.

— Э, барлослардин, де?

- Ҳа, барлослардин, аълоҳазрат.
- Ҳалиги Үкуздин ўтуб, Хурносонға қочғон Ҳожи барлосға қариндош эрмасмусен?
- Жияни бўламен, ҳазрати олийлари.
- Жияни де? Тоғойингму у занғар?
- Иўқ, амаким бўладурлар.
- Шундай де? Нега сен ҳам ўша занғар бирлан кетмадинг?

Шу ерда хон бир қадар шубҳаланди. Ҳалиғи Ҳожи барлос атайин, бир мақсад билан қолдириб кетмадимикин, уни? Яна жосус бўлиб чиқмасин? Хон Темурбекни яна бир карра, бу сафар қаттиқроқ назардан кечирди. Сўнг у ёқ-бу ёқдан сўраб-суриштириб кўриб, унинг холис ният билан келганига ишонч ҳосил қилди. Унинг бошқаларга, хусусан, амакисига ўхшаб, қочиб кетмай, ўз ихтиёри билан хизматга келганини қадрлаб, унга эҳтиром кўрсатди: бир қатор саруло, кумуш эгар-жабдуқ урилган от ва мингбошилик лавозими билан сийлади уни.

Бора-бора хон билан Темурбек иноқ бўлиб кетишиди. Орадан икки ой ўтиб, хон уни салтанатга мушовир этиб тайинлади. Кўп ўтмай Темурбек Кеш вилоятининг begi этиб сарфароз этилди. Ўша пайтларда Кеш Мовароунинаҳрнинг катта вилоятларидан бўлиб, унга Хузор ва Темур қопуғгача бўлган ерлар қарап эди.

«Лўлининг отини сувориб, ақчасини ол!» деганлари шу бўлса керак.

АМИР БЕКЧИК ФИТНАСИ

Ҳижрий 763 йил жумоду ус-соний ойининг охирларида (милодий 1362 йил апрел ойининг ўрталарида) Мўғалистондан совуқ хабар келди. Туғлук Темурхон оғир бетоб бўлиб ётиб қолибди. Илёсхўжаон Мовароунинаҳрнинг инон-ихтиёрини амир Бекчикка топшириб, шошилинч равишда юртига жўнаб кетди. Шундан кейин Темурбекнинг бу дағал, димоғдор ва мансабпаст одам билан муносабати аввалгидан ҳам ёмонлашди.

Амир Бекчик аввалдан Темурбек билан ёвлашиб юрарди. Пайтини пойлаб хон ва жамоа олдида уни турли йўллар билан камситишга ҳаракат қиласарди. Иложини топса чаён бўлиб чақиб оларди уни. Бир куни мажлиси олийда, божу хирож хусусида гап бораётган пайтда,

Мұхтасиб ул-мамолик бозорда нарх-наво бир қадар құтарилиб қолганини гапириб турганида, амир Бекчик үртага суқылди.

— Бу, дейман, жаноби мұхтасиб, бозорчилар орасыда кешликларнинг мавқеъи баланд әрмиш, шу гап түғриму?

Амир Бекчик Темурбекка маънодор қараб қўйди. Сўнг сўзида давом этди:

— Молини истагон нархда сўтар әрмишлар. Бозор оқсоқоли әрса чурқ этолмасмиш. Ва алардин божу хирож олишмас әрмиш.

Мұхтасиб ул-мамолик индамади. Амир Бекчик ҳаддидан ошди:

— Алар хўжайин бўлиб олишибдурлар Самарқанд-ға. Масалан, ўтган бозор куни пўстинини сотмоқчи бўлиб турғон бир мўғул сипоҳийни бекордін-бекорга калтаклабдилар. Ўнбоши Усмон, воқеа тўпасида бўлсада, индамабдур. Бу қандай бедодлик бўлди, ўзи?!

Амир Бекчик Темурбекка яна бир бор, бу сафар ғоз қараш қилиб қўйди. Темурбек ўзйни вазмин тутди. Индамади. Гапга хон аралашди.

— Ўнбоши Усмон дегани кимнинг одами? Нега аларни ажратиб қўймабдур. Ўша бозорчилар кимға орқа қилуб ҳаддидан ошибдурлар?

Амир Бекчикка жон кирди. Ўқ нишонга тегди. У шошиб-пишиб деди:

— Албатта, сиз бирлац бизга эрмас, аълоҳазрат.

Амир Бекчик Темурбекка изтеҳзо билан қараб қўйди. Гап эгасини топганига ишонч ҳосил қилиб, энди тўла ҳужумга ўтди. Темурбекка гап отди:

— Янгишмасак, сиз ҳам, жаноби бек, кешлик бўлсангиз керак?

Хон даст бурилиб, чап қўлида ўлтирган Темурбекка кўз ташлади. Темурбек хонга қўл қовуштириди. Ундан жавобга ижозат сўради:

— Худога шукр, бек, кешликмиз, Жетелик эрмас.

Темурбек айни нишонга урди. У амир Бекчикнинг келгинидилигини ҳамманинг олдидага юзинга солди. «Жете»-нинг маъносини мажлис аҳли яхши билар эди. Жете деб аслида қароқчи, йўлтўсар ва ёвуз одамга айтиларди. Темурбек ҳаддидан ошган кишини бир-икки марта кечириарди, бўлмаса ҳеч кимни аяб ўлтирмасди. Бу гап хонга тегиб кетишни яхши биларди. Лекин уни ҳам

аяб ўтиrmади. Яқин одами борган сари қутуриб кетгаch, хон унга ён босиb тургач. Илож қанча?

Хоннинг қовоқлари осилиб, кайфияти бузилди, лекин ийдамади ва ўнг қўлини кўтариб, тортишувга барҳам берди. Лекин шу кундан бошлаб хоннинг Темурбекдан кўнгли қолди. Уни хос мажлисларига чақиртирмай қўйди...

— Мана энди сенга Жетени кўрсатиб қўямен,— деди амир Бекчик ичида, хон жўнаб кетгандан кейин Темурбек билан бир йиғинда учрашганда. Хон бор вақтида буни қилолмасди. Чунки Темурбек амир ул-умаролик лавозимида эди. Сипоҳнинг ихтиёри тамом унинг қўлида эди. Хон унинг ҳарбий салоҳиятини қадрлар ва унинг маслаҳатларига муҳтож эди. Мана энди вазият ўзгарди. Хон бу ерда йўқ. Салтанат ихтиёри эса бундан бу ёғинг амир Бекчикнинг қўлида. Бекчик шу кундан бошлаб Темурбекни йўқ қилиш пайнга тушди. Ва саратоннинг жазирама кунларида Ёрайлоқда ширкор эълон қилди...

Кечкурун, зиёфатдан кейин, Темурбек амир Бекчик хузуридан чиқиб, ўз чодири сари юзланди. Тун сокин. Пашша учса эштилади. Лекин, чодирга яқинлашганларида шитир-шитир овози эштилди. Нима бўлди, экан бу? Қуёнми, ё айиқми? Темурбек тўхтаб теваракатрофга қулоқ солди. Шарпа бошқа эштилмади. Шу ерда ҳайрон бўлиб, бир неча дақиқа тўхтаган ерида туриб қолди. Орқасидан келаётган хос мулозими Мамат унинг саволига елка қисиб, ҳеч нарса сезмаганлигини маълум қилди. Кўп ўтмай шарпа яна такрорланди. Кейин шундайгина ён тарафдаги бутазор орқасидан кимдир чиқиб келди ва улар турган ерга қараб юрди. Темурбек билан Мамат қиличини филофдан сугуриб, шай бўлиб турдилар. Нотаниш одам эса таб тортмай, уларга қараб келаверди. Шу ерда Темурбекнинг кўнглигига амир Бекчикнинг Самарқандда айтган гапи келди. Бу ерга жўнаб кетишдан бир кун аввал у кутилмаганда Темурбекни нонуштага таклиф қилиб қолди. Нонушта пайтида амир Бекчик ўзини эски қадрдонлардай тутди. Темурбекни кўкларга кўтариб мақтади:

— Кина-қудратдин не фойда, Темурбек. «Бир кун низо чиққан уйдан қирқ йил ҳайру барака кўтарилади», — деганлар машойихлар. Қелинг, ўтган ишга саловат! Бирга бўлайлик, бек. «Аҳилликда гап кўп», — дейдилар

донолар. Ахир салтанат тизгиниң иккимизниң қўлимизда-ку.

Ўша куни амир Бекчик аҳиллик ва бирлик ҳақида кўп гапиди. Темурбекни иттифоққа чорлади. Лекин, Темурбек унга ишонмади. Унинг тилёғламачилик қилаётганини билди. Шундай бўлса-да, ўзини гўлликка солди. Лекин амир Бекчикнинг бу хатти-ҳаракатининг катта фитна олдидан қилинаётган найранг эканлигини фаҳмлади. Хайрлашаётиб, амир Бекчик «кунлар ҳам жуда исиб қетди, бек. Бирон сўлим манзилга бориб ҳордиқ чиқарсак-му, дейман. Шунга нима дейсиз?», — деб қолганда, рақиби йўлига тузоқ қўйганига тўла ишонч ҳосил қилди. «Мана ўша тузоқ. Биз унга илингандга ўхшаймиз», — деди Темурбек рўбарўсида серрайиб турған нотаниш одамдан кўзини узмай.

— У ёлғиз бўлмаса керак, — деди Темурбек Маматга шивирлаб ва «Сен орқа тарафдин ҳушёр бўл!», — деган ишора қилди.

Тўғриси, шу ерда Темурбекни ҳам, Маматни ҳам бирқадар ваҳима босди. «Амир Бекчик ҳақиқатан ҳам йўлнимизга тузоқ қўйғонга ўхшайдур», — деди ичидা. «Энди нима қиласми? Одамларимиз узоқда. Ердамга етиб келишолмайдилар. Ўзимиз эса кўпчиликка бас келаолармикинмиз? Эҳ, Темурбек, Темурбек! Кўриб-билиб туриб, тузоққа илиниб ўлтирибсан-а!» Темурбек соддадиллик қилиб, рақибининг ширин сўзларига учганидан ўзини хўб койди. Лекин, бундан не фойда?

— Олишамиз, — деди Темурбек Маматга. — Нима бўлса ҳам олишамиз. Бир томчи қонимиз қолғунча чопишшамиз. Жўн таслим бўлатурғон нодон йўқ. Дадил бўл, Мамат!

Шу пайт нотаниш одам келган ерида тўхтади. Оралари бўлса ўн-ўн бир қадам эди, холос. Нотаниш одам бирдан сўзга тутинди:

— Мен сизга дўстмен, Темурбек. Жонимни ҳовучлаб шу ерга келдим. Бир муҳим гапни айтғони келдим.

— Кимсиз, ўзи биродар? — Темурбек бир қадар юмшади.

— Ким эканлигимни бир кун келиб билиб олурсиз. Лекин ҳозир чодирингизга бормангиз! Асло!

Нотаниш одам шу гапни айтди-ю, орқасига қайтиб кетди ва бутазор ичига кириб кўздан тойиб бўлди.

— Рости ҳам бир гап борға ўхшайдур, — деди Темурбек Маматга.

Улар чодирга бормадилар ва ўша кечани чодирдан сал нарироқда пичан ғарами орқасида ўтказдилар. Эрталаб Мамат бориб чодирни кўриб келди. Унинг аъзойи баданини титроқ босган эди. Шоша-пиша Темурбекка деди:

— Худо сақлабдур бизни, бек оға. Чодирингиз чор атрофдин илма-тешик бўлуб кетибдур. Худди элакка ўхшаб қолибдур.

Ўша кеча бу ишни амир Бекчикнинг одамлари қилишган эди.

— Ҳайрият, — деди Темурбек Маматга. Шу ерда у кечқурунги бутазор орқасидан чиққан одамни эслади. Яхши одамлар ҳам кўп экан бу дунёда. Шундан кейин Темурбек амир Бекчикнинг олдига бошқа бормасликка қарор қилди. Самарқандга ҳам. «Бу ерлардин бош олиб кетғон маъқул. Қанча тез бўлса шунча яхши», — деди у ичиди ва Маматга сафар ҳозирлигини кўришни буюрди.

Сафар тайёргарлиги асносида, кун чошгоҳдан ўтганди, кутилмаганда амир Ҳусайннинг чопари келиб қолди. Ва Темурбекка унинг мактубини топширди.

— Амир ҳазратлари ҳозир қаердалар? — шошиб-нишиб сўради Темурбек чопардан.

— Мен йўлға чиқишимда Чоржўйда эрдилар.

— Чоржўйда дедингму?

— Ҳа, Чоржўйда.

Темурбек бу хабарни яратган эгамнинг зўр илтифоти деб билди ва ўша куни кечаси одамлари билан Ёр-яйлоқни тарк этди. У Чоржўйга, амир Ҳусайн ҳузурига йўл олди. Нима бўлганда ҳам эски қадрдони-да!

ДЎЗАХ АЗОБИ

Темурбек амир Ҳусайнни Чоржўйдан топмади. Шашарни бундан икки кун аввал Жониқурбоний сардорларидан бири эгаллаб олибди. Билганлар амир Ҳусайн Хоразм тарафга кетганлигини айтишди. Темурбек ҳам олтмиш чоғлиқ йигити билан Хоразм тарафга отланди. Иўлда, Хиваққа яқинлашиб қолганларида, тасодифан амир Шоҳ Муҳиддинга йўлиқиб қолдилар. У ҳам йигирма чоғлиқ йигити билан кўпдан бери амир Ҳусайнни ахтариб юрган экан. Йкковлари, Темурбек билан Шоҳ Муҳиддин, маслаҳатни бир ерга қўйишиб, Хиваққа,

унинг ҳокими Тавакал қўнғиротнинг ҳузурига боришига жазм қилдилар. Таваккал қўнғирот амирларни бошда дилхушлик билан кутиб олди. Йигитларини эса шаҳарнинг кунчиқиши тарафидаги чорбогига ўринлаштириди. Амирлар ва сипоҳи учун кечқурун қуюқ зиёфат ҳам берди.

Шунга қарамай, Темурбек ўша кечани мижжа қоқмай ўтказди. Чунки, нимагадир юраги ғаш бўлди. Кўнглига турли хаёллар келди. Таваккал қўнғирот нима учун уларни сипоҳийлардан ажратиб қўйди? Кўпроқ шу савол унинг бошини қотирди. Тўғри, улар бунга рози бўл масликлари мумкин эди. «Мулозимларимиз бирлан бирга бўлмаз», деб туриб олсалар бўларди. Лекин бу одобдан бўлмасди. Чунки туркӣзабон халқлар меҳмонни атойи худо деб ҳурмат қиласидар. Энг муҳими, ўзгалирнинг таъдий ва тааррузидан қаттиқ туриб ҳимоя қиласидиган одатлари бор эди уларнинг. Лекин, зиёфат пайтида қилинган ортиқча такаллуфлар, хивақлик амирларнинг сирли кўз уриштиришлари уни бир қадар чўчитиб қўйди. Таваккал қўнғиротнинг сертакаллуфлиги, хусусан, амирларни кўп еб-ичишга ундаши ҳам унга ёқмади. «Йўқ, бу ерда бир сир борға ўхшайдур», — деди у ичиди. Бирон фалокат юз бермасдан бурун отни қамчилаб қолмоқ зарур. Темурбек кўп ўйлаб, саҳарда шу фикрга келди ва ёнида донг қотиб ухлаб ётган Шоҳ Муҳиддинни уйғотди. Шоҳ Муҳиддин зўрга уйғонди ва кўзларини ишқалаб туриб, сўради.

- Нима гап, Темурбек?
- Туринг, бек, бу ердин тезроқ кетайлик.
- Нима учун? Сабаб? Тинчликму ўзи?

Лекин Шоҳ Муҳиддин бунинг сабабини билолмади ва ҳайрон бўлиб, елка қисди. Темурбекнинг эса буни тушунтириб ўлтиришга фурсати йўқ эди. Шунинг учун, «туринг тезроқ, сабабини кейин билиб оласиз», — деди-қўйди. Ва ўзи шошиб-нишиб кийинди ва қозиқдан қурол-яроғини олиб, меҳмонхонадан чиқди. Шундан кейин Шоҳ Муҳиддин ҳушёр тортиб қолди ва у ҳам апил-тапил кийиниб, ўзини ташқарига отди...

Темурбек билан Шоҳ Муҳиддин тонг ёришай деганда Таваккал қўнғиротнинг чорбогини топиб бордилар ва йигитларини сёққа тургузиб, Поёб тарафга қараб қочдилар. Лекин қувончлиси шу бўлдикни, улар амир Ҳусайнни ўша ердан топдилар. У уч юз йигити билан мана шу ерда турган экан. Тасодифий учрашувдан ҳаммала-

ри шодмон бўлдилар ва шу ерда бир-икки кун ҳордиқ чиқариб, кўнгилхушлик қилдилар.

Темурбек билан Шоҳ Муҳиддиннинг бу ерга келганларининг учинчи куни эрта тонгда қоровуллар узоқдан катта лашкар келаётганини хабар қилдилар.

— Энди нима қилдик? — Темурбек амир Ҳусайнга мурожаат қилди.

— Бу, шубҳасиз, Таваккал қўнғиротнинг лашкари. У кўп сонлик бўлиши керак. Бизнинг эса кучимиз оз. Унга бас келолмаймиз, Темурбек. Яхиси, қочайлик бу ердин, — деди амир Ҳусайн ваҳимага тушиб.

Амир Шоҳ Муҳиддин унинг фикрига қўшилди:

— Амир ҳазратларининг гаплари тўғри, Темурбек. Чекинганимиз яхши, Таваккалга бас келолмаймиз.

Лекин Темурбек уларнинг фикрига қўшилмади.

— Қочгундай бўлсак, бир фойда, икки зиён бўлур. Зиёни шулким, биринчидан, сипоҳийлар орасида саросима ортадур. Иккиласмиш шулки, «қочди» деган ёмон отға қолурмиз. Фойда шулки, кимдур жонини омон сақлаб қолар, албатта. Шу ерда савалашсак, икки фойда ва бир зиён бўлур. Фойдаси шулким, бири сипоҳийларнинг руҳи тетик бўлур, иккинчиси кўп бўлғонким, кичик бир қўшин катта бир қўшинни синдириғон. Ҳамма нарса яратган эгамнинг қўллаб-қўлтиқлашига боғлиқ. Таваккал қиммоқ зарур. Таваккалда гап кўп. Зиёни шулким, кимдир қурбон бўлур. Лекин беҳуда бўлмас. Шаҳидлик шарафини топур.

Кўп талашиб-тортишдилар, улар. Лекин Темурбек устун келди. Амирлар охири унинг фикрига қўшилдилар. Шундан кейин улар қўшинларини Поёбнинг кунботар тарафига олиб чиқиб сафладилар. Тарафлар эртадан кечгача савалашидилар. Иккала тараф ҳам кўп талофат кўрди. Масалан, Темурбекнинг олтмиш йигитидан еттитаси тирик қолди, холос.

Аммо амирлар зафар қучдилар. Таваккал қўнғиротнинг ўзи ўлдирилди. Қолган сипоҳи эса теварак-атрофга тариқдай сочилиб кетди.

— Қўлимиз баланд келди. Лекин, барибир, бу ердин тезроқ кетмоқ зарур. Чунки ёғий ўзини ўнглаб олиб, йўлбошчисининг хунини қистаб келиб қолиши мумкин, — деди амир Ҳусайн. У шу урушда йигитларидан ҳам, отидан ҳам ажралган эди. У жуда қўрқиб кетган. Рангида ранг йўқ эди.

Темурбек бу сафар қарши чиқмади. Чунки, амир Ҳусайн тўғри фикр айтаётган эди.

Шоҳ Мұхиддинни кўп қидирдилар, лекин топишолмади. Темурбек билан амир Ҳусайн тирик қолган йигитлари ва аҳли аёлини олиб ўша куниёқ Поёбдан жўнаб кетдилар. Улар чўл оралаб Бухорога қараб йўл олдилар. Уч ойдан ортиқ қип-қизил чўлда юриб, дўзах азобини тортдилар.

ЧУЛОҚ ЧУМОЛИНИНГ ЖАСОРАТИ

Қош қорайган эди. Ҳолдан тойган Темурбек билан амир Ҳусайнбек ва уларнинг ўнбешга ҳам етмайдиган йигитлари ҳамда хотин-халажу туркманларнинг Маҳмудий деган овулуга яқин бир қудуқ ёнига келиб тўхтадилар.

Игна тушса топилар экан, бу яп-яйдоқ чўлда. Қудуқ ёнига кичик бир карвон келиб қўнгани овозаси тезда Маҳмудий овулуга ҳам етиб борди. Моҳон ҳокими Алибек Ҷониқурбоний бундан хабар топиши ҳамоно уларнинг тепасига олтмиш чоғлик йигитини отлантириди. Уларнинг бошлиғи Давлат саркорга буюрди:

— Уларнинг ҳаммасини тутиб келинглар!

— Яхши, — деди саркор бекка қўл қовуштириб.

Алибекнинг йигитлари Темурбек билан амир Ҳусайнни одамлари билан ярим кечада босишиди. Ҳаммаларини қўлга олиб, овулга олиб келдилар. Уларни каталакдай бир уйнинг қоронғу ва зах ертўласига қамаб қўйдилар. Эрталаб, ионуштадан кейин эса Темурбек билан амир Ҳусайнни Алибекнинг олдига ҳайдаб олиб бордилар. Алибек икки қават қилиб тўшалган қизил баҳмал кўрпа устида лўлаболишга ёнбошлаб ётарди. У асирларнинг саломига алиқ ҳам олмади. Фақат қўли билан «ўтиринглар» деб ишора қилди. Беклар ўлтирганларидан кейин сўради:

— Кимсизлар? Бу ерларда нима қилиб юрибсизлар?

— Чигатой бекларидин бўламиз, — деди шошиб-пишшиб амир Ҳусайн, — Бухоройи шарифга бормоқчи эрдик. Адашиб, шу ерга келиб қолдик.

Алибек бир фурсат бу икки навқирон йигитга бошдан-оёқ тикилиб турди. «Баҳодир йигитлар эркан», — де-

ди у ичида. Хотинларининг кўхлик эканини эса Давлат саркордан эшитган эди. «Яхши пул тўлашади уларга. Ишқилиб бу ердин карвон ўтиб қолса бас», — деган фикрга келди Алибек. Сўнг беклардан сўради:

— Чақатоймен де? Дуруст. Аларни яхши биламен.

Сўнг Темурбекдан сўради:

— Сен ким бўласен? Сен ҳам Чақатоймусен?

Темурбек бу ёвуз одам ҳақида кўп эшитган. Шунинг учун у билан муросаю мадора мақомида бўлган маъқул, деган фикрга келди. Унинг қўлидан тирик чиқиб кетиш йўлини тутган яхши. Шунинг учун синиқлик билан жавоб қилди:

— Шундай, бек. Чигатойлардинмиз.

— Исминг не?

— Темурбек.

Алибек ҳам унинг ҳақида эшитган. Ботир, ўлимдан ҳам қайтмайдурғон йигит. Шу билан бирга одил ва шафқатли одам. Алибек бироз юмшади ва хизматкорини чақиритириб, дастурхон ёзишни буюрди. Лекин, барibir Темурбек билан амир Ҳусайнни хотинлари билан қўшиб сотиб, мўмай пул ишлаб олиш ниятидан қайтмади...

Темурбек ва унинг ҳамроҳлари оғир бир шароитда олтмиш икки кун ўша ертўлада банди бўлиб ётишди. Лекин, Алибек уларни сотиб юборолмади. Фурсати бўлмади. Хоразм, Бухоро ва Хурросон тарафларга вақти вақти билан ўтиб турадиган карвон ўчакишгандай икки ойдан бери негадир бу ерлардан ўтмади. Алибек охири хунибийрон бўлди. Нима, булар бекорга овқатини еб ётаверадими? Үлдирсамикин, ё қўйиб юборсамикин, уларни? Йўқ, эсини егани йўқ. Бундай қилмайди, асло. Ахир бугун бўлмаса, эртага ўтиб қолар биронтаси. Алибек яна бир фурсат кутишга қарор берди...

Эллик кун деганда, бандиларга нажот эшиги очилди. Овлуга Алибекнинг оғаси Муҳаммадбек Жониқурбойнинг чопари келиб қолди. Чопар Алибекга оғасидан мактуб олиб келган экан. Алибек мирзасини чақиритириб мактубни унинг қўлига тутқизди.

— Маметсаҳат, буни ўқиб бер. Оғамиз не деб ёзиб-дур?

Маметсаҳат мактубни овоз чиқариб ўқиди. Муҳаммадбек инисидан Темурбек билан шерикларини озод қилишни сўрабди. Алибек бошда ҳайрон бўлди. Бу чўлоқ (у шол бўлиб қолган оғасини кўзда тутди) Тусда туриб

бу ерда бўлғон воқеани қаердан билибдур? Ёки биронтаси хабар қилдими, унга? Алибекнинг сўнгги шубҳаси тўғри бўлиб чиқди. Муҳаммадбекка бу воқеани Маҳмудийга яқин овуллардан бирининг мулласи Ҳожи Муҳаммад хабар қилган экан. У Темурбекнинг тарбияткунандаларидан эди. Темурбек унга баҳоси мамлакатнинг бир йиллик хирожига етадиган «Лўлу» деган тилло узугини ҳадя қилтандан бери эса ўзини унга содик хизматкор ҳисоблаб юрар эди. Алибек оғасининг гапини қулоқ-қа олмади. «Ҳурмат билан қўйиб юборармишман, уларни. Бўшатиб бўлман. Қарvon келса келди, келмас... Унда суюкларини зинданда чиритиб юборамен», — деди у ўз-ўзига.

Ҳа, бандига ҳамма вақт қийин. Муҳими эртага нима бўлишини билмайди, у. Тақдири уни шу аҳволга тушириб қўйган одамнинг қўлида. Истаганини қиласди... Аксига олиб, Темурбек кейинги кунларда яхши-ёмон тушлар кўрадиган бўлиб қолди. Ёмон туш кўрган куни кайфияти бузиларди. Ҳатто бир кунмас-бир кун озод бўлишига умиди узиларди. Яхши туш кўрганда эса ҳаётга умиди пайдо бўларди. Темурбек айниқса сўнгги вақтларда шунаقا кайфият оғушида қолди. Бир куни унинг тушига пири Зайниддин Абубакр Тайбодий кирди. Темурбек қандайдир бир ҳудудсиз чўл ўртасида, шохини тuya ғажиб кетган бир юлғин тагида оч-яланғоч ўлтирган эмиш. Теварак-атрофда бирон тирик жон йўқ. «Ҳа, куним битғонга ўхшайдур. Мана шу кимсасиз чўлда ўлигим қашқир бирлан шағалга ем бўлади; шекилли», — деб турганда, қаршисида пири Зайниддин Абубакр Тайбодий пайдо бўлди. Пир муриднинг аҳволини кўриб ачинди. Ва бир пайт: «Ма, Темурбек, миниб ол!», — деб кумуш эгар-жабдуқ урилган саман отнинг тизгинини унинг қўлига тутқизди. Темурбек миниши билан от уни осмону фалакка учириб кетди. Ва кўз очиб-юмгунча уни бир азим дарё соҳилига элтиб қўйди. Буроқ от дегани шу бўлса керак, деб таажжубланди Темурбек. Шундай назар ташласа, дарёнинг нариги соҳили обод ва фаровон бир юрт экан. Унинг ҳамма тарафи боғу роғ, масжиду мадраса, қасрлар ва маҳобатли иморатлар беҳисоб. Темурбек ўша жаннат мисол мамлакатга ўтмоқчи бўлиб отига қамчи босди. Лекин шу ерга келганда уйғониб кетди. Э, аттанг, туш экан бу!

Темурбек апил-тапил ўрнидан турди ва соқчи арқон билан туйнуқдан туширган обдастани олиб, ертўланинг

бир четига ўтиб таҳорат олди. Юз-кўзини ювди. Сўнг белбоғини тўшаб, бомдод намозини ўқиди. Нонушта пайтида эса кўрган тушини ҳамроҳларига айтди. Улар беҳад суюндилар. «Ёруғ кунларга ишорат бу», — дедилар улар. Ўлжой Туркан оға эса тушнинг таъбирини ўзича ечди: ««Тушингиз, ҳазратим, ҳақиқатан ҳам ёруғ кунларга ишорат. Масалан, пирим қўлингизга тутқузғон от — тожу салтанат рамзи, азим дарё эрса ёруғ кунларга ишоратдур. Тушни саҳар пайти кўрганингиз эрса шу кунлар яқинлигиға далолат.

— Илоҳим айтғонинг келсун, Ўлжой!

Темурбек хотинига миннатдорчилик билдириди.

— Илоҳим айтғонингиз келсун, бегим пошша, — дедилар бошқалар.

Шу пайт Темурбекнинг назари деворга тирмашиб, тепага кўтарилаётган чумолига тушди. Чумоли туйнукчадан тушаётган нур сари интиларди. Аммо, қанчалик тиришиб-тирмашмасин, туйнукка етолмай ағдариларди. Бир сафар у ҳатто деворнинг ярмигача кўтарилди. Лекин бўлмади. У яна қулаб тушди. Бир фурсатдан кейин у яна деворга тирмашди. Лекин бу сафар аввалги маррани ҳам эгаллолмади. Шунга қарамай у, барибир, тиришиб-тирмашаверди. Темурбек бу тиришқоқ махлукқа астойдил разм солди. Чумоли ярим жон экан. Ўлжой Туркон оға эрини кузатиб турган экан, у ҳам деворга тикилди. Лекин бирон нарсани кўзи илғамагач, эрига мурожаат қилди:

— Мунча ҳам тикилиб қолмасангиз, ҳазратим. Деворда нима бор эркан, ўзи?

Темурбек «жим бўл, гапирма!», дегандай сўл кафти билан оғзини тўсди. Ўнг қўли билан эса ҳамон деворга тирмашиб ётган чумолини кўрсатди.

Чумоли бу сафар деворнинг ярмидан ошди. Шу ерда бир оз нафасини ростлаб олса бўларди. Лекин тирмашаверди. Натижада икки қарич ҳам босолмай яна қулаб тушди... Шу тариқа у нурга интилиб кечгача деворга тирмашди ва охири мурод-мақсадига етди. Намози аср олдида тешикдан чиқиб кўздан ғойиб бўлди.

Темурбек ёқасини ушлаб, ҳангуманг бўлиб ўлтирган хотинига мурожаат қилди:

— Ана, кўрдингму, Ўлжой! Чумолидай бир махлук, яна у чўлоқ эркан, тиришиб-тирмашиб ёруғликка чиқиб олди. Кўп бор ҳаракати беҳуда кетди. Лекин умидсизланмади. Курашди ва охири мурод-мақсадига етди. Сен

бирлан бизнинг бўлса тўрт мучалимиз соппа-соғ. Ҳаракат қилиш керак, Ўлжой! Тиришиб, ҳаракат қилиш зарур! Умидсизлик — мағлубият нишонаси, қуллик ва губанликнинг боши. Фақат тешикка термулиб ўлтиришдин не фойда? Тангри таолло «Сендин ҳаракат, мендин баракат», деган эканлар. Чумолидан ўрганайлик. Ҳаракат қиласайлик, — деди Темурбек шерикларига ҳам мурожаат қилиб.

— Чумоли кичик бир махлук эркан туйникка сиғди. Биз сифтмаймиз-ку. Эшикдан чиқиб кетса бўлади, аммо у ерда соқчи бор. Бир эмас иккитаси турибдур. Аларни нима қиласамиз?

Темурбек амир Ҳусайннинг бу гапига таажжубланмади. Чунки, мушкул пайтларда унинг иккиланиб қолишини яхши биларди. Нима бўлса ҳам уни дадиллантиришга ҳаракат қилди.

— Шундай-ку-я, Ҳусайнбек. Лекин умидсиз бўлмайлик. Уриниб кўриш керак. Чорасини топиш зарур. Ноумид шайтон! Уриниб кўриш керак. «Интилганга Тангри ёр!», — деб бежиз айтишмаган машойихлар.

Темурбек ҳақ бўлиб чиқди. Кўп вақт ўтмай, улар тутқунлиқдан халос бўлдилар...

Лекин Темурбек чўлоқ чумолини бир умрга эслаб қолди.

МОШ ТАБИБ

Ниҳоят, 1363 йили Чигатоий бекларига омад кулиб боқди. Темурбек, амир Ҳусайн ва Жоку барлос мўгулни Пули сангин билан Тошкўприкда енгдилар. Шундан кейин амирлар уларни изма-из қувиб, Сирдаёнинг нариги тарафига ўтказиб юбордилар. Ӯшанда улар Тошкентни ҳам эгалладилар. Чигатоий қўшинлари берган зарбалар шу қадар шиддатли ва давомли бўлдики, Илёс-хўжаон ва мўгуллар Сайрамда ҳам қололмадилар ва юртига қайтиб кетишга мажбур бўлдилар.

1363—64 йил қишини Темурбек Тошкентда ўтказишга қарор қилди. Бошда амир Ҳусайн ҳам шу ерда қишлидиган бўлди. Лекин, бир ҳафтадан кейин айниб қолди. «Самарқандга борайлик», деб обёқ тираб туриб олди. Нияти маълум эди унинг. Кўпдан бери тожу тахт ва салтанат дардида юрган эди у. Бир ўзи ҳам борса бўларди Самарқандга. Лекин, бир ўзи боргундай бўлса,

Жоку барлос билан амир Сайфиддин уни тан олишармикин? Йўқ, албатта. Чунки, иккалалари ҳам Темурбекнинг одами. Хуллас, амир Ҳусайннинг бу режаси ўтмади. Шундан кейин у иккюзламачилик қилди:

— Сиз ҳақсиз, Темурбек. Лекин иккаламиз ҳам Шошда қолсак тўғри бўлмас. Самарқанд бирлан Мовароуннаҳрдин узоқлашиб қоламиз. Шунинг учун биз Дизаққа бориб қишиласакмукин?

«Ҳа, тулки, — деди ичиди Темурбек, — нима бўлганда ҳам Дизақ Самарқандга яқинроқ-да. Мақсадинг — Самарқанд, сенинг». Лекин ўзини гўлликка солди ва унинг таклифига ризолик билдириди.

— Майли, Ҳусайнбек. Шундай қылғонимиз тўғри десантгиз, биз рози.

Эртаси куни нонуштадан кейин амир Ҳусайн аскари, навқари ва хотин-халажини олиб Шошдан жўнаб кетди. Темурбек эса айтганини қилиб шу ерда — Тошкентда қолди...

Мош табибни нафақат Тошкентда, балки бошқа ерларда ҳам яхши билишади. Тузатмаган касали йўқ, унинг Айниқса, синганни ва яра-чақани тез фурсатда тузатиб юборади. Шу боис уни одамлар Ибн Синойи соний деб аташади.

Қишининг қирчиллаган кунларидан бирида кечки пайт табибнинг дарвозасини кимdir қоқди. Ўғли Нуриддинхўжа чиқса доруғанинг навқари экан. Нотаниш бир сипоҳий йигит билан келибди. Сипоҳий йигит эгар урилган яна бир отни етаклаб олибди.

— Дадангиз уйдаму?

— Ҳа, уйдалар, жаноб.

— Айтинг, зудлик бирлан кийиниб чиқсинлар.

Мош табиб шу пайт малҳам пишириш билан банд эди. Уни шу кечасиёқ қўрбошиникига олиб бормоқчи. Қўрбошининг думбасига чипқон чиқиб, бир неча кундан бери кўчага чиқолмай қолган. Ҳатто ўтиrolмайди ҳам. Азобини айтмайсизми? Худо сақласин, бунақа дардан. Табиб малҳамни идишга солди ва апил-тапил кийиниб, кўча дарвоза сари юзланди. Салом-аликдан кейин доруғанинг навкарлари: «Тезроқ борармишсиз, хўжайин буюрдилар», — деди унга жиддий бир тусда. Табиб шошиб қолди. Нима учун у доруғага кечқурун керак бўлиб қолди? Тинчликми, ўзи? Ё унга ҳам қўрбошига ўҳшаб чипқон чиқдимикин? «Тинчликму ўзи, нима гап? — деб сўрамоқчи бўлди ундан. Лекин ботинмади. «Бирон

ҳодиса юз бергандурки, чақиртирган», — деди қўйди ўз-ўзига. Навкар билан бирга келган сипоҳий йигит аллақачон отдан тушиб қўл қовуштириб турган эди. Мош табиб унга ич-ичидан миннатдор бўлди. «Қандай тавозеълик ва сипоҳ йигит эркаң, у Анови дев бўлса, — ўйлади отдан тушмай кеккайиб ўлтирган навкарга назар ташлаб, — худди беклардай ғўдайиб турибди». Табиб ўша сипоҳий йигитнинг ёрдами билан отга миниб олди.

Уччоловон бўлиб, Бешёфоч даҳаси тарафга қараб йўлга тушдилар. Қатортолга етганда табиб қўрбошиникига кириб ўтмоқчи бўлди. Унинг ҳовлиси шундайгина йўл устида эди. Агар ўгу кеч малҳамни янгиламаса унга эртага жабр бўлади. Азоб чекади. Йўқ, иложини топиб, уникига рав кириб ўтади. Қайтишда кирса ҳам бўлади. Лекин қайтармикин, ўзи бугун? Таваккал қилиб навкар билан сипоҳий йигитга мурожаат қилди:

— Қўрбоши жаноблари бемор эрдилар. Ижозат берсалар уни рав кўриб ўтсак.

— Қўрбошига нима бўлибдур? — деб сўради навкар. Унинг қош-қовоғи осилди.

— Ҳалиги, нима десам бўларкин, чипқон... — Мош табиб тафсилотини айтмади.

Чипқонни эшитиб, навкарнинг кайфияти кўтарилди:

— Ийе, бечораға кўп жабр бўлибдур-ку! Жаноби қўрбошининг орқаси юмшоқ эди-да, ўзи. Эгар яламаган. Ҳа...Ҳа...Ҳа!...

Навкар кўчани тўлдириб ҳузур қилиб кулди. Кейин яна жиддий тусга кириб, «нима қилдик?» дегандай сипоҳий йигитга қаради.

Сипоҳий йигит рози бўлди.

— Майли, кириб чиқсинлар. Жаноби қўрбоши ҳам ҳожатмандга ўхшайдур...

Қўрбошининг ўнг думбасидаги чипқон болалаб кетган экан, табиб бай-байлаб бош чайқади. Унга пиёз қўйиб боғламаса бўлмайди. Уни эса қўрга кўмиб, пишишини бўлмаганда ярим соат кутиш керак. Лекин бунга фурсати йўқ. Доругани бўлса, куттириб бўлмайди. Буни, худо хоҳласа, эртага барвақт келиб, бафуржа қилади. Табиб чипқон теварагини у ер-бу ердан ззиб қўриб, «ҳали пишмабдур», — деди ва қандайдур бир доридан суриб қўйди. Чап думбадаги ёрилган чипқонни ювиб тозалади-да, малҳам суртиб, боғлаб қўйди. Кейин «Худо шифо берсун!», — деб ўрнидан турди.

Иўлда табибни ваҳима босди. Негадир доруганинг

ҳовлисига бурилмай, тўғри ўтиб кетишиди. Шаҳардан чиққанларида эса шубҳаси яна ортди. Нима гап, ўзи? Уни қаёққа олиб кетишяпти? Нима қилишмоқчи, уни? Хуллас, табибининг кўнглига нималар келмади, дейсиз. Доруғанинг навкарини-ку таниди. Лекин, анови йигит ким бўлди, ўзи? Кимнинг одами? Қаёқдан келиб қолди? Энди у сипоҳийдан ҳам шубҳалана бошлади. Наҳотки...

Тахминан яrim тош йўл босганларидан кейин, ўнг тарафдаги тор йўлга бурилдилар. Ҳаммаёқ сокин. Чигиртканинг чириллашидан бошқа шарпа эшитилмайди. Бироз йўл босганларидан кейин катта чорбоғнинг қўш табақалик дарвозаси олдидан чиқиб қолишиди. Табиб чорбоғни танирди. Илгари ҳам бир-икки марта келган бу ерга. Шошнинг ман-ман деган савдогарларидан Азимбойга тегишли бу боғ. Шунинг учун бир қадар хотиржам бўлди.

Навкар қамчисининг дастаси билан дарвозани қоқди. Хизматкор шу атрофда экан, дарҳол дарвозага келди.

— Ким?

— Биз. Бизмиз. Эшикни очинг, Нурмат ака.

Хизматкор доруғанинг навкарини овозидан танирди, дарҳол дарвозани очиб, уларни ичкарига олди ва олдинга етаклади. Чорбоғ ўртасида қурилган шинамгина уй олдида одамлар елиб-югуриб турли юмушларни қилиб юришибди. У ер-бу ерга дарахтга машъала ёқиб қўйилган. Хизматкорлардан бири чопиб келиб, Мош табибининг қўлтиғига кирди. Шу пайт ичкаридан Азимбойнинг ўзи чиқиб келди ва шошиб-пишиб келиб табиб билан хушлашиди:

— Хуш келибдилар, мавлоно. Чўчиб ўлтирган эдик. Агар уйда бўлмасалар, унда нима қилдик, деб.

Азимбой табибни ичкарига бошлади. Меҳмонхона тўрида кўринишидан баланд бўйли, елкадор, оқсариқдан келган, қошлари қалин, ёши ўттизлар чамаси бир йигит зангори кимхоб кўрпача устида парёстиқларга йўланиб ёнбошлаб ётарди. Доруга унга чой қуйиб бериб ўлтирибди. Олдига тўшалган катта дастурхонда ширмой нонлар, аввойи мевалар, турли-туман таомлар. Табиб Азимбойнига келиб-кетиб турадиган одамларнинг кўпини танирди. Лекин унинг бугунги меҳмонини биринчи марта кўриб туриши. Астойдил тикилиб қарашга ийманди, лекин «бу ернинг одами эмас, узоқдан келган бўлса керак», — деган хulosага келди.

Бир-икки пиёладан чой ичилгандан кейин, қўй ёғи ва қўй гўштидан пиширилган палов келтирилди. Ош ейилиб, дастурхонга фотиҳа ўқилгандан кейин Азимбой гап бошлади:

— Азиз меҳмон асли Кешдин, Мош ака. Улар...

Шу ерга келганда меҳмон оҳиста томоқ қириб қўйди.

— Узр, тақсир. Ҳа, эсим қурсин, унитаёзибмен.

Азимбой меҳмоннинг имо-ишоратини дарров англати ва бу ёгини гапирмади. Лекин, табибининг bemavrid чақирилганининг сабабини қисқа тушунтирди.

Бундан бир-бир ярим йил бурун азиз меҳмоннинг қўл-оёғи бир муҳорабада заҳмдор бўлғон эркан. Оёқлари бир оз оғриқ берадиган. Кўриб қўйсангиз, деб сизни йўқлатғон эрдик, Мош ака.

— Майли, тақсир. Бажонидил.

Табиб аввал меҳмонга, кейин Азимбойга қўлларини кўксига қўйиб таъзим қилди. Сўнг меҳмонга мурожаат қилди:

— Ижозат берсалар, заҳмдор бўлғон ерни кўрсак.

Тишини-тишига қўйиб, дард азобига зўрға чидаб ўлтирган меҳмон табибга қўл қовуштириб, розилик билдириди. Сўнг ўнг оёғига кўзи билан ишорат қилди.

Табиб меҳмоннинг этигини бир илож қилиб ечиб олди-ю, лекин шалварини турмалолмади. Чунки шалвар этга ёпишиб кетган экан. Таштдорни чақиртириб, илиқ сув олиб келишини буюрди. Кейин Азимбойга мурожаат қилди:

— Хизматкорингизни зудлик бирлан бизникуга жўнатсангиз, тақсир. Дору керак. Шундайгина эшиқдан кираверишда, ўнг тарафдаги токчада турибдур. Нурдин билади.

Азимбой қўлинини кўксига қўйиб, «хўп» деди ва шошибишиб ташқарига чиқди. Хизматкор ўша заҳотиёқ отланаб, шаҳарга жўнаб кетди...

Хизматкор икки ош пишар вақт ўтиб, қайтиб келди. Тайнланган дориларни олиб, табибининг ўғли ҳам у билан бирга келди.

Мош табиб шалварни уйитиб, не азоб билан уни этдан ажратиб олди. Ярани илиқ сув билан яхшилаб ювди. Сўнг Нуриддинхўжа олиб келган доридан сурди ва ярани оқ мато билан маҳкам қилиб боғлаб қўйди.

Хиёл ўтиб оғриқ босилиб, беморининг кўзлари ёришгандай бўлди...

Мош табиб шундан кейин Азимбойнинг чорбоғига

бир ой, кун оша қатнади. Шу муҳлатда яра тузалиб, меҳмон Оҳангарон тарафга жўнаб кетди.

Мош табиб эса кимни муолажа қилганини билолмади. Бунга қизиқмади ҳам. «Табиб миллат суринширмайди», — деб айтарди у доимо ўғли ва шогирдларига.

САРБАДОРЛАР

«Жанглийдан кейин амир Ҳусайн орқа-олдига қарамай, Соли саройга қочиб борди. Уни ваҳима ва қўрқув шу қадар босган эдикি, у ерда ҳам қололмади. Ҳалихамон мӯғуллар келиб қоладигандай туюларди унга. Шунинг учун аҳлу аёли, хизматкорлари ва хазинасини олиб, Жайхуннинг нариги тарафига ўтиб кетди ва Шабартуга бориб қўнди. Ва ўша заҳотиёқ Балх, Бақлон ва Термиз тарафларга хабаргирлар жўнатди. Мӯғул қаерга келганини билмоқчи бўлди. Агар ноҳуш хабар олингудай бўлса, Шабартуни ҳам тарк этиб, Ҳиндистонга кетмоқчи бўлди.

Иложи қолмагач, Темурбек ҳам Самарқандни тарк этди. Ўшанда Қешга келиб, унинг мудофаа иншоотларини мустаҳкамлашга киришди. Лекин, ёлғизлик қилди. Амирлар, беклар худди бундан беш йил муқаддам бўлганидай, тум-тарақай бўлиб қочиб кетишган эдилар. Шу сабабдан Темурбек ҳам Мовароунаҳрда қололмади. У ҳам Жайхуннинг нариги тарафига ўтиб кетди. Балх атрофида ўринлашди.

Ўша пайтларда Самарқанднинг девори ва мудофаа иншоотлари йўқ эди. 1220 йили Чингизхон ҳуружи пайтида вайрон этилганди. Шундан бери уни ҳеч ким тикламади. Шаҳарнинг чор атрофи очиқ. Ўзи бўлса лашкардан холи эди. Буни Иллесхўжакон яхши биларди. Шунинг учун мӯғул шаҳарни ҳеч қандай талофатсиз эгаллаб олишига амин эди. Лекин мӯғулнинг умиди пучга чиқди. Самарқандни ҳам, халқини ҳам ҳимоя қиласиданлар топилиб қолди. Булар тарихда сарбадорлар деб аталади. «Сарбадор» дегани форс тилида «бошини дорга тикканлар», дегани. Бирон олий мақсад йўлида қилинган курашга жон фидо қилсан кишилар, дегани. Ватан йўлига, халқ озодлиги учун жонни тиккан кишилар, дегани.

Сарбадорлар ҳаракати аввал Эронда бошланди. Бу ҳаракат аслида мӯғуллар зулмига қарши қаратилганди.

Ўшанда, 1337 йили ҳалқни курашга кўтарганилар тўқизкиши эди: Абдураззок, Важиҳиддин Масъуд, хўжа Али Шамсиiddин Фазлуллоҳ, Амир Яҳё Курробий, хўжа Захирiddин Курробий, паҳлавон Ҳайдар қассоб, Амирзода Лутфуллоҳ, Паҳлавон Ҳасан Домғоний ва хўжа Али Муайяд. Улар мамлакатда мўғул истибодига чек қўйдилар ва Хурсонни қирқ тўрт йил мустақил идора қилдилар. Ҳалқ турмушини бирмунчА яхшиладилар.

Самарқанд сарбадорлари ҳам шундай одамлар эдилар. Улар ҳам чет эл босқинчиларига қарши ҳалқни оёққа тургиздилар. Мамлакат яна мўғул оёғи остида қолиш хавфи туғилганда ва менман деган беклар уни ҳимоя қилишга қодир бўлмаганларида сарбадорлар ҳалқнинг жонига оро кирдилар. Мўғулнинг шарпаси эшитилиши билан Самарқанд сарбадорларининг сардорлари: мадрасалардан бирининг мударриси Мавлонозода, наддоф Абубакр Қалавий, мерган сипоҳий Ҳурдак Бухорий шаҳар атрофи ва кўчаларини мустаҳкамлаб, ҳалқни курашга кўтардилар. Бир куни тумонат ҳалқ тўпланди жомеъ масжид саҳни ва атрофига.

— Муҳтарам жамоа,— деди минбарга кўтарилиб Мавлонозода,— Самарқанд осмонини яна қора булат қоплади. Ёвуз душман мўру малаҳ бўлиб шаҳарга бостириб келмоқда. Хотин-қизларимизнинг номуси поймол бўлиш хавфи остида. Бизларни ҳимоя қилиш зиммасида бўлган амирлар ва беклар эрса жонини сақлаб қочиб қолишиди. Эндиликда ҳамма нарса ўзимизга қолди. Ҳўш, нима қилдик, энди?

Ҳамма бир овоздан жавоб қилди:

— Ё ҳаёт, ё ўлим!

Жамоани бир-бир кўздан кечириб, Мавлонозода сўзида давом этди:

— Ташаккур азизлар! Шундай жавоб қиласиз, деб ишонган эдим. Раҳмат, ҳамشاҳарлар! Демак, гап битта: ё ҳаёт, ё ўлим! Бир томчи қонимиз қолғунча ҳимоя қиласиз жонажон шаҳримизни.

— Курашамиз! Бир томчи қонимиз қолгуңча курашамиз!

Ҳалойиқ шундай жавоб берди унга.

Мавлонозода яна ҳалқдан сўради:

— Ундей бўлса, азиз фуқаро, бу курашда бизга бош бўлатурғон бир раҳнамо даркор. Ҳўш, шундай оғир ва масъулиятли ишни зиммасига олувчи одам борму, орангизда?

Уртага сукунат чўқди. Мавлонозода йиғилганларни яна бир бор назаридан кечирди. Сўнг деди:

— Уша масъулиятни биз зиммамизга олсак розимусизлар?

Жамоа яқдиллик билан рози бўлди.

Мавлонозода яна жамоага мурожаат қилди:

— Бизга яхши бир ёрдамчи бўлғувчи бормў, орангизда?

— Бор, — деган овоз эшитилди йиғилганлар орасидан. Минбарга, Мавлонозоданинг ёнига, Абубакр Калавий билан мерган йигит Хурдак Бухорий чиқиб келишиди...

Қисқаси, сарбадорларнинг бошлиқлари вақтни бекорга кеткизишмади. Улар шаҳарни мудофаа қилиш билан боғлиқ ишларни бошлаб юбордилар: шаҳарга кириш йўлларини тўсдилар, аҳолини қуроллантиридилар. Сунъий тўсиқлар олдига одам йигдилар, тош ва темир заҳираларини тўпладилар.

Эртаси қуни, илк саҳарда, бомдод номозидан кейин, сарбадорларнинг раҳбарлари мұхим бир қарорни халққа маълум қилдилар. Қарорга кўра, шу бугундан бошлаб шаҳарда ҳокимият халқ қўлига ўтади; жизя бекор қилинади; хирож ва бошқа тўловларнинг миқдори камайтирилади.

Уша куни чошгоҳга яқин мўғул лашкари шаҳарнинг Шоҳизинда тарафида пайдо бўлди. Улар шаҳарни мудофаасиз деб ўйлаб, бамайлихотир келавердилар. Кўча оғзининг икки тарафига қўйилган пистирма уларни сездирмай ўтказиб юборди. Мўғуллар Чорсуга етганларida эса чор атрофдан ўққа тутилдилар. Қий-чув, тўс-тўполон бошланди. Мўғуллар ўзларини у ёқ-бу ёққа урдилар. Бир тўдаси Камонгаронга ёриб ҳам ўtdи. Лекин, барибири, ажал ўқидан қочиб қутилолмадилар. Уларнинг кўпчилиги ўлдирилди. Шу тариқа мўғулнинг кўп минг кишилик қоравули тор-мор келтирилди. Орқадан етиб келган бошқа қилемлари эса шаҳарга киришга ботина-олмадилар. Улар шаҳарни чор-атрофдан ўраб олиб, манжаниқ ва нафт андоzlардан уни бўмбардимон қилдилар. Уша куни ва эртасига қаттиқ уруш бўлди. Шаҳардаги кўп бинолар вайрон бўлди ва ёндириб юборилди. Лекин Самарқанд ва сарбадорлар таслим бўлмадилар. Урушнинг учинчи куни мўғуллар Самарқанддан чекиндилар. Тез кунда эса мамлакатни тамом бўшатиб чиқишига мажбур бўлдилар.

Лекин бу улуғ ғалабадан бошқалар хусусан, амир Ҳусайн фойдаланиб қолди. У ҳийла-найранг ишлатиб, сарбадорларнинг бошлиқларини қўлга туширди. Абубакр Қалавий билан Хурдак Бухорийни осиб ўлдириди. Мавлонозодани эса Темурбек дор остидан қутқариб қолди.

КЎЗ ҚЎРИБ, ҚУЛОҚ ЭШИТМАГАН ГАПЛАР

1365 йилнинг ёз боши эди. Чигатой улуснинг беклари қурултойга йигилдилар ва кўп талаш-тортишувлардан кейин Чигатой авлоди Дуржихонни таҳтга ўтқиздилар.

Амир Ҳусайн ниятига етолмагандан кейин мулозим ва аскарини олиб, Соли саройга кетиб қолди. Кўп вақт алам ичида, дарғазаб бўлиб юрди. «Э, аттанг, таҳт поясига икки қадам қолган эди·я, ўша пайтда! Агар Темурбек, Жоку барлос, амир Сайфиддинга ўхшаганлар қўллашганда Чигатой улуснинг инон-иҳтиёри унинг қўлида бўларди. Ҳаммасига ўша Темурбек айбдор! Ҳа, деб юборса нима бўларди?! Лекин демади. Чунки, аслида кўролмайди уни. Амир Ҳусайннинг бобоси амир Қазаған амир ул-умаролик мартабасини унинг аждодидан тортиб олгандан бери оралари бузилиб қолган уларнинг». Шу ерда амир Ҳусайн «жанг лой» ва ундан кейин содир бўлган воқеаларни эслади. 1365 йилнинг 22 май куни Чинос бўсағасида мўғуллар билан бўлган урушда у Темурбекни ёлғиз қолдириб, жанг майдонини ташлаб қочди. Кейин бўлса, Соли саройга қайтгандан кейин, Темурбекга хайриҳо бўлган амирларни ўлдириди. Булар дард устига чипқон бўлди. Икки ўртадаги зиддиятни чуқурлаштириди. Дарҳақиқат, ики қўчкорнинг боши бир қозонда қайнамас экан, аслида!

Амир Ҳусайн тиниб-тинчимади. Лекин курашда ифво, миш-миш тарқатиш усулини қўллади. Бу сафар у кўз қўриб, қулоқ эшиитмаган қабиҳ ишга қўл урди. Ўхон билан Темурбек орасига раҳна солди. Воқеа бундай содир бўлди. Амир Ҳусайннинг одамлари Самарқанд бозорида «бизлар Темурбекнинг фалон касга ёзган мактубини қўлга туширдик. Мактубда Тормоширинхоннинг қизи амир Ҳусайндан ҳомиладор эмиш, — деб ёзилган эмиш», — деган гапларни тарқатдилар. Ўша кунлари кимдир шундай мазмундаги хатни хоннинг эшик оғасига ҳам олиб бориб топширди. Дуржихон хатни Тормошириннинг беваси Ўрда хотиннинг қўлига берди. Ўрда хотин хатни ўқиттириб, бутун саройни бошига кўтарди.

Темурбек билан амир Ҳусайнни қарғаб-шилғаб, икка-лаларини ҳам тутиб келтириб, ясоққа етқазишни талаб-қилди. Хон тезлик билан Қеш билан Соли саройга ясовул жўнатмоқчи бўлди. Лекин, ўйланиб кўриб, фақат Темурбекни чақиртирди. Амир Ҳусайнни тутиб келиш фикридан эса қайтди. «Аввал обдон текшириб, ҳақиқатни аниқлайлик. Амир Ҳусайн қочмас!», — деди у вазири аъзамга. Аслида эса у Ҳусайндан умидвор эди.

Темурбек bemavrid чақириқдан бир қадар ташвишланди. Йўлда хон ясовулининг димоғдорлиги эса уни яна ҳам чўчитди. Бошига аллақандай фикр-хаёллар келди. Нима гап, ўзи? Қўп ўйлади, лекин бирон айби эсига тушмади. Чақириққа сабаб бўлган бирон нарса хотирига келмади. Темурбек, ясовул ва унинг одамлари қош қорайгандага кириб бордилар.

Аммо ўша кеч ва ҳатто эртасига ҳам, уни хон қабул қилмади. «Салтанат юмуши бирлан чақирилғонда, хон уни дарҳол қабул қиласди. Бу ерда бошқа гап борга ўхшайдур», — деган фикрга келди Темурбек. Хуллас. у бу чақириқдан яхшилик кутмади. Ақсинча, «Ҳа майли, — деди у пировардида, — ҳамма нарса Худодин. Бошга тушіганни кўз тортур. Пешонаға не битилғон бўлса шу бўлур. Тақдирдан қочиб бўлмас».

Индинига эрталаб, нонушта ва хонсаломдан кейин Темурбекни кўринишхонага етаклаб киришди. Хон ёлғиз эмас экан. Ёнида гердайиб Ўрда хотин ўлтирган экан. Ёши анчага бориб қолгани билан тетик эди бу кампир. Муҳими, хонга ҳукмини ўтказарди. Темурбек шундан чўчиди. Расм-одатга кўра у тахт пойига келиб тиз чўқди, хоннинг этагини юзига суртди. Сўнг туриб. орқаси билан юриб бориб, сал нарироқда тиз чўқди.

Хон «хўш, нима қилдик», — деган маънода Ўрда хотинга қаради. У индамади. Шундан кейин хоннинг ўзи сўз очди.

— Хўш, бек, аҳвол нечук? Кешда не гаплар бор?

— Тинчлик, аълоҳазрат. Сизнинг тахту давлатингиз соясида ҳаммаёқ тинчлик. Раият эртаю кеч дуо-йингизда.

— Шундай денг? Ҳаммаёқ тинчлик, денг?

Хон муғомбirona тиржайди ва Ўрда хотинга маънодор қараб қўйди.

— Ҳа, тинчлик. Сизнинг рааё ва бароёға кўргузазётғон ғамхўрлигингиз туфайли...

— Бас, етар!, — Ўрда хотин унинг гапини шартта.

жесди. — Яхшиси, эл орасида юргон миш-мишлардин сўзла! Ўзингни гўлликка солма, бек!

Ўрда хотин унга шу қадар қаттиқ тикилдики, кўзлари унинг кўксига наштар бўлиб қадалди.

Темурбек ўридан туриб, қўл қовуштируди:

— Иўқ, ҳазрати олиялари. Ўлимдин хабарим бор, миш-мишлардин хабарим йўқ.

— Кўй бу гапни, Темурбек! Ҳамма нарсани биласен. Ҳаммасини...

Ўрда хотин еб-ичиб юборгудай бўлиб унга тикилди. Сўнг қўшиб қўйди: «Ҳамма нарсани биласен. Фақат ўлимдин хабаринг йўқ». «Ўлим» сўзига алоҳида урғу берди у.

Хон ўлганнинг устига тепган қилди:

— Кўрийишидин саломатлигингиз ёмонға ўхшамайдур, Темурбек. Лекин, бир оз чарчағон кўринасиз. Кўнглингиз ҳам ғашга ўхшайдур...

Темурбек бу ва шунга ўхшаш пичинг гаплардан кейин ўрдага бемаврид чақирилганинг сабабларини англай бошлади. Ўрда хотиннинг «эл орасида юрган миш-мишлар» хусусида қилган гапларидан қандайдир иғвонинг қурбони бўлганини тушунди. Аммо сирни бой бермади. Ўзини дадил тутди ва хонга жавоб қилди:

— Иўқ, ҳазрати олийлари, ҳудоға шукр, соғ-саломатмиз. Ҳар қандай амр-фармонингизни бажаришга тайёрмиз. Буюринг, аълоҳазрат!

У ўридан турди ва икки букилиб, хонга таъзим қилди. Шу пайт Ўрда хотин ўгирилиб, хонга жиддий бир кайфиятда қараб қўйди ва «furсати келди, буюринг!», деган маънода ишора қилди. Дуржихон ўзини унинг гапини эшишмаганга солди, сўнг тўшакча қатидан тўрт буқланган қофозни олиб, Темурбекга узатди.

— Ўқингиз, бек. Ун чиқариб ўқингиз, биз ҳам эшитайлик. Темурбек хатни ун чиқариб ўқимади. Бир кўз юргуртируди-ю, хонга қайтариб берди.

— Бу разилликка бизнинг заррача дахлимиз йўқ, аълоҳазрат, ҳазрати олиялари!

Хон индамади. Лекин Ўрда хотиннинг жазаваси тутди.

— Шундай де? Заррача алоқанг йўқми? Тонма, бек. Елғон сўзлаш эр кишиға ярашмайдур. Бирорнинг жуфтити ҳалолини маломат қилишға уялмадингму, бено-мус!

— Бунақа ишдин ҳазар қиласмен, хон она. Ишонинг. Энди хоннинг жаҳли чиқди.

— Бундин чиқди ҳатни сиз ёзмағонсиз. Унда паштаму? У осмондин тушдиму, ё ер қаъридин чиқдиму?

Темурбек ўзини аввалгидай тутди. Совуққонлик билан жавоб қилди:

— Бу ҳатни мен ёзғон эрмасмей, ҳазрати олийлари. Керак бўлса қасам ичишга тайёрмен.

— Унда ким ёзғон, сизнингча? Ёзмағонингизга далил-исботингиз борму?

— Йўқ, далил-исботим йўқ. Аммо буни исботласа бўладур.

— Қандай қилиб? — Хон Темурбекдаги кайфиятни кўриб, таажжубланди.

Темурбек аввалгидай оғир-босиқлик билан жавоб берди:

— Девони расоилингизда улус ҳокимлари ва бошқа мамлакат ҳукмдорларидин келғон мактублар бор. Муншийларингиздин биронтасиға буюринг, ушбу мактубни ўша мактублар бирлан солиштирсунлар. Калаванинг учи чиқиб қолар, чиқмаса...

— Унда нима қиласиз? Сиз айтғон калаванинг учи чиқмаса?

— Унда не ҳукм қилсангиз, бош эгурмиз.

Темурбек бошқа ҳеч нима демади. Бунинг энди фойдаси йўқ эди. Ҳамма нарса худодан. Хон ҳам бошқа бир сўз демади. Бироздан кейин хон мирзабошини чақириб, унга мактубни берди.

— Обдон текширингиз. Жавоби эртадин кечга қолмасун!

— Бош устиға, олампаноҳ!

Мирзабоши чиқиб кетгандан кейин хон Темурбекга ҳам ижозат берди. Сўнг ясовулбошига «унга кўз-қулоқ бўлиб туринглар!»,—деб буюрди.

Эрта ўтиб индинга Темурбекни яна хоннинг ҳузурига чақиришишди. Бу сафар унинг чеҳраси очиқ ва нимадандир хурсанд эди. Одатдаги салом-аликдан кейин эшик олдида қўл қовуштириб турган эшик оғога буюрди:

— Темурбекка бир кимхоб тўн, бош-осқ сарупо олиб чиқ!

Хон Темурбекка бошқа бир нима демади. Унга юртига қайтишига ижозат берди.

Кейин маъдум бўлдики, ўша мактубни, Темурбек ўйлагандай, бошқа киши—амир Ҳусайн ёзган экан. Хон унинг орқасидан Соли саройга ясовулбошини жўнатди..

ДАРВЕШЛАР

1367—1369 йиллари амир Ҳусайн билан Темурбек ўртасидаги муносабатлар оғир кечди. Амир Ҳусайн ўртада тузилган сулҳга риоя қилмади ва Темир қопуғнинг шимолидаги вилоятларга: Насаф, Кеш, Самарқанд, Бухоро, Ҳўжанд ва ҳатто Фарғонага ҳам кўз олайтириди. Темурбекни йўқ қилиб, бутун Чигатой улусини ўзига бўйсундириш пайига тушди.

Хулласи калом, охири иккала тараф ҳам лашкар йигишга жон-жаҳди билан киришди. Темурбек бунга мамлакатнинг шимолий ва шарқий ҳудусларини мустахкамлашни баҳона қиласа, амир Ҳусайн Бадаҳшон шоҳлари, Қобул ва Қандаҳорда турган амирларнинг бўйин товламачилигини сабаб қилиб кўрсатарди. Лекин иккалаларининг ҳам амирлари орасида яқдиллик йўқ эди. Шунинг учун ҳам улар бирдан уруш бошлолмай ўлтиришди. То 1370 йилнинг баҳоригача икки ўртада бордикелди бўлиб турди. Икки тарафнинг элчилари бўзчининг мокисидай Балх билан Қеш орасида қатнаб турдилар.

Хижрий 771 йил шаъбон ойининг ўрталари (1370 йил 13 март) эди. Темурбек амир Жоку барлос, Сайфиддин барлос ва Аббос баҳодирни бирдан ҳузурига чорлаб қолди. Дуои—фотиҳадан кейин улардан ҳол-аҳвол сўради, сўнг лашкар ва амирларнинг кайфиятини суриштириди. Одатда катта юришлар олдидан шундай қиласарди у. Буни амирлари яхши билишарди. Шунинг учун ҳам тасодифан қилинган чақириқдан таажжубланимадилар.

Лекин, асосий гап эртаси куни, ҳамма кенгашга тўплланганда айтилди.

— Балхдин хабар бор, — деди Темурбек кенгашни бошлар экан. — Маълум бўлинича, амир Ҳусайн рамазони шарифни ўтказиб, Мовароунаҳр устиға юриш бошламоқчи эрмиш. Ҳўш, нима қилдик? Муҳтарам амирлар ваbekларнинг бу хусусдаги фикрлари қандай?

Темурбек йигилганларнинг юз-кўзига диққат билан

разм солдй. Лекин ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳатто Олий ўрдуда катта ҳурмат—эътиборга эга бўлган Жоқу барлос, амир Сайфиддин, Сор Буғо ва Аббос баҳодир ҳам бирон фикр айтишга ботинолмадилар. «Ҳа, тинимсиз урушлар ҳамманинг жонига теккан,— деди Темурбек,— нима бўлса ҳам шу охиргисига туриб берсалар бўлди». Орага тушган чуқур сукунатдан кейин Темурбек яна амирларининг юзига тикилди. Унинг кўзларидан ўтинч ва ёлвориш аломатлари сезилиб туарди. Шундан кейин ҳам ҳеч ким чурқ этмади. Амирларнинг меҳрсиз ва қаҳри қаттиқлиги амирзодаларга, айниқса Жаҳонгир билан Умар Шайхга тегиб кетди. Улар шиддат билан ўринларидан турдилар ва отасига чуқур таъзим қилдилар. Амирзода Жаҳонгир сўз бошлиди:

— Отажон, буюринг, ҳар қандай амр-фармонингизга тайёрмиз!

— Ҳали жонимиз битта эркан, мингта бўлғонда ҳам сиз учун фидо қилурмиз,— деди Умар Шайх мирзо.

Шундан кейин беклар бир қадар юмшадилар. Бирин-кетин ўринларидан туриб, Темурбекка қуллуқ қилдилар. Темурбекнинг кўнгли ёришгандай бўлди. Ўғилларининг фидойилиги ва амирларининг садоқати уни тўлқинлантириб юборди. У ҳатто кўзига ёш олди. Бу нарса энди бўлаётгани йўқ. Ҳар сафар, вазият оғир бўлганда, шундай бўларди, ўзи. Шундай қилиб, ўша кунги кенгашда амир Ҳусайн устига юриш бошлашга қарор қилинди.

— Шундай бўлгани маъқул,— деди Жоқу барлос Темурбекнинг ҳузуридан чиқаётиб Аббос баҳодирга,— Қашқирни инида босган дуруст...

Балхга юриш бошланди. Йўл-йўлакай теварак—атрофнинг қўшини келиб Темурбекка қўшилди. Лашкар Айвож кечувидан ўтди. Хулмга етганда эса амир Ҳусайннинг Қундуздаги ноibi амир Ўлжойту ва Бадахшон водийсидан Шоҳ Муҳаммад ҳам келиб унга қўшилдилар. Бир-икки кундан кейин Олой тарафдан амир Қайхусрав ҳам одамлари билан келди. Темурбек ийди рамазонни. Элбурз тоғининг кунботар тарафига жойлашган Элбурз қалъасида қарши олди. Шу ерда ҳайитнинг иккинчи куни қурилтой чақирилиб, Чигатой наслидан бўлган Суюргатмиш ўғлон хон этиб сайданди. Амир ва саййидзодалар: саййид Барака, Абулмаолий

Худовандзода, Али Акбар тожу-тахтга Темурбекнинг ўзини муносиб кўрдилар.

— Йўқ, — деди Темурбек қатъият билан, — Суюргатмишхон Чингизхон авлоди эрур. Биз эрсак қорасуякмиз. — Шундай деди-ю, тўғри бориб, Суюргатмиш ўғлонни даст қўлтиғидан олди ва олиб бориб оқ қигизга ўтқазди. Қигизнинг бир учини Темурбекнинг ўзи тутди.

Қурултойнинг эртасига Темурбек қўшинларни Балҳ устига етаклади. Лашкар шаҳарни чор атрофдан қуршаб олди. Лекин қамал жанглари кўлга чўзилмади. Бор-йўғи икки кун давом этди, холос. Шаҳристон ишиғол этилди. Лекин амир Ҳусайн турган ички қалъани олиш қийин бўлди. Орадан яна икки кун ўтгач, қалъадагиларнинг аҳволи оғирлашиб қолди. Ҳеч қаёқдан ёрдам келмади. Бунинг устига амирлар орасида бузилиш бошланди. Амир Ҳусайнни бандга олиб, рақибиға топшириш пайига тушиб қолганлар ҳам бўлди. Бундай шаронтда амир Ҳусайн нима бўлса ҳам жонини омон сақлаб қолишни ўйлади. «Менга на тожу тахту ва на мансаб керак эмас, энди. Жоним омон қолса бас!», — деди у ўз-ўзига ва яна сулҳга майллик кўрсатди. Ва ўша куниёқ Темурбекнинг олдига сулҳ сўраб, ўғли Хонд Сайдин юборди. Ёнига йирик амирлар ва уламодан қўшди. Амир Ҳусайн сулҳ бўлишига ишонди. Чунки, Темурбекнинг бағри кенг, кечиримли одамлигини яхши биларди. Ундан ташқари, элчиликка Хонд Сайдин юборяпти. Наҳотки туғишган жиянига йўқ деса? Темурбекнинг қариндошжонлигини ҳам билади. Ва яна ҳамма мансаб ва мартабалардан кечиб, ҳаж зиёратига кетмоқчи...

Темурбек сулҳ хусусида кенгаш чақирди.

— Ҳусайнбек ортиқча қаршилик кўреатиш фойда-сиз эрканлигини англабдур. Сулҳ сўраб нома бирлан элчи юборибдур, — деди у тўғланганларга.

Одатдагидай ҳеч ким биринчи бўлиб фикр айтишга журъят қилмади. Шундан кейин Темурбек ўиг тарафида ўлтирган пирига мурожаат қилди:

— Пирим, не қилайлик? Маслаҳатингизга муштоқмиз.

Саййид Барака бир зумерга қараб индамай ўлтиргди. Сўнг бошини оҳиста кўтариб, руҳонийларга хос вазминлик билан деди:

— Мўмин-муғулмоннинг бир-бирига кина-қудрат

сақлаб юриши, ехуд бир-бирининг қонини түкиши ғуноҳу азим ҳисобланадур. Бош эгиб сулҳ сўрагон эркан, уни кечирган маъқул.

Пир шу ерда тўхтаб, у ёқ-бу ёғига назар ташлаб олди. Лекин муҳим бир гап айтмади. «Яна иҳтиёр ўзларида», — деб қўшиб қўйди.

Лекин мажлис аҳли бунга «ҳам демади, «йўқ» ҳам. Темурбек эса бошда пирининг мақсадини англаб, унга мойиллик қилди. Этилган бошни кесадиган одати йўқ эди унинг. Аммо, ким билсин яна? Бугун сулҳ тузиб олиб, эртага қанақа каромат кўрсатади бу одам. Ҳусайнбекнинг бунақа сулҳларини, ҳатто, аҳду паймон ва қасам билан мустаҳкамланганларини ҳам, бузгани кўп бўлган. Темурбекнинг боши қотиб, ўйланиб қолди. Шу ерда раҳматлик отасининг бир гапи эсига тушди. Тарагой баҳодир бир кун ўғлига бундай деган эди: «Сенга ёмонлик қилган, макру ҳийла ишлатиб, ўлдиromoқчи бўлган бўлса ҳам, жангоҳда бошингга қилич кўтарган бўлса ҳам, кейин бош эгиб ҳузурингга келса, уни кечир». Шуни ўйлаб, у бир қадар юмшади. Инсонпарварлиги уйғонди, олийҳимматлиги тутди.

— Пиримизнинг азму қарори шул эркан, — деди у охири мажлис аҳлига мурожаат қилиб, — майли, Ҳусайнбекнинг гуноҳидин ўтдик.

Эртаси куни эса элчиларни чақиртириб, Хонд Сайдга «Отангизнинг гуноҳидин ўтди, амирзода. Ҳеч хавотир олмай Олий ўрдуга келаверсинлар», — деди.

Элчилар шаҳарга қайтиб келишгач, амир Ҳусайн ўша тобдаёқ Темурбекнинг ҳузурига боришга қарор қилди ва икки эски мулозими ва навкарларини олиб ўйлга чиқди. Лекин, Ҳожа Рушнойй кўчасига борганда, уни ваҳима ва қўрқув босди. Темурбек уни кечирмаса-чи? Дарҳол жаллоднинг қўлига топширса-чи? Шуларни ўйлаб, инятидан қайтди. Отининг жиловини масжиди жомеъ тарафга қараб бурди.

Амир Ҳусайн ўша кечани масжид ёнидаги хонақоҳда ўтказди. «Парвардигори оламнинг қарами кенг. Лутфу эҳсони чексиз. Тонг отсин-чи, яратган этам ўзи йўл кўрсатар», — деди у ўз ўзига. Лекин, ўша кечанинг ўтиши жуда қийин бўлди. Мижжак қоқмай хонақоҳнинг шипига термилиб ётди. Намози бомдодни шу ерда ўқиди. Шу ерда тунаб қолган мусофиirlар билан бирга ионушта қилди. Сўнг хонақоҳдан чиқиб, Ҳиндувон дарвозаси тарафга қараб йўлга тушди. Хулм тарафга шу

дарвоза орқали бориларди да. Лекин, хонақоҳ ёнида хунук бир воқеа юз берди. Муюлишдан чиқиб қолган дарвеш либосидаги одам уни таниб қолди.

— Ассалому алайкум, бек! Йўл бўлсун?

— Кимсиз? Худо ҳаққи, мен сизни таниёлмай турибмен.

Амир Ҳусайнни ваҳима босди. Ким бўлди, бу одам? Нега мана шу ерда пайдо бўлди? Теварак-атрофни кўздан кечирди. Ҳеч кимса йўқ. Нима қилса экан? Ўлдирсаммикин, уни? Бунга қурби етади. Ёнида қуроли, шериклари бор. Лекин қўли бормади. Ваҳима ва қўрқув унинг тамом вужудини чулғаб олган эди.

Дарвеш унга яна бир-икки дақиқа тиқилиб турди, сўнг «маъзур тутсунлар, тақсир, балки янгишгандурмиз», — деди-ю, унга чуқур таъзим қилиб, Ҳиндувон дарвозасига қараб кетди.

Амир Ҳусайн ҳақиқатан ҳам қўрқиб кетди. Дарвеш либосидаги бу одамни илгари қаердадир кўрган. Лекин қаерда? Буни эслолмади. Нега у сирли бир оҳангда «балким янгишгандурмиз», — деб қўйди. Йўқ, бунда бир сир бор. Албатта бор, дарвеш бу ерда бекоргра пайдо бўлмаган, ўзи. «Уни ҳозироқ қайтариш керак. Гаплашиб олиш керак у билан», — деди амир Ҳусайн ичиди ва «дарҳол қайтариб келинглар», — деб икки навкарини унинг орқасидан жўнатди. Ўзи эса қайтиб хонақоҳга кирди. Дарвешни шу ерда кутди.

Амир Ҳусайннинг мулозимлари ҳалиги дарвешни мақбарати Иброҳим Адҳам ёнидан топдилар. Ўзига ўхшаган бошқа бир дарвеш билан гаплашиб ўлтирган экан у.

— Қани турсинлар, тақсир. Сизни бек жаноблари йўқладилар. — Навкарлардан бири уни қўлтиғидан олиб тургизди...

Амир Ҳусайн минг бир хаёлга бориб ўлтирган эди, дарвешни кўриб суюниб кетди. «Ҳайрият, узоққа кетмаган экан», — деб шукр қилди.

— Марҳамат, ўлтирсинлар, тақсир. — Амир Ҳусайн дарвешга қаршисидан жой кўрсатди. Амир Ҳусайн ўй сурди: Борди-ю Темурбекнинг ҳуфяси бўлса-чи? Нима бўлса ҳам иложини қилиб у билан тил топишшиб олади. Олтини бор-ку, ахир. Олтиннинг кучи эса маълум. У ҳамма нарсага қодир. Амир Ҳусайннинг ишончи комил. Энди ишқилиб дарвеш билан тил топишса бас.

Дуойи фотиҳадан кейин амир Ҳусайн мулозимларий ва навкарларига «бизни холи қолдириинглар!», деб ишора қилди. Улар чиқиб кетишгандан кейин дарвеш билан амир Ҳусайн бир муҳлат бир-бирларига узоқ тикилиб жим ўлтиришиди. Шу аснода амир Ҳусайн ҳартурли ўйга борди: «Нима қилсан экан, уни? Үлдирсаммикин? Ё олтин берсам, кўнармикин?» Дарвеш ҳам анойилардан эмасди. Қуролланган. Ҳушёр. Ҳамма нарсаға шай бўлиб ўлтиради.

Хуллас, амир Ҳусайн пора бериб қутулиш йўлини қўзлади. Ва қўлидаги қимматбаҳо узуклардан бирини ечди ва қўйнидан бир халта ақчани олиб қўшиб, дарвешга узатди:

— Олинг, тақсир буларни. Бир кунингизга яраб қолар.

Дарвеш шошиб-пишиб унинг қўлидан узук билан халтани олди ва апил-тапил киссасига уриб, олийҳиммат бу одамга қуллуқ қилди:

— Раҳмат, тақсир! Сиз бизга бирни бердингйиз, Тангри таолло сизга мингни берсун! — У қўлини кўтариб валенеъматини узундан-узоқ дуо қилди.

Амир Ҳусайн хотиржам бўлди. Дарвеш ришватни олди. Нажот йўли очилгандай бўлди энди. У дарвешга тик боқди:

— Туя кўрдингму?

— Йўқ, жаноб?

— Боракалло, киссангдагилар бирлан Маккатиллога уч марта бориб келсанг бўлади.

— Куллуқ, жаноб!

Амир Ҳусайн дарвешга яна бир марта тик боқди. Сўнг чап қўли билан оҳиста соқолини силаб қўйди. Бу «оғзингдан гуллаб қўйсанг, кўрадиганингни кўрасан!», — дегани эди. Дарвеш огоҳлантиришни уқди ва қўлларини кўксига қўйиб: «Йўқ, жавоб, ўлибманму», — деди.

Шундан кейин дарвеш хайр-хўлашиб, хонақоҳдан чиқди.

Амир Ҳусайн дарвеш чиқиб кетгандан кейин яна ўйга ботди. У ким бўлди, ўзи? Илгари уни қаердадир кўрган. Лекин, қаердалиги эсига тушмади. Кейинги йиллари бўлиб ўтган воқеаларни бирин-кетин эслади. Лекин, барибир, дарвешнинг кимлигини билолмади. Сўнг, навкарларидан бирини чақириб буюрди:

— Унга кўз-қулоқ бўлиб юр! Соясини ўзингдин қочирма!

— Ҳўп, бўлади, жаноби олийлари.

Навкар шу заҳотиёқ дарвешнинг изидан тушди. Қаёқса борса, ўша ёқса борди. Лекин, Чорсудаги Исмоил арманининг қаҳвахонасига борганда уни кўздан қочирди. Кўп қидирди. Уни қаҳвахонадан ҳам, бозордан ҳам топмади. «Худо урди мени. Энди бек жаноблариға нима дейман?» Навкар умидини узиб, саҳҳофнинг дўкони олдида турган эди, дарвеш «лип» этиб Тоқи заргарондан чиқиб қолди. «Ҳайрият, — деди навкар, — Худога айтганим бор экан!». Яна дарвешнинг изидан тушди. Лекин, кўп ўтмай уни яна йўқотиб қўйди. Навкар қидира-қидира уни илгари кўрган ерга — мақбараин Иброҳим Адҳам ёнига борди. Лекин у ердан ҳам топмади, уни. Мақбара ёнида ўлтирган шериги ҳам қаёқсадир ғойиб бўлибди...

Аслида ҳар иккала дарвеш ҳам амир Кайхусравнинг ҳуфялари эди. Амир Ҳусайн билан кўришган дарвеш хонақоҳга бормасдан олдин шу ерда бўлиб, боргани шеригига айтган экан. У эса зудлик билан Олий ўрдуга бориб, бундан Кайхусравни хабардор қилди. Кайхусрав тезлик билан ўн-ўн икки йигитни дарвеш қиёфасига киргизиб, Балх қўргонига жўнатди.

— Уни тириклайн тутиб келинсун! — деб буюрди амир Кайхусрав «дарвеш»ларга.

... Амир Ҳусайн юз берган воқеани англааб тамом кайфияти бузилди. Дарвеш Темурбекнинг одами эканига энди шубҳаси қолмади. У шошиб-пишиб масжиди жомеъга борди ва унинг минораси ичига яширинди. «Энди бу ердин тополмайдилар», — деб ўйлади у. Бирмунча вақт минора ўртасида, зинада ўлтирди. Ташвиш, ваҳима кишини бетоқат қилиб қўяркан. Охири бўлмади ва миноранинг тепасига чиқиб, теварак-атрофга назар ташлади. Бирдан кўзи Дарвозайи ислом тарафдан келаётган дарвешлар тўдасига тушди. «Дарвозада турган посбонларга жин урдиму, ўзи! Нима учун уларни шаҳар ичкарисига киритдилар», — деди у дарғазаб бўлиб. Лекин шу ондаёқ эсига тушди: ахир дарвеш халқи-эркин халқ. Қаёқса бораман деса, ихтиёри ўзида. Йўлини ҳеч ким тўсмайди. «Ё, ҳу ё Оллоҳ. Ҳақ дўст, ё, Оллоҳ!» — деб истаган тарафиға кетаверади. Амир Ҳусайн анча вақтгача уларни кузатиб турди. Дарвешлар эса ҳеч қаёқса қайрилмай тўғри масжидга қараб келардилар. Амир Ҳусайн уларнинг шунчаки жўн дарвешлар эмаслигига шубҳаси қолмади энди ва шошиб-пи-

шиб минорадан тушиб, ўзини таҳоратхонага олди... Лекин бу ерда ҳам қутилиб қололмади. Дарвешлар уни барибир тутиб олишди.

Амир Ҳусайн нима дейишини билмай, қалт-қалт титраб туради. Унинг бир пайтлар одамлар тик қарашга ҳайиққан ўткир кўэллари энди дарвешлардан меҳр-шафқат тилаб, мўлтираб туради. Шу пайт дарвешлардан бири хуржунидан қоп билан арқон олди, иккинчиси ҳирқасининг пешини кўтариб, шопдай пичогини қинидан сугирди. Амир Ҳусайнинг аъзойи баданини титроқ босди. Тиз чўкиб дарвешларга ёлворди:

— Нима қилсангиз майли, розимен. Фақат ўлдирманглар. Шафқат қилинглар.

— Бунақа зилдек махлуқни кўтариб юрамизму. Бoshини олиб борсак бўлди-да, — деди ҳалиги пичноқ яланғочлаган дарвеш.

— Рост айтасен, Султон Али, — деди қоп кўтаргани.

— Қопга солиб орқалаб олганимиз билан кўча-кўйда «бу нима?», деб миршабнинг одами суриштириб қолади. Унда нима деймиз?

— Дарвозадан ҳам олиб ўтолмаймуз уни, — деди яна биттаси.

Дарвешлардан бири бирдан уларни тўхтатди:

— Шошманглар, биродарлар, бунинг чораси бор. Ахир тирик тутиб келтирилсун, деб буюрган-ку, — деб қолди Тўлан жарчи.

Нимани топди экан, деб ҳамма ҳайрон бўлиб Тўлан жарчига тикилди. Тўлан жарчи қўлтиқлаб олган тугинни ерга қўйди ва шошмасдан ечиб, ундан ғарип бир дарвеш ҳирқасини олиб, амир Ҳусайнга узатди.

— Буни кийиб олинг, аълоҳазрат. Фақат тезроқ. Фурсатимиз йўқ.

Амир Ҳусайн тирик қолганига шукр қилди ва апилтапил ҳирқани кийди.

— Э...э...ярашди. Муборак бўлсун!

— Худди ўзи бўлдилар-қолдилар.

— Кечагина улуснинг улуғ зотларидин эрдилар. Бугун эрса бизга ўхшаб дарвеш! Ҳа-ҳа-ҳа!

Амир Қайхусравнинг «дарвеш»лари уни ўртага олиб, Темурбек билан Тормоширининг қароргоҳига қараб йўл олдилар.

— Ё ҳу, ё Оллоҳ! Ҳақ дўст, ё Оллоҳ!

«ШАҲАРНИ ҚАЙТАДИН ТОШДИН БУНЁД ЭТУРМИЗ»

Амир Ҳусайн йўқ қилингандин кейин, июн ойи охирларида, Темирбек билан Суюргатмишхон аскарни олиб, Мовароуннаҳрга қайтишиди. Балх ва унга қарашли ўлкаларга Мурод барлос ҳоким этиб тайинланди.

Улуғ амир билан хон ўшанда Қашқадарёнинг хушманзара жойларидан Хушмиш марғузорига келиб қўндилар ва ёзни ўша ерда сайру саёҳат билан ўтказдилар. Бир ҳафта ортиқроқ вақт шу зайлда кечди. Лекин хон ҳам, улуғ амир ҳам давлат ишларидан сўз очмадилар. Хон улуғ амирнинг оғзини пойлади. Улуғ амир эса бу хусусда биринчи бўлиб бир нима дейишдан ўзини тийди. Чунки, нима бўлганда ҳам хон-хонда! Элъортнинг ион-ихтиёри унинг қўлида. Сирасини айтгандা, у Худонинг ердаги сояси.

Шунга қарамай, давлат ва сипоҳни қайта қуриш, вайрон бўлиб ётган шаҳарларни тиклаш ва обод қилиш масалаларини Темурбек бир дақиқа ҳам хотиридан узоқлаштиrmади. Шулар ҳақида доимо ўйлаб юрди. Яқин орада қиласиган ишларини бир қадар режалаشتариб ҳам қўйди. Лекин, хондан андиша қилиб, бунга бир ўзи қўл уришга ботинмади.

Бир куни, хонсаломдан кейин, Суюргатмишхон ҳаммага ижозат берди-ю, лекин Темурбекни ҳузурида олиб қолди. Бир фурсат у ёқ-бу ёқдан сўзлашиб ўлтиришди. Сўнг унга мурожаат қилди:

— Бек ҳазратларининг кўнглидин кечиб турғон фикрларини сезиб турибмиз. Мамлакат ва салтанат ташвишлари... Бизнинг хусусимизда ортиқча андишаға бормасунлар. Асло. Чунки аларнинг оғирлиғи барибир улуғ амирнинг зиммасига тушадур. Мана, улус туғроғини жетеликларнинг зулмидин халос қилдингиз. Бекларнинг бебошлигини бартараф этдингиз. Элъорт тартиб-интизомға келиб қолди. Чигатой улуси аввалғи аслига қайтиб ҳам қолур. Балким ундин ҳам зиёда бўлур, иншоолло! Аларнинг барчаси сизнинг саъй-ҳаракатингиз, ақлу заковатингиз орқасидин бўлур, бек, ҳазратлари. Шунинг учун дилингиздоғини айтинг. Тортинманг, бек. Сиз ёмон ишға қўл урмаясиз. Асло. Бизга бу аён. Инчунун, мамлакат ва салтанат хусусидағи барча режаларингизга қарши туратурғон еримиз йўқ.

Суюргатмишхон бу гапларни шунчаки кўнгил ис-

таб эмас, балки дилдан айтаётгани унинг юз-кўзларидақ аён бўлиб турган эди. У салтанатнинг барча юмушла-рини мана шу оғир-босиқ, ақл-фаросатлик, довюрак ва ишнинг кўзини билган одамнинг зиммасига ортаётган эди. Бунга Темурбекнинг ўзи ҳам ишонч ҳосил қилди. Лекин бу гаплар икки кишининг ўртасида бўляпти. Гувоҳсиз. Яна ким билади, у эртага, ё индин айниб қол-масмикин? Темурбекнинг кўнглидан шу фикр ҳам кечди. Қани энди, хон шу гапларини кўпчиликнинг олдида, масалан, кенгашда айтса... Шундай бўлса ҳам Темурбек хонга зўр ишончи учун миннатдорчилик билдириди ва мамлакат ва салтанат олдидаги долзарб ишларни ҳал қилиб олиш учун кенгаш чақириш масаласини ўртага ташлади.

— Эртадин қолдирмайин қилинатурғон зарур ишлар бор, хон ҳазратлари. Амирлар ва бекларни йиғиб, кенгашиб олсакмикин?

Темурбек хонга кўз остидан назар ташлади. У Темурбекни не дер экан, деб ҳушёр ўлтирган экан, кўзларида ҳадик аломатлари пайдо бўлди. «Нима, ишонмадими? Нега яна кенгаш? Бошқа гап йўқмикан, ўзи?», деган хаёл кечди унинг кўнглидан. Темурбек индамади. Хон қаттиққўл ва бир сўзлик бу одамга бошқа бир нима дейишига ботинмади. Ниҳоят, «Нима бўлса худодин», деди у ичида ва Темурбекка кучсиз бир оҳангда деди:

— Майли, бек ҳазратлари кенгашни ихтиёр қилғон эрканлар, бўлақолсун.

Шу тариқа улар кенгаш чақиришга қарор қилдилар.

Кенгаш эртаси ўтиб индинга, жумъя куни чақирилди. Унга беклар ва амирларнинг барчаси тўпланди. Лекин яна аввалги вазият. Хон ҳам, улуғ амир ҳам мажлисни очишга ботинолмадилар. Уртага сукунат чўкди. Амир Сайфиддин Жоку барлосга маънодор қараб қўйди. «Сиз ёши улуғимизсиз. Ҳеч бўлмаса сиз жазм қилинг», — демоқчи бўлди. Жоку барлос уни англади ва хон билан Темурбекка мурожаат қилди:

— Ҳамма йиғилди, чамаси. Бошлисак ҳам бўлар.

Хон бош иргаб, маъқуллади, сўнг «ўзингиз бошланг» деган маънода ўнг тарафида ўлтирган Темурбекга қарди. Темурбек қўл қовуштириб, унга миннатдорчилик билдириди ва «ўзлари бошлаб берсинлар», — деб ишора қилди.

— Биз улуғ амир иккимиз, — деб сўз бошлади хон, ўтган куни мамлакат ва салтанат ишлари хусусида

маслаҳатлашиб олғон эрдик. Шу хусусда сизларнинг ҳам маслаҳатингизни олмоқчаймиз.

Шу ерда хон «бу ёғини ўзингиз бошқараверинг», деган маънода Темурбекка бир қараб қўйди. Хон иҳтиёри унга ўзи бериб қўйгандан кейин буёғига эътироозга ўрин йўқ. Темурбек мажлис аҳлини бир-бир кўздан кечиргандан кейин муддаони баён қилди:

— Эл-юрт мӯғулдин халос бўлди. Амир Ҳусайн бирлан бебош беклар оролдин кўтариб ташланди. Энди тез фурсатда мамлакат ва салтанатни интизомға келтирилмаса бўлмайдур. Чунки ғанимлар теварак-атрофдин пойлашиб турибдилар. Қалъалар ва шаҳарлар эрса Чингизхон хуружидин бери вайрон бўлиб ётибдур. Тез орада бунинг чора-тадбири кўрилмаса, яна босқина қолишимиз икки эмас...

Темурбек давлат тизимини шакллантириш, шаҳар ва қалъаларни таъмирлаш ва тиклаш хусусида ўз режаларини ўртага ташлади. Сўнг маблағдан сўз очди:

— Қалъаларни таъмирлаш ва мустаҳкамлашга ҳозирча ақчамиз йўқ. Чунки, ҳали хазинанинг ўзи йўқ. Бу ишни шахсий маблағимиз ва ҳашар йўли бирлан бажаришимиз зарур, жаноблар.

Бир оз кечган сукунатдан кейин Темурбек яна сўзида давом этди:

— Хон ҳазратлари билан келишиб, оғамиз Жоку барлос ва мўътабар амирлардан Сайфиддин бирлақ Искандарни туманбоши, Ардашир қавчинни тавочигирлик лавозимига тайинлашга қарор қилдик.

Шу ерда у бошқа туманбоши, мингбошилар, юзбoshi ва ўнбошиларни ҳам номма-ном айтди. Кейин у яна бир янгиликни мажлис аҳлига эълон қилди.

— Урф-одат бўйича лашкар ҳарбий юришлардин кейин уй-уйига қўйиб юборилур эрди. Үрдугоҳ эрса деярли лашкарсиз ва қўриқчисиз қоларди. Худо кўрсатмасин, душман кўз оғриғидай бирдан пайдо бўлиб қолса, ўрдугоҳнинг аҳволи не кечур? Лашкар йигиб келини учун эрса фурсат керак. Хон ҳам асир олинади, ҳукумат ҳам. «Подшоҳсиз салтанат эрса бошсиз танадур». Шунинг учун қорвул қисмни кучайтириш, онинг умумий сонини кам деганда йигирма минг кишига етказиш лозим. Ва яна ўн минг кишилик мунтазам бир ҳарбий қисм ҳам тузиш даркор. У доимо пойтахт, ёки ўрдугоҳга яқин бир жойда турсун. Ва подшоҳнинг иҳтиёрида

бўлсун. Ундан оғир пайтларда, уруш тақдири ҳал бў-турғон пайтларда фойдаланиш мумкин. Бу жуда зарур, жаноблар.

Темурбек армияни қайта қуриш борасида яна биринкита фикр айтди. Амирлар бошда ажабландилар. «Қадимдин қолган урф-одат ва тартибларга ўзгартиришлар киритишга не ҳожат бор эркан?», — деб таажжубландилар. Кейин, ўйлаб кўриб, охири кўндила.

Шундан кейин бўлажак давлатнинг пойтахти масаласи кўрилди. Лекин унинг ҳал қилиниши осон кўчмади. Жоқу барлос «пойтахт Қарши бўлсун», — деб туриб олди. Хон ҳам шунга тарафдор экан, «Қарши» сўзини эшишиб, кўнгли ёришиб кетди. Элчи Буғо Кешни тандади. Темурбекнинг кўнглини топмоқчи бўлиб шундай қилди, чамаси. Ахир, Кеш унинг ота юрти эди-да! Элчи Буғо Темурбекнинг кўзларига тикилди. Лекин мойиллик аломатини сезмай, бир оз хижолат бўлди.

— Самарқанд, — деди Темурбек бошқа фикр айтивчилар бўлмагандан кейин, — қадим замонлардин бери Туркистон заминға пойтахт бўлиб шелған. Искандар Зулқарнайн ҳам уни пойтахт қилғон эрди. Фикри ожизимизча, Самарқандни салтанат пойтахти қилғанимиз маъқул, жаноблар. Шундай эрмасму?

Темурбек хонга қайрилиб қаради. У ноилож рози бўлди. Бош амирнинг раъйини қайтаришни истамади. Сўнг Темурбек сўзида давом этди:

— Самарқанд Чингизхон хуружидин бери ярим вайронага айланиб ётибдур. Халқининг қарийб ярми кўп йиллардин бери давом этиб келаётғон уруш-талошлар оқибатида теварак-атрофға кўчиб кетғон. Азиз-авлиёларнинг мозорлари ҳам бузилғон. Шаҳарнинг хосори ва деворлари ҳам йўқ. Шаҳристоннинг олти дарвозаси ҳам йиқилуб ётибдур. Буларни тез фурсат ичидан тиклаш ва янги иморатларни бунёд этиш лозим. Бу иш тепасига жаноби амир Довудни қўйсак. Теварак-атрофға тарқалиб кетғон самарқандликларни йиғиб келишни ҳам амир Довуднинг зиммасига юкласак.

Темурбек яна хонга қаради. Суюргатмишхон бош ирғаб, улуғ амирнинг аҳдини маъқуллади.

— Самарқанд лойдин бино қилинғонлиги сабабли ҳам бузилишга юз тутди. Биз уни тошдин бунёд этурмиз, душман қўли бошқа унга етмасун, — деди Темурбек кенгаш поёнига этиб қолай деганда.

«ТҮХТАМИШ ЎҒЛОН ИЛГАРИ БИЗГА ҮФИЛ МАҚОМИДА ЭРДИ»

Кейинги йилларда Түхтамиш ўғлон яна ғимиллаб қолди. Амир Темур Қорабоғда турганда у катта қўшин билан келиб, Туркистоннинг шаҳар ва қишлоқларини босди. Бир сафар Хоразм ҳокими Ҳусайн сўфи билан қўшилиб Бухоро, Қоракўл атрофидаги ерларга бостириб кириб, халқни талади. Ўшанда Қозонхоннинг Занжир саройини ёқиб юборди. Ҳазрат соҳибқирон Мавроунаҳрда бўлганида эса у Озарбайжонга бостириб кириб, унинг шаҳар ва қишлоқларини талон-тарож қилди. Бир сафар у Табризни ҳам босиб олди.

Энг даҳшатлиси шу бўлдики, у Қора Юсуф ва Малик Барқуқ билан Амир Темурга қарши иттифоқ тузиш пайига тушди. Шу сабабдан ҳазрат соҳибқирон ўша йили Озарбайжонда қолди ва 1394-95 йил қишини Қорабоғда ўтказди.

— Не қилмишимиз учун бу баттол кўпдин бери бизга ёвлик қилиб қолди? — деди Темурбек бир куни кечқурин ўзи ёлғиз қолганда. — Ахир бир замонлар, сарсон-саргардон бўлиб юрганида, ҳимоямизга олғон эрдик-ку, уни! Оқ ўрда тахтини Ўрусхондин олиб берган ҳам биз эдик-ку! Шу ерда ҳазрат соҳибқирон Түхтамиши ўғлоннинг ўша кунларини эслади.

Темурбек катта қўшин тўплаб Мўғилистонда, Қамариддинга қарши уруш олиб бораётган эди. Бирдан Самарқанддан чопар келиб қолди. Чопар Түхтамиш ўғлон Ўрусхондан енгилиб, Самарқандга қочиб келгани ҳақида хабар олиб келганди. Темурбек ўйлаб-ўйлаб, қўшиннинг бир қисмини амирзода Ӯмар Шайх бошлигига Иссиққўлда қолдириб, ўзи зудлик билан Самарқандга қайтди. Түхтамиш ўғлон зор-зор йиғлаб, кейинги йилларда бошидан кечган воқеаларни ҳазрат соҳибқиронга сўзлаб берди.

— Ўрусхон отамни ўлдирди. Ўзимни эрса сарсону саргардонлик кўйига солди. Ердам беринг, аълоҳазрат. Яхшиликларингизни эсимдин чиқармайдурмен. Бир умр сизга ўғил бўлиб қолурмен,—деди у Темурбекнинг оёқларига йиқилиб.

Темурбек ундаги салоҳият ва шиҷоатни кўриб, уни қўллаб-қувватлашга қарор қилди.

— Ҳафа бўлманг, шаҳзода. «Ойнинг ўн беши қорон-ғу бўлса, қолғон ўн беши ёруғ келур», дейишган доно-

лар. Ахир Үрусхонга ҳам Худонинг боққан балоси бордир!

— Раҳмат, ҳазрати олийлари. Ёрдам беринг, отамнинг қасосини олайин. Яхшиликларингизни ўла-ўлгунча унутмайдурмен. Иншолло, қайтарурмен, албатта. Мен қайтаролмасам, болаларим узар.

Тўхтамиш ўғлон ўзини яна ҳазрат соҳибқироннинг оёғига отди. Ушанда у Самарқандда бир ойга яқин турди. Амир Темур унга кўп ҳурмат-эҳтиром кўрсатди. Сўнг уни, озиқ-овқат, қурол-аслача ва аскар бериб, Дашти қипчоққа узатиб қўйди. Лекин Тўхтамиш бу сафар ҳам мағлубиятга учраб, яна Самарқандга қочиб келди. Ҳазрат соҳибқирон унга қайтадан ёрдам кўрсатди. Аммо бу сафар ҳам Тўхтамиш ўғлон ғалабага эриша олмади, Саброн ёнида бўлган урушда енгилиб, қолган-қутган одами билан Сайхун бўйига чекинди. Үрусхоннинг одамлари уни изма-из қувиб келдилар ва дарёдан сузиб ўтаётганда Қозончи баҳодир уни бир неча еридан заҳмдор қилди. Тўхтамиш ўғлон минг азоб билан дарёдан ўтиб олди-ю, лекин қирғоққа чиқ-қанда ҳушидан кетиб йиқилди. Ҳайриятки, Амир Темур унинг кетидан юборган Идику барлос қўшини билан шу атрофда турган экан, илк саҳарда уни топиб олди. Идику барлос Тўхтамиш ўғлонга табиб ва қўриқчи аскар қўшиб, Самарқандга жўнатди. Темурбек яна унинг бошини силади, муолажа қилдирди. Бир ярим ой деганда у соғайиб кетди. Ҳазрат соҳибқирон кўмак бериб, уни яна Дашти қипчоққа жўнатди. Лекин яна бўлмади.

Охири, 1376 йили, ҳаэррат соҳибқирон қўшинни олиб, Үрусхон устига ўзи отланди. Ва Жайрон қамишда уни енгиб, Оқ ўрда тахтини Тўхтамиш ўғлонга олиб берди...

Ҳазрат соҳибқирон Тўхтамишдан қаттиқ хафа бўлди. Шунча қилган яхшиликларига жавоби шу бўлдими, унинг?! Тахту салтанатга эга бўлиб, куч-қудратга тўлгандан кейин кўрсатиб турган кароматини қаранг, уни! «Йўқ, у энди бизга эл бўлмайди», деди Темурбек охири ва баҳор келиши билан Тўхтамиш билан Олтин ўрдани бир ёқлиқ қилишга қарор берди. Бутун қиши Тўхтамишхонга қарши урушга ҳозирлик кўриш билан ўтди. Баҳор бошларида юриш хусусида катта кенгаш чақирилди. Амирлар, хусусан, ҳожи Сайфиддин, Жоку барлос, Шайх Нуриддин, Шоҳмалик уруш тарафдори бўлдилар.

— Шунча муруват кўргиздик унга, локин, барибир, кўрнамаклик қилди. Тузимизни ичиб, тузлугимизга туриди,—деди Жоқу барлос.

— Бир бўлмади, икки бўлмади. Тўхтамиш ўғлон бизни кўп марта алдади. Ундан яхшилик кутиб бўлмайди, энди,—унга қўшимча қилди Шайх Нуриддин.

Лекин вазирлар ва уламо амирларга қарши чиқишиди. Сулҳга майл билдиришди.

— Тўхтамишон сизга фарзанд ўрнида,—деди имом хатиб хожа Абдулжаббор,—фарзандлар густоҳлик қилганиларидан ҳам оталар кечиримли бўлмоғи ва аларни ваъз-насиҳатлар билан тўғри йўлга солмоқлари даркор, аълоҳазрат,—дедилар баъзилар.

Шайхулислом хожа Шамсиддин Муҳаммад Олмалиқий деди:

— Қуръони мажидда «сулҳ—хайрли иш!» дейилган. Келинглар, ўйлаб иш тутайлик. Мўъмин-мусулмонларнинг қони беҳуда тўкилмасун.

Қўп тортишиш—талошиб бўлди. Бошда Амир Темурнинг боши қотди. Айрича фикр бўлиб турганда, бу катта урушнинг оқибати нима бўларкин? Лекин, тез фурсат ичида ўзини тутиб олди. Ақлли ва тадбиркор одам эмасми, у аслида. Бунақа аҳволни кўп кўрган. Бундай мушкул аҳвoldан чиқиш йўлини ҳам яхши биларди. Яхшиси, аввал элчи юбориб, Тўхтамишоннинг не фикрда ўлтирганини билиб келиш зарурга ўхшайди. Унинг кўнглига шу фикр келди. Шу пайт Темурбекнинг кўзи Шамсиддин Муҳаммад Олмалиқийга тушди. «Яхшиси, Тўхтамишнинг олдига ўзини элчи қилиб юборайлик. Мавлоно уни сулҳга кўндириса, нур устига аъло нур. Бўлмаса амирларнинг айтгани бўлади»,—деган фикр кечди унинг кўнглидан. Кейин мажлис аҳлига мурожаат қилди:

— Мавлоноларнинг (у имом хатиб билан шайхулисломни назарда тутди) гапида жон бор, жаноблар. Келинглар, яна бир марта уриниб кўрайлик. Шунга қараб иш тутurmиз.

Амирлар охири рози бўлишиди, чунки ҳазрат соҳиб-қироннинг ўзи ҳам сулҳга майл кўрсатиб турган эди.

Эртаси куни эрталаб, дўстлик ва яхши қўшничилик руҳида ёзилган мактуб, муносиб ссовға-саломлар билан мавлоно Шамсуддин Муҳаммад Олмалиқий Тўхтамишоннинг ўрдусига элчи бўлиб жўнаб кетди.

Тўхтамишон ўша пайтда Самур дарёси бўйида

лашкар жамлаб ўлтирган экан. Амир Темурнинг элчиси бу ерга етиб келганида, қуёш ботиб, қоронғу тушаётган эди. Хон уни эртаси куни, белгиланган вақтда, ўз чодирида қабул қилди. Мавлоно Тўхтамиши бир пайтлар Самарқандда, Бўстон саройда кўрган эди. Қораҷадан келган, ўрта бўйли ва камсуқум бу йигит унга ёқиб қолганди, ўшандада. Тўхтамиш ўғлон Самарқандда турган кезлари мавлонодан фиқҳ ва ҳадис илмларидан дарс ҳам олганди. Эни бўлса уни мутлақо таниб бўлмайди. Димоги кибру ҳавога тўлган. Осмону фалакда. У ҳатто мавлонони елкасидан босиб тиз чўктириб, эмаклаб бориб, хоннинг оёқларини ўшишга мажбур этганларида ҳам парво қилмади. Ҳа, мўғулларнинг одати шунақа эди, ўзи. Бу одат тобуғ деб аталарди. Шундан кейин унга хоннинг ўнг тарафидан ўрин кўрсатдилар. Орага чўккан узоқ сукунатдан кейин Тўхтамишхон элчига ҳиял ўгирилиб деди:

— Не сабабдин ҳузуримизга келғонингиз бизга аён. Шунинг учун бу ҳақда сўзлаб ўлтиրмасангиз ҳам бўлади. Темурбекнинг хатини ҳам ўқиғонимиз йўқ... Лекин сулҳ сўраб юборғони маълум.

Хон элчига гоз қараш қилди ва сўзларини тасдиқлатиб олмоқчи бўлиб унинг кўзларига тикилди. Лекин, Шамсиддин Муҳаммад Олмалиқий Тўхтамишдан «Темурбек сулҳ сўраб турғони маълум», —деган сўзларини эшитганда алланечук бўлиб кетди. «Ҳали сенга шунчаки «Темурбек» бўлиб қолдиму? Ялиниб-ёлвориб сулҳ сўраётидиму?», деб бир оз жаҳли чиқди. Яхшилаб жавоб қилмокчи ҳам бўлди. Лекин мутакаббур ва шухратпараст бу одамни яхши билиб тургани учун ўзини босди. Шундай бўлса ҳам ётирида чақиб олди.

— Сиз ҳақсиз, олий ҳазратлари. Рааё ва бароённинг рифоҳияти, эл-юртнинг эмну омонлиғи деб сулҳ таклиф қилмоқдалар.—«Таклиф қилмоқдалар» сўзига алоҳида урғу бериб гапирди.

Тўхтамишхон элчининг бу кинояли гапини англади, юзлари буришди, қош-қовоғи осилиб, кўзлари ундан ҳам кирттайиб кетди.

— Сўрайдурму, таклиф киладурму ўша сулҳни, бунинг бизга аҳамияти йўқ. Ахир ҳузуримда унинг элчиси ёлатирибдур-ку!

Тўхтамиш ҳазнот сохибқироннинг элчисига маънодор қараб қўйди ва сўзида давом этди:

— Биз шу ужурда Оқ ва Олтин ёрданинг олий

Хукмдори бўлиб ўлтирибмиз. Тамом Даشت қипчоқ, Идил ва Ёйиқ бўйларидағи ўлкалар, Булғор бирлан Буртос ва яна Үрис ва Қрим мамлакатлари, Ибир — Сибирининг ионон-ихтиёри бизнинг қўлимиизда!

— Буни ҳеч ким инкор этмайдур, ҳазрати олийлари,— деди тавозеъ билан мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Олмалиқий,— сиз етти иқлимининг улуғ подшоҳларидин бири эрурсиз. Буни ҳам ҳеч зот инкор этаётғони йўқ.

Тўхтамишхон элчига яна ғоз қараш қилди:

— Хўш, ўшал икки улуғ подшоҳнинг яна бири ким эркан, ўзи?

— Ҳазрат соҳибқирон Амир Темур кўрагон жаноблари эурурлар,— жавоб қилди элчи.

Тўхтамишхон бүёғига сурбетликка ўтди:

— Фикримизча, ўша «ҳазрат соҳибқирон» деганингизнинг подшоҳ эрканлиги бизга маълум эрмас. Лекин, кўрағонлигини эшиганимиз бор. Амирлиги ҳам рост. Янглишмасак, Чигатой улусида хон Султон Маҳмудхон бўлса керак?

Энди элчининг жаҳли чиқди. Лекин жаҳлга ҳай берди. Бор гапни айтиб Тўхтамишини роса тузламоқчи бўлди-ю, лекин мезбоннинг ҳақ-хуқуқини риоя қилди. Нима бўлғанда ҳам хон деган номи бор. Ва яна тождорлар ноҳақ бўлғанларида ҳам уларга эътиroz билдирилмайди. Бу одобдан эмас. Шунга қарамай, мавлоно Шамсиддин Муҳаммад дилидагини айтиб олди:

— Ҳазрат Чингизхон бирлан ҳазрат соҳибқирон Амир Темур кўрағоннинг улуғ аждоди Қобулхон бирлан Қочувли баҳодир оға-ини эрканлар. Ва улуғ момомиз Аланқуванинг авлоди эрканлар. Биз буни «Муъизз ул-ансоб» ва бошқа мўътабар китобларда ўқифонмиз.

Тўхтамиш элчига ўқрайиб қаради, кейин тўнриллади:

— Биз бундай китобларни ўқифон эрмасмуз.

— Насиб бўлса ўқиб қолурсиз, ҳазрати олийлари. Элчи «насиб бўлса» сўзларига алоҳида ургу берди ва қўл қовуштириб, чуқур таъзим қилди.

Шундан кейин гап — сўзга ўрини қолмади. Тўхтамишхон элчига жавоб берди. У хонининг чодиридан чиқиб кетаётганида эса, эшитилар — эшитилмас «жавоб мактубини эртага эртаменен олурсиз»,— деди. Бошқа нима ҳам дерди. Мавлоно Шамсиддин Муҳаммад Олмалиқий уни хўб тузлади...

Хон айтганидай, ўша жавоб мактубини эртаси куни элчининг чодирига олиб бориб бердилар. Хон элчини, одат бўлишига қарамай, бошқа қабул қилмади. Мактубда эса мана булар ёэилган эди: «Мовароуниҳар амири Темурбекка. Бизким, Даشت қипчоқ, Булғор, Урис, Черкас, Қrim ва Ибир — Сибир мамлакатларининг хони Тўхтамишон! Сизнинг сулҳ сўраб йўллаган мактубингиз ва элчинигиз қутлуғ соатда олий осто намизға етишди. Рааёв ба бароёв ва эл-юртният тинчилигини ўйлаб қилғон таклифингизга розимиз. Биз ҳам шу фикрни қўнгилдин кечириб ўлтиргон эрдик. Сулҳ шартларини муҳокама қилмоқ ва они имзоламоқ учун иккимиз бирон ҳоли ерда, масалан, Самурнинг бирон жойида учрашсак, айни муддао бўлур эрди...»

— Ҳа, тулки! Чалғитиб тузоққа илинтиromoқчисан, бизни,—деди Темурбек.

Сўнг мактубнинг давомини ўқиди. «...Ота-боболаримиз бир-бирлари бирлан итоат ва инқиёд мақомида бўлиб келганлар. Сиз бирлан биз эрсак буюк Чингизхоннинг тура ва ёсосига риоя қилмай қўйдик. Борғон сари бир-бirimizдин йироқлашиб кетмоқдамиз. Маълумки, ота-боболаримиз ўртасидағи битимға кўра, хонлик маснади менинг ота-боболарим изнида, амир ул—умаролик мансаби эрса Сизнинг жаддингиз ихтиёрида бўлғон. Бу ҳақда қасам бирлан мустаҳкамланған шартнома бўлғон... Сиз бўлсангиз буни билатуриб тилга олинғон аҳдномани бузмоқдасиз ва Чингизхоннинг тожтахтига даъвогарлик қилмоқдасиз...»

Ҳазрат соҳибқирон мактубни ўраб, шундайгина олдига ташлаб қўйди. У Тўхтамишдан ранжиди. «Қандай сурбетлик, бу! Қачон у Чингизхоннинг тож-тахтига даъвогарлик қилган?! Қаерда ва кимга ўзини «хон» деб айтган? Мана чорак асрдан бери Чигатой улусининг жилови унинг қўлида. Лекин расман тахтда Чигатойхон билан Ўгадай қооннинг авлоди ўлтирибди-ку! Эҳ, Тўхтамиш, Тўхтамиш! Бундан кейин уруш бўлади, чоғи. Катта қирғин барот уруш бўлади. Бечора халқ! Яна азоб чекатурғон бўлди». Аслида амирлар ҳақ бўлиб чиқишиди. Темурбек кайфиятини мажлис аҳлига билдириласликка ҳаракат қилди. Лекин бўлмади. Ҳамма буни уқиб турган эди.

— Сизлар ҳақ бўлиб чиқдингиз, — деди у амирлари-та мурожаат қилиб.

— Ҳа, бу ҳаммага аён эрди, аълоҳазрат,—деди Шайх Нуридин.

Шундан кейин амирлар вадирлаб кетиши.

— Тўхтамишон туз ҳақини унутди,—деди Бердибек.
Шоҳмалик таъномуз гап қилди:

— Сиз уни бир пайтлар ўғлим деган эрдингиз, ҳазратим!

Ҳазрат соҳибқирон тан олди:

— Ҳа, шундай. Биз илгари «Тўхтамиш ўғлон бизга ўғил мақомида», — деган эрдик. Янгишган эрканимиз ўшанда.

АМИР ТЕМУР ВА ИБН ХАЛДУН

1401 йил 10 январ куни Амир Темурнинг зафар аскарлик армияси Шом пойтахти Димишқни чор атрофдан қуршаб олди. Уша куни шом билан хуфтон орасида Шом ҳукмдори Султон Абдулазизнинг элчиси ҳазрат соҳибқироннинг ҳузурига келди. Амир Темур хурсанд бўлди:

— Хайрият,—деди у элчини кўриб,—шаҳар ўз ихтиёри бирлан таслим бўлатурғонга ўхшайдур. Ортиқча қон тўкилмайдур.

Султоннинг мактубини ўқиб чиқиб эса қувончига қувонч қўшилди. У ҳақиқатан ҳам сулҳ сўрабди. Фақат ўртага бир шарт қўйибди. Амир Темур қамални бўшатиб, қўшинларни илгари турган ерига қайтариши керак.

— Майли, розимиз,—деди Амир Темур Шом элчи сига.—Димишқ ҳалқига эрса жони омонлиқ ваъда қилемиз.

Элчи қуллуқ қилди ва ҳазрат соҳибқиронга миннатдорчилик билдириди. Амир Темур шу ондаёқ амирлар ва шаҳзодаларга: «Уруш ҳаракатлари тўхтатилиб, ҳамма ўз мурчилиға қайтсун!»—деган буйруқ юборди.

Келишувга биноан Султон Абдулазиз сулҳ шартномасини имзолаш учун ўша куниёқ ўз вакилларини ҳазрат соҳибқироннинг ҳузурига жўнатиши лозим эди. Темур уларни ярим кечагача кутди. Лекин улардан дарак бўлмади. Эртаси куни эрталаб маълум бўлдики, Султон Абдулазиз панд берибди. Тун ўртасида қўшин ва мулоғимларини олиб, Мисрга қараб йўлга тушибди. Амир Темур дарғазаб бўлди ва «Димишқ қайтадин қўршовға олинсун!», — деб буйруқ берди. Шайх Нурид-

дін, Шоҳмалик ва амир Оллоҳододга эса Султон Абдулазизнинг орқасидан қувиб боришни буюрди. Лекин шаҳар учун уруш бўлмади. Эртаси куни (1401 йил 11 январ куни) унинг ҳузурига келган саййидлар, уламо, имомлар ва шайхлар шаҳар таслим бўлганини эълон қилдилар. Уларнинг орасида машҳур тарихчи олим ва файласуф Валиуддин Абдураҳмон иби Халдун ҳам бор эди.

Элчиларни Амир Темурнинг ҳузурига олиб кирганларида кеч кириб қолган эди. Улар ўн икки киши эдилар. Уларнинг олдида қотма, қораҷадан келган, хушбичим бир киши турарди. Кўринишидан етмишларни қоралаб қолган, лекин қадди-қомати тик эди унинг. Бошида ҳошиялик бурнус, эгнида оқ аврачопон, оёғида кавшга ўхаш кийим. Темур бир қарашдаёқ унинг бу ерлик эмаслигини англади. Элчилар ҳазрат соҳибқирионнинг салобати босиб, нима қиласини билмай шамдай қотиб турардилар. Амир Темур уларнинг ҳадик олиб, қўрқиб турганларини билди. Даст ўрнидан туриб элчиларга илиқ жилмайди ва уларга жой кўрсатди.

— Ўлтиринглар, жаноблар. Қадамлари муборак бўлсун!

Элчилар кўзларига ишонмадилар. Уни баджаҳл, ёвуз, меҳр-шафқатни билмайдиган одам деб эшигтан эдилар. Шунинг учун ҳозирги меҳр-муруввати ва одамийлигини кўриб ҳайрон бўлдилар. Яна душман элчиларига-я! Ҳамма жой-жойига ўлтириб, фотиҳа ўқилтандан кейин хонсолор кириб, элчиларнинг олдига тўкин дастурхон ёзи. Суҳбат дастурхон устида бошланди ва бир пайтларгача давом этди. Амир Темур элчилардан кўп нарсаларни сўраб-суринтириди. Булар орасида Миср султони Сайфиддин Барқуқ билан Олтин ўрда хони Тўхтамишон ўртасида бўлган бордикелдилар, Султон Аҳмад жалоийр хусусида, Носириддин Фаражнинг Шомга қанча аскар юборгани, Шом ва Мисрнинг умумий аҳволи каби масалалар бор эди.

Кўпчилик индамай ўлтириди, Амир Темурнинг ўткири нигоҳидан кўзини олиб қочди. Фақат султон Абдулазизнинг вазири Шаҳобиддин билан Ибн Халдунгина ҳазрат соҳибқириондан чўчимадилар ва саволларига ҳадик олмай жавоб бердилар. Бир фурсат ўтиб, яқин танишлардай суҳбатга киришиб кетишиди. Суҳбаг охирлаб қолганда, Ибн Халдун янада дадил тортди ва баланд овоз билан унга мурожаат қилди:

— Э, улуг амир! Буюк ва улуг Тангримга шүкрким, мен кўл подшоҳларнинг сұхбатларига мушарраф бўлдим. Тарихларини ёзиб, ўчиб кетиши мумкин бўлган кунларни барҳаёт қилдим. Дунёнинг барча мамлакатларини бориб кўрдим. Уларнинг подшоси, ноибу амirlари билан муносабатда бўлдим. Лекин яратган эгамдин миннатдорменким, у менинг умримни узайтирди. Ниҳоят, мен ҳақиқий подшоҳ ким эканини кўриб қувондим. Унинг салтанат ишларидаги тўғри сиёсати ва сийратидан лол қолдим.

Ҳазрат соҳибқирон унинг сўзларини завқ билан тинглади ва охири унга миннатдорчилик билдири. Эртаси куни нонуштадан кейин элчиларга қайтишлари учун ижозат берди. Ибн Халдунни эса ҳузурида олиб қолди. Чунки, бу кўпни кўрган, ўқимишли одамдан яна кўп нарсаларни сўраб билиб олмоқчи эди.

Уша куни Амир Темур шаҳарга доруға ва мухасилларни юборди. Бекларбегига: «Шаҳарга лашкардин биронтаси кирмасун. Галла омборлари қаттиқ қўриқлансан!», —деб буюрди. Ўзи эса кун бўйи Ибн Халдун билан Ялбуғадаги сulton Барқуқ кўшкида турди. Ундан араб подшоҳлари ҳақида, уларнинг сийратлари, улар ҳақидаги ривоятларни сўраб-сuriштири. Мағриб шаҳарлари ва вилоятлари, уларга олиб борадиган йўлларни сuriштири. Халқларининг урф-одати, юмушлари ва аҳволини сўради. Олим буларни билганича хикоя қилиб берди. Амир Темур ундан кўп мамнун бўлди. Ибн Халдун ҳам, шубҳасиз, бундан қувончи ичига сиғмай суюнди ва баланд овоз билан яна соҳибқиронга ҳамду сано ўқий кетди:

— Азбаройи худо, э, улуг амир! Жаҳон фатҳларининг калити бўлган қўлингни менга бер! Мен уни ўпиш шарафига мусассар бўлайин. Мен сендин ўзга подшоҳ ҳукми бўлишини истамайдурмен, чунки сенга баробар келатурғон подшоҳ жаҳонда йўқдур. Аввалги умримнинг беҳуда ўтганига ачинамен. Афсусланамен. Нега шундай бўлди? Нега сени олдин кўрмадим? Улуг сиймонгни кўзимга сурма ўринида суртган бўлур эрдим. Майли, иккинчи умримни сенинг паноҳингда кечирайин. Қолган умримни сенинг хизматингга бағишлаб, зое кетган умримни топайин!

Сўнг у қадимги Миср подшоси Бухтансар ҳақида ҳам сўзлаб берди.

— Сизга фақат Бухтансар тенг келади, улур амир, — деди Ибн Халдун пировардида.

Амир Темур кеди:

— Қандай қилиб мени ва Бухтансарни улур подшоҳлар қаторига қўшасен? Холбуки, биз насабда ундан фахрли ўринларга эришғонимиз йўқ.

Ибн Халдун жавоб қилди:

— Хайрли ишларингиз сизни ўша юқори мартабаларга муносисб кўради.

Амир Темур бир нима демади. Лекин унга маъқул бўлди. «Ҳузуризда шундай одамнинг бўлиши фойдандин ҳоли бўлмас», — деди у ичида. Ибн Халдун Амир Темурнинг ҳамду саночиларни хуш кўрмаслигини эшитган. Шунинг учун урушиб бермаганига шукр қилди.

Уша куни кечқурун йигилган кенгашда Ибн Халдун подшоҳ саройининг имом хатиби этиб тайинланди.

Эрта ўтиб, индинига элчилар ҳазрат соҳибқироннинг ҳузурига яна ташриф буюрдилар. Суҳбатда бу сафар Шомнинг келгуси тақдири хусусида гап борди. Қози қалон Муҳиддин Маҳмуд биринчи бўлиб сўз бошлади. У Амир Темурга мурожаат қилди:

— Шу жумъада Сизнинг муборак отингизга, ҳазрат соҳибқирон, Димишқда хутба ўқиттиришга қарор қилдик.

Амир Темур индамади.

Элчилар ҳайрон бўлиб, бир-бирига қарашибди. Нима, кўнмадими? Ёки... Гапга Ибн Халдун аралашди:

— Ироқу Шом ҳазрат соҳибқирон салтанати қабзасига ўтди. Шу кундин эътиборан! Шу боис хутба ўқитилиб, пул зарб этилғони маъқул.

Бошқалар бундан руҳланиб кетдилар. Амир Темурни Шом подшоси, деб эълон қилувчилар ҳам топилди. Шундан кейин ҳазрат соҳибқирон мажлис жиловини қўлига олди.

— Йўқ, жаноблар, биз бу мамлакатга подшоҳлик қилғони келғонимиз йўқ. Ўз юртимиз ва салтанатимиз бор. Тогу тошлардин ошиб, дашту биёбонларни кесиб ва кўп қурбонлар бериб, бу ерга келғонимизга сабаб битта. Ҳурросону Эрон, Ироқу Озарбайжон, Шому Мисрда мавжуд бўлғон бекарорликни бартараф қилиш ва қадимги савдо йўлларини изга солиш. Мақсадимиз асосан шу, жаноблар! Подшоҳингизни хешу ақрабонингиз орасидин ўзингиз сайлаб олурсиз.

АВЛИЁ ОТА ИОАНН

Авлиё ота Иоанн аслида Ватиканинг одами. Папа тарафидан «Тамом Шарқнинг архиепископи», — деб тайинланган. Унга Византияниң обрў-эътиборини ҳимоя қилиш Кичик Осиё ва унга қўши бўлган мамлакатларда насронийлик динини тарғиб қилиш топширилган. Қароргоҳи Султонияда, Амир Темур ва унинг Озарбайжон билан Ироқда ҳоким бўлиб турган ўғли Мироншоҳ мирзонинг ишончини қозонган. Улар билан Византия, Италия, Испания ва Франция қироллари ўтасида кўпдан бери элчилик қилиб келади. Ўша давлатларнинг топширигини бажариб, борган мамлакатлари ҳақида иқтисодий, ҳарбий-сиёсий маълумотлар ҳам тўплайди. Авлиё ота кенг маълумотли, зийрак одам. Ҳар қандай зотнинг кўнглига йўл топа билади. Хусусан, амирзода Мироншоҳ билан дўстлашиб кетган. Маълум даражада ҳазрат соҳибқироннинг ҳам ишончини қозонган.

Авлиё ота Иоанн айниқса, Туркия Болқон ярим оролидаги мамлакатларни истило қилгандан кейин фаоллашди. Қудратли Туркияга қарши Оврупо ҳукмдорларига маҳсус тавсиянома ҳам ёзиб берди. «Боязид Илдиримга фақат Амир Темур бас келиши мумкин», — деб ўргатди уларга.

Бир қатор Оврупо давлатлари Боязид Илдиримни бартараф қилиш учун икки марта салб юриши уюштирилдилар. 1389 ва 1396 йилларда. Лекин туркларни енголмадилар. Аксинча мағлубиятга учрадилар. Шундан кейин улар ваҳимага тушиб қолдилар, Боязиднинг Марказий Оврупога бостириб киришидан қўрқдилар.

Айни шундай бир пайтда авлиё ота Иоани Парижда пайдо бўлди. Қелганининг эртасига у Луврга борди ва Франция қироли Шарл VI билан учрашди. Лекин авлиё ота ёлғиз эмас эди. Яна бир ўзига ўхшаган руҳоний билан бирга эди. Унинг исми Архимандрит Франциск, Қирол Туркия, Эрон, Озарбайжон ва Мовароуннаҳрдаги аҳволни билишга мунтазир эди. Шунинг учун ортиқча тақаллуфларни бир четга йигиштириб қўйди ва авлиё отани дабдурустдан сўроққа тутди:

— Боязид Илдирим Штиринни олибдур, деб эшитдик. Унинг келажакдаги режалари қандай? Бу сизга маълум-му, авлиё ота?

— Фикри ожизимизча Боязид Штириндин буёғига ўтмаса керак.

— Нега?

— У мамлакатидин узоқлашишга ботинмаса керак, аълоҳазрат.

— Сабаб? — Қирол тушинмади.

— Сабаби шулки, сэр, Озаржайжонда катта қўшин бирлан яна бир буюк подшоҳ фурсат пойлаб турибдур. Боязиднинг у бирлан ҳисоблашмай иложи йўқ.

— Ким эркан, ўшал буюк подшоҳ, деганингиз авлиё ота?

— Амир Темур, сэр.

Шарл олтинчи уни суриштира кетди.

— Онинг довруғи Парижға ҳам етғон. Аскари кўпму? Қирол-аслаҳаси-чи?

— Темур зийрак, тадбиркор, ҳеч нарсадан қўрқмайтурғон рицарь, аълоҳазрат. Қўшинларини жангга ҳамма вақт ўзи етаклаб борадур.

Архимандрит уни қувватлади:

— Мен муни сэр, ўз қўзим бирлан кўргонмен. Бундан тўрт йил аввал Темурнинг Тўхтамишхон бирлан Қофқоздағи урушида кўрғонмен. У ҳар бир ишини сиру асроригача яхши биладур, сэр.

Қирол: «Авлиё оталар орттириб юбораётишганмикандар?» — деган хаёлга борди.

— Шундай денг? Қизиқ. Наҳотки?

Қирол чап қўлидан момиқдай оппоқ қўлқопини ечиб, нозик бармоқларини безаб турган қимматбаҳо узукларни уларга кўз-кўз қилмоқчи бўлди. Кейин авлиё ота Иоаннга буюрди:

— Марҳамат, давом этингиз, авлиё ота!

Архиепископ Иоанн икки қўлини кўксига қўйиб, қиролга икки букилиб таъзим қилди:

— Шундай, сэр. Темур ўта бақувват ва жасур рицарь. У онасидин ҳарбий киши бўлиб туғилғон бўлса керак. Ва яна қаҳри келгандა ҳеч кимни, ҳатто болаларини ҳам аямайдур. Ҳақиқат ва тўғрилик унинг шиори. Шу ерда авлиё ота яқинда унинг ўз боласи Миронни жазолаганини ҳикоя қилиб берди.

Қирол энди Амир Темурнинг болалари билан қизиқди. Айниқса, Мироншоҳни кўп суриштирди. Авлиё ота Темурнинг тўрт ўғли ва икки қизи бўлганлигини айтди. Мироншоҳ ҳақида бундай деди:

— Миаха миравасса Йроқ бирлан Озарбайжонда ноиб-

эрди. Олижаноб одам. Баъзи тутими бирлан христианларга ўхшаб кетадур. Христианлар бирлан яхши муомалада бўладур.

— Яхши одам эркан, Темурингизнинг боласи. У бирлан дўстлашса бўлар эркан.

Қирол шундан кейин яна Амир Темурга қайтди:

— Темурнинг қўшинини айтмадингиз, авлиё ота. Каттами у?

Архиепископ пешонасига муштлади:

— Эсим қурсин, сэр. Хаёлдан кўтарилибдур. Унинг қўшини сон-саноқсиз. Катта қисми драгунлардин иборат. Темур истаса бир ҳафта ичидаги икки юз минг аскар йиғаоладур. Қуроллари қилич, наиза, гурзи, ўқ-ёй, ёйболта. Олтмишта уришатурғон фили ҳам бор. Замбаракка ўхшаб отатурғон бир хил мостламалари ҳам бор.

Қирол таажжубланиб бош чайқади:

— Ўҳ-ҳў! Зўр эркан ўша сизнинг Темурингиз.

Авлиё ота қиролнинг илтимоси билан Амир Темур қўшинининг тузилиши ва ҳазрат соҳибқироннинг ҳарбий маҳорати ҳақида кўп нарсалар гапириб берди.

— Браво, — деди қирол қарсак чалиб, — зўр одам эркан сизнинг Темурингиз, авлиё ота! Унинг бирлан иттифоқ тузса бўлур эркан.

Кейин қирол яна Боязид Йилдиримдан гап очди:

— У ҳозирда Оврупонинг қоқ ўртасида турибдур. Византия ҳам оғир аҳволда. Ким билади дейсиз, эртаниндин у дажжол Венецияга, кейин Францияга ҳам бостириб кирап. — Унда ўзимиз бас келолмайдурғонга ўхшаймиз унга.

— Сиз ҳақсиз, сэр. Боязид Йилдирим Оврупо учун хавфли душман.

Архимандрит Франциск қўшиб қўйди:

— Унга фақат Темур бас келиши мумкин, сэр.

Қирол ўйланиб қолди. Уни бир қадар ваҳима ҳам босди. Сўнг авлиё ота уларга қараб мурожаат қилди:

— Хавф-хатарли тарафи шундаки, Темур ҳам, кесар ҳам мусулмон подшоҳ. Бирикиб ғазот йўлига ўтсалар-чи? Унда нима бўлади? Унда Оврупо ҳам, биз ҳам тамом!

Архиепископ Иоанн эътироз билдириди:

— Йўқ, сэр. Бошда Темур Кесар бирлан иттифоқ тузмоқчи эрди. Лекин Кесар кўнмаётидур. Ва яна Темур бирлан, ўрталарида Ироқ ҳукмдори Султон Аҳмад ялайир бирлан, Жанубий Арманистон бирлан Озар-

байжоннинг бир бўлагига ўрнашиб олғон Қора Юсуф торкоман хусусида рақобат бор. Кесар уларни қўллаб турадур. Фақирнинг фикрича, Темур бирлан Кесар қўшилолмайдурлар. Аксинча.

Қирол авлиё отанинг гапини бўлди:

- Нима, ораларида уруш чиқадурмур?
- Шундай, бизда бунга ишонч бор, сэр.

Қирол шошиб қолди:

- Давом этинг, авлиё ота, марҳамат!

— Муқаддас салтанатнинг фикрича,—деб сўз бошлади авлиё ота Иоанн шошилмасдан, — тезлик бирлан Темур бирлан иттифоқ тузиб, Кесарни яккалаб қўймоқ даркор, сэр. Иккалаларини, Кесар бирлан Темурнинг бир-бiri бирлан уриштириб қўйилса, нур устига аъло нур бўладур.

— Яхши фикр, Худо ҳаққи яхши маслаҳат, браво, жаноблар, браво! — Қирол севинганидан архиепископнинг елкасидан туртиб қўйди, — балким Кесарни Темурнинг ўзи биртараф қилар. Биз эрсак унга қурол-аслаҳа ва қемалар бирлан ёрдам берумиз.

Гапга Архимандрит Франциск аралашиб:

— Темур эплайди, сэр! Эплайди! Машриқу мағрибда ҳозир унга тенг келатурғон подшоҳ йўқ. Хитойдин то Константинополғача бўлғон мамлакатлар ҳозир унинг инон-ихтиёрида.

— Агар шу мақсадға эришсак, сэр, — деб гапга қўшилди архиепископ, — алар бир-бирларини маҳв эта дурлар. Шундин кейин Оврупо учун Машриқ мамлакатлариға йўл очиладур, иншоолло! Келгусида Осиё бизники бўлгай, албат!

— Тўғри маслаҳат, жаноблар, Аъло фикр! Биз муқаддас салтанатнинг режаларига қўшиламиз. Албатта...

Қирол бир оз ўйланиб турди. Сўнг сўзида давом этди:

— Бизнинг авлиё оталардан яширатурғон сиримиз йўқ. Биз бу хусусда баъзи бир ишларни ҳам қилиб қўйғонмиз. Византия императори, Венеция дожи ва Кастилия қироли бирлан келишиб қўйғонмиз. Алар Темурға қемалар ва қурол-яроғ бирлан ёрдам кўрсататурғон бўлишғон. Биз эрсак икки минг рицарни ўн етти кемаға тушириб, маршал Бюосси бошчилигида Оттоман империяси соҳиллариға юборишға қарор қилдик...

Ўша куни кечқурун қирол муқаддас салтанат вакил-

лари шарафига катта зиёфат бериб, уларни қимматбаҳо ҳадялар билан сийлади.

Эртаси куни авлиё оталар Париждан жўнаб кетишди. Архимандрит Франциск 1402 йил 20 июл куни Анқара ёнида бўлган урушда ногаҳон ўқ тегиб ўлди. Архиепископ Иоани эса кўп йил Султонияда истиқомат қилди.

«БИЗ ҚАДИМИЙ ИПАҚ ЙУЛИНИ ТИКЛАДИК»

Амир Темур етти йиллик уруш (1399—1404)дан заффар билан қайтди ва 1404 йилнинг 10 июлида ўзининг Боги чинор деган чорбогига келиб тушди. У ўта чарчаган ва бир қадар тоби қочган эди. Кечқурун суюкли набираси Мұхаммад Султоннинг мадрасасига борди ва ўша ерда хонақоҳда тунаб қолди. Ҳориган одам одатда тез ухлаб қолади. Лекин у мижжа қоқмай тонг оттирди. Бутун ҳаёти кўз ўнгидан ўтди уни ўша кеча. Уруш-талошлар, жанг-жадаллар... «Тамом. Эрону Туронни, мулки арабнинг катта қисмини забт этдим, Худоға шукр! Локин бечораларға кўп озор етди, шаҳарлар вайрон бўлди. Беҳуда қон тўқилди! Бунинг учун Тангри таолло гуноҳимни кечирсун! Локин мен буни рааё ва бараённинг рифоҳияти, эл-юртнинг эмну омонлиғи деб қилдим. Мазлумларнинг этагидан золимларнинг қўлини юлуб ташладик. Не бўлса ҳам эл-юрт осойишталигини деб қилинғон гуноҳ кечирилур», деб тасалли берди у ўзига.

Бомдод намозидин кейин ҳазрат соҳибқирон Боги чинорга қайтиб борди. Чошгоҳда уғруқ ҳам етиб келди. Амир Темур Сароймулк хоним билан набираларини кўриб, бир озенгил тортиди. Эсон-омон қайтганлари учун яратганга шукр қилди.

Кечқурун Самарқанд доруғаси Арғунишоҳ ҳазрат соҳибқирон, шаҳзодалар ва ўша етти йиллик урушда қаҳрамонлик кўрсатган амирлар ва беклар шарафига катта зиёфат берди. Зиёфат айни қизиган пайтда меҳмонхонага эшик оға кириб келди ва бориб ҳазрат соҳибқироннинг қулоғига бирнималарни шивирлади.

— Худо хоҳласа эртаменен, — деди Амир Темур, ҳаммага эшиттириб.

Эрталаб, хонсаломдан кейин, ҳазрат соҳибқирон авлиё ота Иоани билан бирга келган Франция элчинини қабул қилди. Авлиё ота уқтириб қўйган экан, элчи элчи-

лик расмини яхши бажо келтирди. Тахт поясигача иккι-үч қадам қолганда у тиз чўқди ва эмаклаб бориб тобуғ расмини адо этди. Сўнг эшик оға элчи олиб келган совға-саломни тахт пойига олиб бориб қўйди. Франция қиролининг мактубини эса улуғ амирнинг қўлига берди. Элчи билан авлиё отага улуғ амирнинг ўнг тарафидан жой кўрсатилди.

— Хуш келибсизлар, жаноблар! Узоқ йўл босиб азият чекмадингизму?

Элчи билан авлиё ота ўринларидан туриб, ҳазрат соҳибқироннинг саломига алил олдилар.

— Инимиз Шарл, аҳду аёли бирлан омонмуму?

— Соғ саломатлар, ҳазрати олийлари. Ташаккур! — Элчилар икки букилиб, улуғ амирга миннатдорчилик билдирилар.

— Биз бу ерда Анқара жангиди асир олиниб, тутиб турилғон насронийларни озод қилдик. Бугун-эрта йўлга чиқсалар керак.

— Қуллуқ, аълоҳазрат! Аввалғи йиллари озод қилинғонлари уйлариға эсон-омон етиб бордилар. Қирол олий ҳазратлари муруватингиз учун, сиз, олий ҳиммат подшоҳга миннатдорчилик изҳор этадилар.

— Қуллуқ!

Ҳазрат соҳибқирон уларга ўринларига ўтиришларига ижозат берди.

Шундан кейин ҳазрат соҳибқирон муншийи хосга ишора қилди ва у келгач, қўлига Франция қиролининг мактубини берди.

— Ўқингиз, тақсир, Ҳамма эшитсун.

Муншийи хос мактубни ёэди. Мактуб форс тилида экан, қийналмади, овоз билан ўқиди: «Франклар подшоси Шарл. Тангри таоллонинг инояти бирлан шавкатли ва музaffer Темурбекка тинчлик ва саломлар бўлгай! Подшоҳлар ва олий ҳукмдорлар тиллари ва дину эътиқоди бошқа-бошқа бўлғон тақдирда ҳам, ўз ихтиёрлари бирлан бир-бирларига ҳурмат-эътибор кўрсатишлари ва дўстлик риштаси бирлан боғланишлари мумкин эркан. Чунки бу аларнинг табааларга тинчлик ва омонлик келтирадур. Шу сабабдин шавкатли ва музaffer подшоҳ билсунларким, қачонки биз шарқ мамлакатларининг архиепископи Иоани ва элчинигиз орқали Сизнинг, жаноби олийлари, бизга сиҳат-саломатлик тилаб, давлатимиз ва подшоҳликка онд ишлар билан қизинқиб ҳамда яратган эгамнинг инояти бирлан

Боязид устидин қозонғон ғалабангиз ҳақидағи маълумотни ўз ичиға олғон мактубингиз бизга катта қувонч ва ҳузур бағишилади. Биз яна ҳам хурсанд ва мамнун бўлдикки, савдогарларимиз ва умуман барча насронийларнинг Сизнинг мамлакатингизга боруб, савдо-сотиқ ишлари бирлан машғул бўлишлари ва табааларингиз бирлан бошқа масалаларда келишувга эришишлари, умуман, бемалол сизга қарашли мамлакатларга боруб, савдо-сотиқ бирлан машғул бўлишлари жаноби олийлариға маъқул бўлибдур. Бунинг учун Сизга чексиз миннатдорчилик ва ташаккур изҳор этамиз. Шу бирлан бирга, Сизнинг савдогарларингиз чўчимай бизнинг мамлакатимизга келиб, савдо-сотиқ бирлан машғул бўлишлари мумкин. Қолғон гапларни, худо хоҳласа, элчимиз ва номи юқорида зикр этилған архиепископнинг оғзидин эшитурсиз. Жаноби олийлари бу хусусда ҳам, бўлажак топшириқлар хусусида ҳам, унга ишонсанлар. Чунки у синалғон ва ишончли одам... Ва, ниҳоят, биз Сиз жаноби олийлариға кўп насронийларға кўрсатғон ҳайриҳоҳлигингиз ва илтифотингиз учун миннатдор эрканлигимизни маълум қиласиз. Мамлакатимизга келғон табааларингизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ва аларга бизнинг табааларимиз бирлан тенг ва имконига қараб ортиқроқ ҳуқуқ беришга тайёрмиз.

Париж шаҳрида 1403 исовий йил июн ойининг 15 куни битилди.

Амир Темур мактуб мазмунидан беҳад хурсанд бўлди ва қабулхонадагиларга мурожаат қилди:

— Мана, кўрдингизму, жаноблар! Тўккан қонимиз, чеккан заҳматларимиз беҳуда кетмабдур. Хурросону Эронда ҳам Ироқу Шомда ҳам, Озарбайжон ва бошқа мамлакатларда ҳам парокандалик ва ур-йиқитларга барҳам бердик. Қарвон йўлларини йўлтўсар ва қароқчилардин ҳалос қилдик. Натижада борди-келди, савдо-сотиқقا йўл очилди. Биз қадимий ипак йўлини тикладик! Бундан нафақат Мовароуннаҳр бирлан Туркистон, балки бутун жаҳон мамлакатлари ва халқлари зўр манфаат топғай, иншоолло.

Кўп ўтмай Самарқандга мана шундай мазмундаги мактублар бирлан яна жуда кўп мамлакатлардан, хусусан, Вавилон, Шом, Миср, Генуя, Кастилия ва Инглистандан ҳам элчилар келишиди.

ИЗОҲ

Абу Мусалим — 747—749 йиллари Хуросон ва Мовароуннаҳрда Уммавия халифаларига қарши кўтаришган қўзғолон раҳбари.

Абубакр Сиддиқ — хулафо ар-Рошидин (тўгри йўлдан борувчи халифалар) жумласидан (632—634).

Амир Кулол — Нақшбандия—хожаён тариқатининг иирик намояндалари жумласидан. Тарагой баҳодирлиниг пири. Асли Бухоронинг Суҳори қишлоғидан (1370 йили вафот этган).

Амир ул-умаро — амирлар амири, бош амир.

Амирзода Муҳаммад Султон — Амир Темурнинг катта набираси, таҳт — салтанат вориси (1376—1403).

Анқара жангиги — 1402 йил 20 июл куни турк султони Боязид Илдирим билан амир Темур ўртасида Анқара остонасида бўлган жанг.

Арк — шаҳарнинг девор билан ўралган, подшоҳ истиқомат қилиб турган ва давлат муассасалари жойлашган қисми.

Архиепископ — насронийлар (христианлар) чёрковида олий узвонлардан бири, Митрополитдан кейин туради.

Архимандрит — насронийлар чёрковининг назоратчisi.

Аторуд — Меркурий сайёраси.

Бисот — гилам, падос.

Божу хироҷ — савдогарлардан молнинг ҳажми ва қийматига қараб олинадиган маҳсус тўлов; бож.

Боязид Пилдирим — құдратли Туркия султони (1389—1402).

Бомдод намози — илк саҳарда ўқиладиган намоз.

Боргоҳ — подшоҳ қабулхонаси.

Ботмон — тахминан 7,5 кг.га тенг бўлган оғирлик ўлчови.

Боги чинор — Амир Темур Самарқанд атрофида бунёд этдирган чорбоглардан бири. Самарқанд—Кеш йўлида жойлашган.

Бурнус — дарвишлар кийиб юрган чўзинчоқ бош кайим.

Буроқ — афсонавий қашотли от; Меъроҳ тунида Муҳаммад, пайғамбар минган қашотли от номи.

Вавилон — Фрот дарёси бўйида жойлашган қадимий шаҳар; звилоят.

Валинеъмат — неъмат эгаси; боқувчи; тарбият кунанда.

Ватикан — Рим шаҳари жойлашган етти тепаликдан бирининг поми. Унда бутун дунё насроний (христиан)ларининг диний маркази — Ватикан давлати жойлашган.

Вақти салом — амирлар ва сарой аҳлиниң ҳар куни эрталаб хон ҳузурига саломга келиш вақти.

Ваҳид — Худодан Мұхаммад Пайғамбарга келган буйруқ, күрсатма.

Византия — Рим империясининг шарқий қисмида ташкил топган давлат. Маркази Константинополь, (ҳозирги Истанбул) бўлган.

Газ — тахминан 62 см. га тенг бўлган узунлик ўлчови.

Густоҳлик — ибосизлик, ҳайиқмаслик.

Дашти қишлоқ — Ҳозирги Ўзбекистон ва Русиянинг жанубидаги ерлар, то Днепр дарёсигача; XI асрдан шу ном билан аталган. Асосий ҳалқи қишлоқлардан иборат бўлган.

Девони расоил — ёзишмалар девони; Ташқи ишлар вазириги.

Диний ва дунёвий илмлар — диний илмларга Қуръон, Ҳадис ва Тафсир каби илмлар; дунёвий илмларга эса тарих, фалсафа, мантиқ, адабиёт ва аниқ ғанлар: математика, астрономия ва бошқалар кирган.

Дож — Венеция (Италия) подшоси.

Доруга — шаҳар бошлиги.

Драгун — отлиқ аскар.

Дулдул от — Ҳазрат Алиниң оти. Ривоятларга кўра, унинг қанотлари бўлиб, у учар экан.

«Етти йиллик уруш» — Амир Темурнинг Ироқ, Шом ва Миср устига қилган юриши (1399—1404).

Ейиқ — Ўрол дарёсининг эски номи.

Ерлиқ — подшоҳ фармойипи.

Ердайлоқ — Самарқанднинг шимолий-шарқий тарафида жойлашган баҳово манзил; ўланг.

Есол — уруп ёки кўрик олдидан қўшинни сафга тизини.

Еғоч одам — чўшга либос кийдириб, уни одамга ўхшатиб қўйиш; қўғирчоқ одам.

Жади буржи — классик астрономияда осмондаги ўн иккичи бурж ва унда жойлашган ёруғ юлдузлар. Ез ва кузда яхши кўринади.

Жайхун — Амударёнинг ўрта асрлардаги номи.

Жангли лой — 1365 йил 22 май куни Чинос атрофида мўтуклар билан Темурбек ва Ҳусайнбеклар ўртасида бўлган уруш.

Ўша куни ҳаво бўзилиб, жала қўйган ва жанг майдони ботқоқ бўлиб кетгаи. Шу сабабдан бу уруш «жанг лой» деб агадиган.

Жаҳон оро — жаҳонни безовчи.

Жете (Мўгулистан) — мўгулча: ваҳший, босқинчи, йўлтӯ-сар дегани: Қошгар, Ила водийси, Етисувни ўз ичига олган мамлакат номи.

Жизъя — араб истилочилари тарафидан жорий қилингани солиқ. Уни тўлаганилар ислом динига киришга мажбур этилмаганлар.

Жони омонлик — урушда маглуб бўлганларнинг молу жонига тегмаслик.

Жониқурбоний — уйротларнинг бир қавми. Чингизхон замонида Нисо, Обивард, Моҳон ва Марв атрофига кўчиб келиб ўринлашган қавм номи.

Зайнiddин Абубакр Тайбодий — Хиротлик машҳур шайх: Амир Темурнинг ширларидан, 1389 йил 28 январда вафот этган.

Занжир сарой — Чигатой улуси хони Қозонхоннинг қишики қароргоҳи. У Қаршидан тахминан уч фарсах (18—24 км.) парида, унинг кунботор тарафида жойлашган.

Зулфиқор — Ҳазрат Алияниг узун ва кескир қиличи.

Идил — Волга дарёсининг қадимий номи.

Илми нужум — юлдузларнинг ҳолати ва ҳаракатини ўрганивчи фап; астрономия.

Имом хатиб — хутба (қ) ўқувчи имом; масжиднинг бош имоми.

Ииқиёд — бўйсуниш.

Ипак йўли — қадим-қадимдан Хитой, Курия ва Японияни Урта ер дengизи бўйида жойлашган мамлакатлар билан bogланган савдо йўллари.

Искандар Зулқарнайи — Македониялик машҳур жаҳонгир (мил. авв. 323—356 й).

Испитамен — Искандар Зулқарнайи билан қуролли кураш олиб борган ўрта оснёллик миллий қаҳрамон.

«Кастилия қироли» — Испания подшоси Генрих III де Трастомора (1390—1407).

Истехзо — масхаралаш кулиги.

Калонтар — қишлоқ, даҳа оқсоқоли.

Кесарь — қадимги юнон императорларининг номи; император, подшоҳ.

Кина-қудурат — нек сақлаш, душманлик.

Кутвол — қалъа бошлиғи; шаҳар ва қишлоқ қўриқчилари бошлиғи.

Лангархона — йўловчилар қўниб ўтадиган жой; камбагал ва етим-еширга таом бериладиган жой.

Лувр — қаср; Франция қиролларининг Париждаги асосий қароргоҳи.

Мамзакатдорлик — мамлакат ва давлатни идора қилиш илми.

«...Мактубингиз биатга кўп қувоич багишлади» — Амир Темурнинг Франция қиролига 1402 й. 1 август куни бўзган мактуби назарда тутилади.

Манжаниқ — тош ва гўла отувчи маҳсус мослама; ўзига хос замбарак.

Маргузор — об-ҳавоси соз, хушманзара жой.

Массагетлар — қадимда Мовароуиннаҳр ва Туркистонда истиқомат қўлган халқ.

Маҳобатли — ҳайбатли, шукуҳли; узуг.

«Менинг шерим» — ҳудонинг шерি. Ҳазрат Алита берилган фахрий ном. У «шери ҳудо» номи билан машҳур бўлған.

Мирриҳ — Марс сайёраси.

Муқаддас салтанат — Ватикан.

Митрополит — епископлар бошлиғи; олий диний арбоб.

Мовароуиннаҳр — Амударёнинг шимолий тарафидаги ерлар.

Мударрис — муаллим, ўқитувчи.

Мунақжим — юлдузларнинг ҳаракатини ўргапувчи олим; астроном.

Мурчил — қамал пайтида қўшин учун белгилаб берилган жой.

Муҳасен — ўлпон йигувчи.

Муктасиб ал-мамолик — мамлакат молия маҳкамасиният бошлиғи.

Мушовир — маслаҳатчи.

Муштариј — Юпитер сайёраси.

Мўгулистон — XIV аср ўрталарида Чигатой улусининг шарқий қисмида ташкил топган феодал давлат. Унга Қошқар, Ила воҳаси ва Еттисув ўлкалари қараган. Жете (қ) деб ҳам аталган.

Навозиш — сийлаш, мөхрибонлик қилиш, яхшилик қилиш.

Намози аср — қуёш ботиши олдидан ўқиладиган намоз.

Намози шом — кечки намоз.

Наддоф — нахта титувчи.

Назр-ниёз — ўтиңг билан қўлпнган тортиқ.

Нафт андоз — нефт иргитувчи; нефти ёндириб отувчи маҳсус қурилма.

Нақшбандия тарқати — исломда сўфийлик тарқатларидан биришининг номи. Унга бухоролик косиб хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318—1389) асос солган. Тарқат бошида тарқидунёлик, фақирлик, борлпкўса меҳр—муҳаббат қўйини гоясини тарғиб қилган.

Носириддин Фурот — Миср султони (1399—1424).

Овунчиқ «қўшин» — вақт хушлик учун болалар тузиб олган ҳарбий бўлинима.

Озурда — озор чеккаи, ранжиган киши.

Озуқа — озиқ-овқат; емак-ичмак.

«Оқ китизга ўтқизди» — турк-мўгул халқлари одатига кўра, хон этиб сайланган шахс аввал оқ китизга ўтқизалиган. Унинг бир учидан султоналардан бири, икки учидан шайхулислом билан тариқат етакчиларидан бири, бир учини қудратли қавмлардан бирининг бошлиги тутиб кўтарганилар.

Пули сағин — Ҳисор вилоятида, Сурхоб (Қизилсув) дарёсининг сўл ирмоги Оби хингов устига қурилган тош кўприк.

Рааё ва бароё — оддий ўтроқ ва чорвачи халқ.

Работ — йўловчилар, хусусан савдо карвоилари қўниб ўтадиган жой; катта йўл устига қурилган маҳсус карвонсарой.

Раяят — оддий халқ.

Риёзиёт — математика.

Рифоҳият — тўқлик.

Рицарь — тиш тирногигача қуролланган отлиқ аскар; баҳодор.

Ришват — пора.

Соброи — Сирдарёning ўнг тарафида, Ясси (Туркистон) шаҳари ёнида жойлашган йирик ўрта аср шаҳари.

Сайдиддин Варқуқ — Миср султони (1382—1389).

Сайхун — Сирдарёning қадимий помларидан бири.

Салоҳлари — қурол-аслаҳалари.

Самур дарёси — Шимолий Қофқоздаги ҳозирги Терак (Төрек) дарёси.

Саратон — қисқичбақа: Осмон буржларидан тўртинчиси; ёз ойи; рак касали.

Сароймулхоним — Темурининг суюкли хотини, дўст ва сирлоши (1341—1408).

Саропарда — сарой пардаси. Хон чодириши иккига: қабулхона ва хобхона (ётоқхона)га ажратиб турган парда.

Сарфароз — бошни баланд қилиш; мартабасини ошириш.

Саҳоба — Мұхаммад пайғамбарга эргашгаилар: унинг ёронлари.

Саҳҳоф — муқовасоз.

Сијрат — хулқ-автор, хисдат, разиш, одат.

Ситора — юлдуз.

Соли сарой — Амударё бўйида (ҳозир Сурхондарё вилоятига қарашли Сарой қишлоғи) жойлашган ўрта аср шаҳарчаси.

Солиҳ — яхши, хайрли шилар қилувчи киши.

Солмон — Пайгамбаримизнинг эронлик саҳобаларидан Солмон Форсий.

Субҳи содиқ — чин тонг.

Сукут — ивдамаслик; жим туриш.

Сулдус — мўгул қабиласи номи.

Султон Аҳмад жалойир — Ироқ ҳукмдори (1382—1410).

Султон Маҳмудхон — Чигатоий; қўғирчоқ хон. (1388—1402).

Султония — Эрон Озарбайжондаги йирик шаҳар. Абхар билан Занжон оралиғида жойлашган (XIII асрнинг 90-йилларида қурилган).

Сурайи фотиҳа — Қуръони каримнинг биринчи ояти.

Суюргатмишхон — Чигатоий, қўғирчоқ хон (1370—1388).

Табриз (Тавриз) — Эрон Озарбайжони шаҳарларидан. Мўгуллар ҳукмронлиги даврида (1256—1353) Ҳалокуиёнлар давлатининг шайхати.

Тавозеъ — одоблилик; ўзини наст тутиш.

Тавочи — запкар йигиш, уни юриш ва уруш пайтларида жой-жойига ўринлаштириш ишига масъул бўлган ҳарбий мавсадбор.

Тавочигири — тавочилар (қ) бошлиғи.

Тарбияткунаңда — тарбия этилган.

Такбир — «Оллоҳу акбар!» («Худо улуғдир!»), деб индоқилиши.

Тариқат — усул, йўл; маслак. Сўфийлик йўли.

Тафаккур — фикрлаш.

Таҳқири горат — хўрлаш, талон-тарож қилиш.

Таштдор — қўлга сув қуловчи; офтобачи.

Таъди ва тааруз — қаршилик кўрсатиш ва зулм қилиш.

Темур қонуг — Бойсунтоғдаги эни ўйнитма метр ва узунлиги уч км. келадиган дара оғизига қурилган темир дарвоза.

Тир авдозалик — ўқ отиш санъати.

Тобуг — турк-мўгул ҳалқлари ўртасида амалда бўлган одат. Элчи қабулга кирган пайтда эмаклаб бориб, подшоҳнинг оёқларини ўшиши.

Тормоширихон — Чигатоий; Чигатоий улусини 1326—1334 йиллари идора қилган хон.

Тотканд — Самарқанд вилоятига қаранили ўрта аср шаҳар-часи. Ҳозирги Зиёвиддин темир йўл бекати атрофида бўлган.

Тоқи заргарон — заргарлар растаси.

Тумонот — минг-минглаб; сон-саноқсиз.

Тура ва ёсо — Чингизхон замонидаги турк-мўгул ҳалқлари ўртасида амалда бўлган қонун-қоидалар.

Тўхтамишхон — Жўчий; Олтии ўрда хони (1376—1395).

Умар Шайх — Амир Темурнинг иккинчи ўели (1356—1394).

Үрусхон — Оқ ўрда хони (1361—1375).

Үрф — одат.

Үгруқ — подшоҳ, хон ва султонларниг хотинлари, қуроласлаҳа ва озиқ-овқат заҳиралари ортилган карвой.

Фарсаҳ — таҳмидан 6—7 км.га баробар масофа ўлчови.

Фикъ — мусуљмон қопуншунослиги.

Хандақ — қалъя теварагига қаззилиб, сув тўлатиб қўйилган кенг ва чуқур зовур; маҳсус мудофаа иншооти.

Хивақ — Хива шаҳарининг ўрта асрлардаги номи.

Хироқ — даромад солиги. Етиштирилган ҳосиллининг учдан бир қисмини ташкил қилган.

Хирқа — жандо; дарвишларниг усткни либоси.

Хипмат — ҳурмат кўрсатиш, камтарилик.

Ходими асрор — сирдош ходим; ҳукмдорга яқин одам.

Холиса — давлатга қарашли ер-сув ва болиқа мулки.

Хонсолор — дастурхончи.

Хузор — Ҳозирда Қашқадарё вилоятининг Гузор тумани маркази бўлган ўрта аср шаҳарчаси.

Хутба — одатда жумъя намозларида қилинадиган ватъ-насиҳат.

Хўжа илғор — Амир Темур таваллуд топган Кешга қарашли қишлоқ.

Човгон ўйини — хоккейга ўхшаган, от миниб ўйналадиган ўйин.

Чопғун — ўлжа шитиёқида төварак-атрофдаги қишлоқлар устига қилинган босқин.

Чорнилар — тўрт оёқлилар, яъни ҳайвонлар.

Шарбарту — Ҳиндикуш довоиларидан бирининг номи, шу ти ерда жойлашган қишлоқ.

Шариф — шарофатли.

Шаҳристоӣ — шаҳарининг ҳунармаздлар ва савдо аҳли исhtiқомат қилган ташқари қисми.

Шом — Сурия.

Яйдоқ — тен-текис; ялангоч ер.

Ясовурийлар — катта иуфузга эга бўлган мўғул қабиласи.

Ясоқ — жазо.

Үқуз — Амударёнинг қадимги номи.

Үрдуюҳ (ўрду) — хонининг вақтли қароргоҳи.

Қамариддин — Мўгулистоилик йирик феодал. Мўғалистонни 1363—1390 йиллари идора қилган ҳукмдор.

Қарғи — чуқурлиги.

Кирол Шарл VI — Франция подшоси (1380—1422).

Қиссаҳон — ўтмишда улут кишилар билан боғлиқ бўлган ажойиб ва ғаройиб воқеаларни яхши билган киши.

Қозонхон — Чигатоӣ улусининг сўнгти йирик ҳукмдорларидан бири (1338—1348)

Қоработ — Озарбайжонга қараашли қадимий вилоят. Кура билан Аракс дарёларий оралиғида жойлашган вилоят.

Қоравўл — лайшар олди ва ёнларида борувчи қўриқчи ҳарбий қисм:

Қора кийик — ёввойи тўнғиз.

Қора сұяқ — турк-мўгул халқлари орасида ҳукм сурган айъанага кўра, Чингизхон авлоди оқ сұяқ ҳисобланган. Шунинг учун таҳтга ўшалар ўтқизилган. Бошқалар қорасуяқ ҳисобланганлар.

Қочувли баҳодир — Амир Темурийнинг саккизинчى аждоди.

Ҳазрати Али — хулафо ар-рошидийн (тўғри йўлдан борувчи халифалар)дан тўртипчиси (656—661).

Ҳайбар жағи — Ҳайбар (Мадиванинг шимолий тарафида жойлашган водий)да мусулмонлар билан яҳудийлар ўртасида бўлган жанг.

Ҳамал буржи — илми нужум (астрономия)да ўн икки-буржининг биринчиси. 21 март 21 апрел орасига тўғри келади.

МУНДАРИЖА

Муаллифдан	3
Суюнчи	5
Байпорт	9
Ирйим-сирйим	12
Қиссаҳон	17
Мактуб	21
Ясавуринийлар босқини	25
«Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар»	29
«Лўлигининг отини сугориб, ақчасини ол»	32
Амир Бекчик фитнаси	35
Дўзах азоби	39
Чўлоқ чумолининг жасорати	42
Мош табиб	46
Сарбадорлар	51
Кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган гаилар	54
Дарвешлар	58
«Шаҳарни қайтадин тошдин бунёд этурмиз»	66
«Тўхтамиш ўғлон илгари бизга ўғил мақомида эрди»	70
Амир Темур ва иби Халдун	76
Авлий ота Иоани	80
«Биз қадимий илак йўлини тикладик»	84
Изоҳ	87

Адабий-бадиий нашр

Бўрибой АҲМЕДОВ

АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

Муҳаррир: *Еқут Раҳимова*

Мусавири: *P. Зуфаров*

Расмлар муҳаррири: *Ю. Габзалиев*

Техн. муҳаррир: *У. Ким.*

Мусаҳҳих: *M. Xўжаёва*

Боемахонага 1.06.98 да берилди. Босишига 10.08.98 да рўхсат этилди. Улчами $84 \times 108^{1/32}$. Адабий гарнитура. Шартли босма л. 5,04. Нашр л. 5,23. Йўами нусха 7000. Буюртма 87. Шартнома 102—97. Баҳоси шартнома асосида.

«Езувчи» нашриёти, 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг
Тошкент китоб-журнал фабрикасида чон этилди. Тошкент, Юниус
обод даҳаси, Муродов кўчаси, 1-йй.